

# Мирий

*ТАНЛАНГАН АСАРЛАР*

**«ТОШКЕНТ» БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ**  
**1965**

Ўз  
М 54

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**  
**А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ**

**Нашрга тайёрловчи**  
**М. МАҲМУДОВ**

**Муҳаррир**  
**П. ШАМСИЕВ**

**Мирий.**

Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи М. Маҳмудов. Т., «Тошкент», 1965.

312 бет. Тиражи 15000.

Мирий. Стихи.

Ўз1

## ОЧИЛДИ МИРИЙ

Мирий XIX асрнинг иккинчи ярмидаги прогрессив адабиётнинг истеъдодли ва сермахсул намояндаларидан. Шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бундан ўттиз етти йил аввал адабиётшунос А. Мажидий томонидан бошланган эди. У ўзининг Мирий ҳақидаги мақоласида («Маориф ва ўқитғувчи», 6—7, 8-сонлар, 1927) шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот беради. Шундан кейин Мирий ҳақида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмади.

Биз Мирийнинг ижодини ўрганишда асосан унинг автографларига — Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ўзбек ва тожик тилида ёзилган икки девони ва икки баёзига ҳамда Тожикистон Фанлар академиясининг қўлёзмалар бўлимида сақланаётган тожикча «Раъно ва Зебо» достонига асосландик. Шу билан бирга, мўътабар қариялар берган маълумотларга суяниб, унинг биографиясини тиклашга ҳам ҳаракат қилдик.

Мирийнинг исми Очилди<sup>1</sup> бўлиб, Каттақўрғон ва унинг атрофларида Мулла Очилди, Очилди Махдум ва кейинроқ Қози Очилди номлари билан машҳур бўлган. У 1246 ҳижрийда (1830 милодийда) Каттақўрғоннинг Қалқўрғон волостида қарашли Эшонқишлоқ мавзенда деҳқон Неъматулла оиласида туғилди. Отаси Каттақўрғон ўзбекларидан, онаси эса Қоракўлдан бўлган. Шоир «Аз Қароқўламу пуршўраму кони намакам» номли машҳур биографик таржеъбандида ишора билан бир замонлар она томон қариндош-уруғларининг оғир мусибатларга дучор бўлганини ёзади ва феодал жамиятига бўлган чўқур ғазаб-нафратини дарду алам билан ифодалайди.

Очилди Эшонқишлоқ мактабида савод чиқаргандан кейин, Каттақўрғондаги Нақибхўжа мадрасасида ўқийди; адабиётга қизиқиб,

<sup>1</sup> Шоирнинг асл исми Муҳаммадқули бўлган. Чақалоқлигида чангак касалига учраган. Шунга кўра, одат бўйича уни Очилди, Очилди Мурод деб атаганлар.

шеърлар ёзади. Шоир умрининг охирларида ёшликдаги ижодини эслаб, 14 яшарлигида ёзган «Кунеки мен сари ул муғбача тазаллум этар» ғазали Каттақўрғон қозиси шоир Абдулазиз Роқим қўлига тушиб, уни жуда ҳайратда қолдирганини, ниҳоят, Абдулазиз «Бу бола тахаллусга муҳтож экан» деб мазкур ғазалнинг охирига:

«Висол истаюб ул пири дайрдин Мирий,  
Мудом най киби овоз этиб, тараннум этар»,—

байтини тазмин қилганини ва Очилдига Мирий деб тахаллус берганини ёзади. Шоир Роқим ёш Очилдига Мирий тахаллусини бериб, уни амирнинг маддоҳига айлантирмоқчи эди. Бироқ зийрак Очилди у йўлдан бормади...

Очилди 21 ёшида Бухоро мадрасаларининг бирига ўқишга кирди. Бу ерда адабиёт, тарих, араб грамматикаси, ҳусни хат, музикани ўрганишга алоҳида эътибор берди, бўш вақтларида шеърлар ёзди.

Очилди мадрасани ўн бир йил деганда тамомлаб, ўз қишлоғига қайтди-да, отадан қолган бир парча ерда бир неча йилгача деҳқончилик қилди. Шоир бу ҳақда:

Дар ин чо касби ман шуд деҳқоний,  
Заминро мешикофам баҳри ноне,

мазмун:

Бу ерда менинг касбим деҳқончилик бўлди,  
Нон ғамида ер бағрини ёраман,—

деб ёзди. Санъаткорнинг бу даврда ёзган асарлари унинг дунёқараши шакллана бошлаганидан далолат беради. Меҳнаткаш халқнинг аянч аҳволи, манғит амирларининг, хусусан амир Насруллонинг қонли урушлари ҳамда бошқа уруғларга ёмон муносабати, хитой-қипчоқлар қўзғолонининг шафқатсиз бостирилиши, Нодира, Ҳозиқ каби талантли шоир ва софдил кишиларнинг ўлдирилиши. Шавқий, Вола, Хиромийларнинг хўрланиши бунда муҳим роль ўйнади; классик адабиёт ва фольклорнинг бой прогрессив традициялари ва ниҳоят, тараққийпарвар замондошларининг ижоди шоирга ижобий таъсир қилди.

Ростлиғни пеша қилғил, бўлмағил зинҳор каж,  
Барҳам айларлар қачонким бўлса ҳар девор каж,—

деб кишиларни тўғрилиқка, ҳалолликка чақирган шоир ҳаёт ва ижодда ана шу принципга ўзи ҳам амал қилди ва меҳнаткаш халқ ом-

маси ҳисобига яшаётган жоҳил амалдорларни дадиллик билан танқид қилди, чин муҳаббат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, олижаноблик каби умуминсоний фазилатларни улуғлаб, адолатсиз тузумга нафрат билдирди, в. ҳ. Чунучи, у ўзининг «Азизим, тан аро то жон ғанимат» ва «Таажжубким, лақабдин ҳар кишида бир нишонедур» номли ҳажвий шеърларида ўз идеалларига ғов бўлиб турган ярамас кишиларни фош қилади:

Авез улким эрур қаллоб жаллоб,  
Анга бозор аро ёлғон ғанимат.  
Қалам тортса Низомиддин махдум,  
Туну кун олдиға Қуръон ғанимат...  
Муҳаммадёр имоме бўлса оне,  
Ҳамага жон, ангадур нон ғанимат.  
Мулла Қурбону Эшмат ўртасида  
Омон қори эрур чандон ғанимат.  
Жўрабек, Шоқулибеклар ёнида  
Қиличу найзаю қалқон ғанимат...  
Аё эй меҳрибон, кўтоҳ қисса,  
Эшонға ҳар наким олғон ғанимат...

Ноҳақ қон тўкиб, халқни талаб келаётган бекларнинг босқинчилик урушларини қорелаганда ҳам, эксплуататор синф вакилларининг хулқи-атворини фош қилганида ҳам шоир реалистик позицияда туради ва буни: «Баридур воқеий, қилманг гумон шоир ялонидур», деб алоҳида таъкидлайди. Шоирнинг бундай шеърлари меҳнаткаш халқни қанчалик хурсанд қилган бўлса, унинг душманларини шунчалик ғазаблантирди. Бироқ шоир дўқ-пўписалардан қўрқмади. Меҳнаткаш халқнинг куч-қудратига ишонди. Шунинг учун ҳам у:

Жоҳ аҳли суҳбатидин то тириксен ўзни йиғ,  
Фақр аҳлин эҳтиром айлаб, қил анга ҳублиғ,  
Эҳтиёж аҳлин қўлин тутким, эрур нафъи аниғ,—

деб ёзди. У, сабр косаси тўлиб, золимларга қарши қўзғолган меҳнаткаш халқ томонида туриб, амир ва унинг ҳомийларини қаттиқ огоҳлантирди, жабру зулмининг оқибати ёмон бўлишини айтди:

Мастонавор пой мазан роҳи аҳли фақр:  
Чун най зи хок тег кашад оҳи аҳли фақр,  
Ғофил мабош аз дили огоҳи аҳли фақр,

Бебок пой манеҳ ба адабгоҳи аҳли фақр:  
Хобидааст шери найистони бӯрѐ!

Мазмуни:

Фақр аҳлининг йўлини мастларча оёқ ости қилма,  
Чунки унинг охи ердан чиққан қамишдек тиг тортади,  
Фақр аҳлининг ҳушёр қалбидан беларво бўлма,  
Фақр аҳлининг адабгоҳига беибо қадам қўйма,  
Чунки уларнинг қамишзориди шери ухлаб ётибди!

Шоир меҳнаткаш халқни золимлардан қандай ҳимоя қилган бўлса, меҳнаткаш халқ ҳам ўз шоирини ёвуз кучлардан шундай мудофаа қилди, у билан фахрланди.

Адабиётга соф ишқий ғазаллар билан кириб келган шоир ижоди аста-секин жанр жиҳатдан хилма-хиллашиб, тематик доираси кенгая борди; мазмунан чуқурлашиб, ғоявий-бадий камолот чўққилари сари кўтарилди борди. Шу жиҳатдан унинг «қарз» радифли шеъри характерлидир. Санъаткор меҳнаткаш халқ оммасининг батамом қарзга гирифтор бўлганини образли тасвирлар экан, ажойиб сўз ва иборалар топади.

Фарзи худову қарзи халойиқ ба гарданам,  
Ё раб, ҳавои фарз кунам ё адои қарз?!

Мазмуни:

Худонинг фарзию халойиқнинг қарзи бўйнимда,  
Ё раб, фарзни адо қилайми ё қарзни тўлайми?!

Мулла Очилди 1870 йилларнинг бошларида Каттақўрғоннинг Ҳайдарчамаи маҳалласида мактабдор домла бўлиб хизмат қилди. Уқитувчиликдан бўшагач, хаттотлик ва бадий ижод билан шугулланди, баёзлар тузди. Ун беш ярим минг мисралик «Раъно ва Зебо» дostonининг қисқа муддатда яратилиши (1883—1884) санъаткорнинг юксак иш қобилиятидан гувоҳлик беради. Езувчи ўзининг катта-кичик дostonлари билан Навоийдан сўнг анча сусайган дostonчилик ва ҳамсачилик традициясини ривожлантириб бу соҳага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Истеъдодли дostonнависнинг «Раъно ва Зебо» дostonи ўзининг ғоявий-бадий етуқлиги, воқеалардан чуқур фалсафий-ахлоқий хулосалар чиқариши ва яна бир қатор фазилатлари билан шу номдаги дostonлар ичида алоҳида мавқени эгаллайди. «Раъно ва Зебо» дostonидан олдинроқ яратилган ва ҳажм жи-

ҳатдан кичик бўлган «Гулнома» достонида шоир ҳаёт гўзаллигини тараннум этади ва турмушда инсон меҳнатининг роли ҳақидаги эстетик қарашларини ифодалайди.

Мулла Очилди эски мактабларнинг талабга жавоб беролмаётганини амалда қўрди ва таълим-тарбия ишида бошқа мактабдор домлаларга нисбатан бирмунча бошқачароқ йўл тутди. Унинг болаларни урмаслиги, хушмуомала, бироқ талабчанлиги, таълим ва тарбия беришида ўзига хос энгил усулларни қўллаши, меҳнатсевар ва серғайратлиги, ўринсиз хайру эҳсонларни рад қилиши халқ ўртасида унинг обрўйини яна ҳам кўтарди. Бу эса бошқа мактабдор домлаларнинг ғашига тегди, уларни ғазаблантирди. Шоир танқид қилган ҳоким синф вакиллари, айниқса жоҳил, мутаассиб руҳонийлар уни ҳар тбмонлама камситишга, обрўсизлантиришга ва ишдан четлатишга ҳаракат қилдилар. Шоир ҳам бўш келмади. «Силсилатуз-заҳаб»нинг хотимасида ўзига ҳар хил айблар қўяётган реакцион гуруҳларга кескин жавоб берди:

...Насабам турк, ман зи Туркистон,  
Мақунӣ таъна, бишканӣ дандон!  
Ҳар киро ҳар қужо бувад манзил,  
Ба ҳамон лафз мешавад комил!  
Қай хижолат зи номи хеш маро,  
Фитрати ўзбек аст кеш маро!  
Бас ҳамин давлати бузург маро,  
Ки накарда зи ҳуку гург маро!..

Мазмуни:

Насабим турк, Туркистонданман,  
Таъна қилма, тишинг синади!  
Ким қаерда яшаса, манзил қилса,  
Уша ернинг тилида камол топади!  
Мен ўз номимдан ҳеч қачон хижолат бўлмайман,  
Ўзбекнинг табиати, хулқи — менинг табиатим,  
хулқим!

Шуниңг ўзи менга катта давлатки,  
Мени чўчқа ё бўри қилиб яратмади!..

Бу реакцион элементларни қутуртирди, Улар шоирни таъқиб ата бошладилар. Шаҳарнинг бош оқсоқоли Мирза Ҳайдарқулидан

тўппонча сўраб ёзилган шеърда шоирнинг қуйидаги мисралари характерлидир:

Зи ҳолам оё най ту оғаҳ: шабам ба бим асту қисса кўтаҳ,  
Ўмед дорам яке тапонча, занам чу тири дуо бадахтар!

Мазмуни:

Нахотки сен менинг ҳолимдан хабардор бўлмасанг,  
Ахир, менинг кечаларим даҳшатда ўтмоқда-ку.  
Гапнинг қисқаси, сендан бир тўппонча сўрайман,  
Токи ҳаётимга қасд қилувчи қотилни дуонинг ўқидай уриб  
йиқитсам!

Бироқ реакционерлар шоир билан Мирза Ҳайдарқулининг орасини ҳам буздилар. Натижада Мирза Ҳайдарқули ўз илтимоси билан ёзилган ва унга аталган «Раъно ва Зебо» достонининг муқаддимасидан ўз номини ўчириб, китобни шоирга қайтарди. Шоир китобни олиб, Ҳайдарқули номини ўчирган саҳифа устига қуйидаги ҳажвияни ёзиб қўйди:

Ман ба номат зиндағй додам чунин,  
Кўр кардй номат, акнун кўр, бин!  
Баҳри таснифаш сабаб бўдй вагар,  
Қадри ҳалворо чи донад кўр хар!  
Қиммати гуфтор аз донишварист,  
Қимати ў кас надонат нархарист!

Мазмуни:

Мен сенинг номингни ана шундай ўчмас-ўлмас қилган эдим,  
Бироқ уни ўзинг ўчирдинг, энди ўчди, кўр!  
Уша китобнинг ёзилишига сен сабаб бўлган эдинг,  
Бироқ ҳалвонинг қадрини кўр эшак қаердан билсин!  
Сўз қадрини оқил, доно кишилар билади,  
Унинг қадрини билмайдиган киши билан эшак ўртасида ҳеч  
фарқ йўқ!

Утган асрнинг 80—90 йилларида Ўрта Осиё Россияга қўшнлигидан кейин Каттақўрғонда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Эксплуатация, ҳақсизлик, жабру зулм хилма-хил шаклларда давом



этса-да, феодал жамиятининг мудҳиш иллатлари — қонли босқинчилик урушлари, қулдорлик, тан жазолари барҳам еди. Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-саноатнинг нисбий ривожланиши учун муайян шароит яратилди. Телеграф ва темир йўл қурилди, марказий кўчага тош ётқизилди, янги иморатлар қурилди, рус-тузем мактаби, касалхона, кутубхона очилди ва ҳоказо.

Урта Осиёга рус фан-техникасининг кириб келиши шоир ижодига ҳам баракали таъсир этди. Тараққийпарвар санъаткорнинг фан-техника янгиликларига ҳурмат билан қараши, унга ўз муносабатини шеърятда хилма-хил янги тасвирий воситалар, приёмлар билан ифодалаш ва шу муносабат билан сўз бойлигини ошириши диққатга сазовордир. Бунга «Фироқ маҳкамаси фитна бирла топти ривож» газалининг қуйидаги мисралари мисол бўла олади:

Нетай, не чора қилэй тилгрофи пайғомим  
Этушмади: неча оҳим йўлунгда қурди ёғоч.  
Кўнгулни шишасига сими меҳринг этдим рост,  
Паёму нола таноби эрур қулоч-қулоч.

Фан-техника янгиликлари туфайли ҳаётда юз бераётган ўзгаришларни кўрган шоир ёшларни илму ҳунарни эгаллашга, хуштабат, етук олимлар бўлишга чақирди:

Жони ман, гўш бикун, панди худо ҳозир ҳаст:  
Қасб кун илму ҳунар то дилу жон қодир ҳаст.  
Ҳар кужо аҳли диле ҳаст ту парҳез макун,  
Лаби худ аз ман ҳар шиша тарабхез макун...  
Ки бигўянд: зиҳи ҳусну ва зиҳи фазлу камол,  
Фазл ёбад зи хату холи ту ҳарфу хату хол.

Мазмуни:

Худонинг насиҳати бор, жонгинам, қулоқ сол:  
Қудратинг етганча, илму ҳунарни эгаллагин.  
Қаерда доно ва олим кишилар бўлса, уларнинг суҳбатидан  
тортинма,  
Ҳар қандай одам билан улфатчилик қилма...  
Кўрганлар, бу қандай соҳибжамолу бу қандай фазлу камол,  
десинлар,  
Фазл сенинг жамолингдан яна ҳам кўркам бўлсин, камол топсин.

1887 йил Мулла Очилди халқнинг талаби ва шогирди Дўстмуҳаммаднинг қистови билан Калқўрғон волость қозилигига кандидат

қилиб сайланди. 1888 йил 16 февралда қози оғир касалликка учрагани сабабли унинг ўрнига қозиликка тайинланди. Шоирнинг қозилик фаолияти ҳақида анчагина маълумотларга эгамиз. Мирийнинг шогирди Салоҳиддин махдум (1875—1964) «Мен халқ оғзидин,— қози инсофли ва одил бўладиган бўлса, Қози Очилдидай бўлади деган гапларни жуда кўп эшитганман»,— дейди. «Мирий билан Иброҳимхўжа, Санойи эшон ва Қози Исмоил Ҳижрийлар ўртасида мунозарасиз ўтадиган ўтиришлар камдан-кам бўлар эди»,— деб ҳикоя қилади Салоҳиддин махдум, «Мирий жуда пичингчи ва ҳозиржавоб эдилар. Бир ўтиришда Қози Исмоил у кишига: «Ҳаракатларингиз зўру оёғингиз оқсоқ-да, тақсир»,— деганида, Мирий: «Ҳа! Амир Темир ҳам оқсоқ эди, лекин ўша оқсоқ оёғи билан кўп соғ подшоларнинг (кетига) тепиб, ёстигини қуритди-да»,— деб жавоб қайтарган».

Шоир эксплуататор синф вакилларининг барча қабоҳат ва жиноятларини жасорат билан фош қилаверди. Унинг ҳар бир шеъри Аҳқар, Дабири, Дўст, Ноқис, Салоҳий каби шогирд ва мухлислари орқали халқ ўртасида тарқалиб турган. Шу нарса қизиқки, айрим шеърларида асар «қаҳрамонлари»нинг номи кўрсатилмаса ҳам халқ уларни яхши билган. Масалан, 1890 йиллар бошида Қози Исмоил ахлоқсиз иш қилиб, суд жавобгарлигига тортилади ва олти ойдан сўнг губернаторга пора бериб, жазодан қутулади. Қози Исмоил фош қилинган шеърда унинг номи тилга олинмаса-да, Каттақўрғоннинг мўътабар қариялари шеърнинг кимга аталганини ва унинг мазмунини яхши биладилар.

1880 йилларнинг охири, хусусан 1890 йилларнинг бошларидан меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғир солиқлар, қарзлар, икки томонлама эксплуатация туфайли тобора оғирлашиб борди. Рус капиталистлари ва чиновниклари маҳаллий бойлар ва амалдорлар билан бирлашиб, меҳнаткаш халқни, хусусан камбағал деҳқонларни хонавайрон қилдилар. Халқнинг арзу додига чор бюрократик идораларида ҳам, маҳаллий маҳкамаларда ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. Бундан ғазабланган шоир қозилик маҳкамасининг моҳиятини, унинг ҳақиқий қиёфасини усталик билан фош қилади:

Ғани мурофаасини сўрарди юз тадбир,  
Фақир оғзини очғач, қўйиб отини данг-данг.  
Ғани муроди учун бенавога аччиғ-аччиғ  
Деб, они ҳанги эшак, носазо ва бепарҳанг!..  
Олувга нақд тилаб хизматона, муҳрона,  
Ғанига деб: «Анга лозим! Буларни сиз берманг».  
Тараҳҳум айламайин ҳоли нотапонларга,  
Тазаллумини эшитмай, бошига юз харсанг.

Бу даврда шоирнинг гуманистик қарашларида муайян ўзгаришлар юз берди. Меҳнаткаш халқ оmmasига ачиниb, адолатсиз кишиларни foш қилиb келган санъаткор энди уларга нисбатан кескин чора кўриш лозимлигини ҳам тушуна бошлайди. Бироқ тарихий шароитнинг маҳдудлиги санъаткор дунё қарашининг изчил ривожланишига ва ижтимоий тенгсизликнинг туб сабабларини, синф ва синфлар курашини тушунишига имкон бермади.

Халқнинг аҳволи тобора оғирлашиб бораётган бир пайтда маккор, юлғич эшонлар фаолиятининг кучайиши шоирни яна ҳам қаттиқроқ ғазаблантирди:

Коним қуритдию, сўнгакимни ушотти, оҳ,  
Ул шайхларки силсиласи бенишонлиғи..  
Истаб мурид, жаҳр солиб кўю кўчада,  
Эл молини таларда бўлуб шодмонлиғи.

Подшо ҳукуматининг ўз қиёфасини халққа тобора равшанроқ кўрсатиши, халқ аҳволининг яна ҳам оғирлашиши, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлаша бориши шоир ижодида, жумладан унинг дostonларида ошкора эмас, балки тамсил, рамз-ишора орқали ифодаланди.

Узини меҳнаткаш халқ билан бирга гоҳ эндонда, гоҳ қафасда, гоҳ овчининг фитрокида кўрган санъаткор эркин, бахтиёр замонни сабрсизлик билан кутади, орзу қилади, бироқ ҳаётда қулликдан озод қилувчи кучни кўрмайди.

1896 йилги қози сайловида ҳаромхўр, қаллоб кишилар халқ талабига қуроқ солмасдан, қозиликка Мирийнинг ўрнига Мулла Абдуғанини сайлашди.

Шоир қозиликдан бекор бўлгач, маҳалладаги ҳовлисини сотиб, Эшонқишлоққа кўчиб кетди. Бироқ зиддият бу билан тугамади. Реакционерлар ҳийла билан аввал шоирнинг азамат икки ўғлини, бир йилдан кейин унинг ўзини ҳам ҳалок қилдилар.

Очилди Мирий 55 йиллик ижодий фаолиятида мураккаб бир йўлни босиб ўтди. У ижодининг дастлабки давридан бошлаб сўнгги дамигача ҳақиқат ва адолат излади. Халқнинг оғир аҳволига ачиниb, унинг душманларини қўрқмай foш қилди ва ниҳоят ўз идеаллари учун курашиб, ҳалок бўлди.

Шоир соф ишқий ғазаллар, юмористик-танқидий маснавийлар, кичик фалсафий-дидактик дostonлардан социал-фалсафий лирика намуналари, ўткир сатирик шеърлар, ҳаётий масалаларни кенг ёритувчи катта дostonлар ва ҳатто «Хамса» ёзиш даражасигача кўтарилди.

Санъаткор ўз асарларини ўзбек ва тожик тилларида яратиб, классик адабиётимизнинг мазмун ва шакл бирлиги, гуманизм, халқ-парварлик каби энг яхши традицияларини янги шароитда ривож-лантирди. Шoirнинг прогрессив қарашлари ва амалий фаолияти меҳнаткаш халқ онгига, шунингдек шоир ва шоирлар ижодига баракали таъсир кўрсатди, албатта. Шoirнинг хизматларига унинг замондошлари ҳам қойил бўлганлар. Масалан, Ноқис устозини Фозил ва камол топган мутафаккир санъаткор деб тавсифласа, Маҳдий ҳақиқатни ҳеч кўрқмай айтгани учун уни «шоир тездабони машҳур» деб атаган. Шоир Салоҳий билан Муҳаммад Расул Хоиб (Ножи) ҳам унга юксак баҳо бердилар.

Шoir вафотидан кейин реакцион кучлар унинг асарларини йўқо-тишга ҳаракат қилдилар. Бироқ заршунос, диди баланд халқимиз бунга йўл қўймади. Санъаткорнинг «Чор шарбат», «Анвори Суҳайлий», «Рустам ва Зўҳроб» каби бир қанча муҳим асарлари ҳозир-гача топилмаган бўлса-да, юқорида номлари тилга олинган асарлар-нинг автографлари бизгача етиб келди.<sup>1</sup>

Шoir Мирийнинг «Танланган асарлари» биринчи марта нашр қилинмоқда, Олимларимиз эса унинг ижодини синчиклаб ўрганмоқ-далар.

*МУҲАММАДЖОН МАҲМУДОВ,*

---

<sup>1</sup> Яқинда Мирий «Ҳамса»сининг уч дostonи топилди. Шoirнинг ўз қўли билан ёзган бу асари Октябрь инқилобидан аввал самарқандлик шоир Қори Маснҳо Тамҳид (1891) томонидан сотиб олинган бўлиб, ҳозир Самарқанд Давлат университетининг кутубхонасида сақланмоқда.

# Ғ А З А Л Л А Р

\* \* \*

Ишқинг, эй гул, заъфаронзор этти юз, қаддимни ё,  
Эй камон абру, камон қаддимни қилмиш ғам дуто.

Шайъалиллаҳ, деб сари кўюнг аро туттум ватан,  
Шоҳлардин ул муносиб сўрмоқ аҳволи гадо.

Мунисим йўқдур десам, ҳолим, рақибим беадад,  
Войким, ҳолим забун, аъдо фузун, кўп можаро.  
Юзда холингму десам, қолмиш кўзумни мардуми  
Тармашиб ҳайрат била боқғанда ул рухсор аро.

Эй кўнгулнинг роҳати, кетмиш танимни қуввати,  
Хаста жисмимга висолингдин етургил мўмиё.

Чун танимдин кетти қувват, толпинай кўюнг сари,  
Новаки мижгонларингдин топса шояд жон асо.

Эй жамолинг шамъи ёдидин бузуғ кўнглумга нур,  
Қоматинг андешасидин хаста жисмимга сафо.

Жони беморим кўзунг беморидин айлантурай,  
Ҳадяи жонинг тилаб, айлай тану жоним фидо.

Нотавон Мирийға лутфунг соғаридан бер насиб,  
Бир табассум бирла онинг дардиға бергил даво.

\* \* \*

Келгил етиб, ғариб тан айлай фидо сенга,  
Эй, тан фидои ҳар қадаминг, жон баҳо сенга.  
Ушшоқдин кам айлама жавру жафоларинг,  
Эй бевафо, жафо худ ўлубтур вафо сенга.  
Гар рўзгорим ўлди қаро, айб қилмағил,  
Қошу кўзу сочинг неча тушмиш қаро сенга.  
Ҳижрон балоси, тийра фироқимдин этма шарҳ,  
Ошиқлиғимни журмида мен мубтало сенга.  
Юз ибтилога тушса таним, менда йўқ гуноҳ,  
Мен мубталони қасдида бор минг бало сенга.  
Жоду кўзингни ғамзасини нотавонимен,  
Мижгон ўқинг не навъ дей, эй қоши ё, сенга.  
Тасхир этарга кишвари кўнглум сочингму йўқ,  
Холинг юз узра ўйлаки меҳри гиёҳ сенга.  
Оразму йўқса очти қазо сунъ сафҳасин,  
Хат ул саҳифа узра музаҳҳаб жило сенга.  
Холу хату юзу кўз, қошин балолари  
Бўлсун ҳузуру айши дамнинг, Мириё, сенга.

\* \* \*

Не ажаб, тушмиш муносиб ул қаду рафтор анга,  
Яхшилиқ ҳар нечаким бордур, бариси бор анга.  
Оразида холу қошу кўзу мижгонига боқ,  
Қилки қудрат сунъ нақшин айламиш изҳор анга.  
Ул гажакдур; дема асрарға ёмон кўз шарридин  
Ҳуснин ул ой, турра зулфин боғламиш тумор анга.  
Васлини истаб, кўзум олти жиҳатға тўртдур,  
Чора истаб, войким, ҳижронда мен ночор анга.  
Ёрдин маҳжуру атрофим тутуб агёрлар,  
Не қатиғ ғам буки, агёримдин ўлса ёр анга.  
Эй балият аҳли, қайғурманг ёмон ҳолим кўруб,  
Ёрдин не келса хушмен, етмасун озор анга.  
Ҳар не сендин етса, мискин Мирий миннат жониға,  
Айла миннатдор, бергил давлати дийдор анга.



Лабинг сўзи билан бер мужда жони зорим аро,  
Тилингни шарбатидин ком бер хуморим аро.  
Не ҳур васли, не учмох жамолидур матлуб,  
Сену висолинг эрур хотири фигорим аро.  
Юракда хори ғаминг етмади — рақибим ила  
Нашот этиб, қўюб ўт ушбу хор-хорим аро.  
Жаҳонни шўхларидин вафо умед этманг,  
Боқиб мени унутинг тийра рўзгорим аро.  
Қарору сабрни маҳкам тутай, дедим, ул шўх  
Кулуб-кулуб, мени худ қўймади қарорим аро.  
Чу ишқ ўлмиш азал қисмидин сенга, Мирий,  
Не келса шукр эту ёзгурма ихтиёрим аро.  
Хаданги нозиға ўлсам синиғ ўқин учидин,  
Гувоҳ истагали қўйғасиз мазорим аро.



\* \* \*

Телба бўлмай найлай, ул гул ўзни раъно айласа,  
Бутратиб кокулларин, гул юзни зебо айласа.  
Тор-торини очиб, ҳар ён тақиб туморлар,  
Ҳусн туморин тақиб, кўнглумни шайдо айласа.  
Эй хирад аҳли, оғиз таънимга очманглар мени,  
Ким, пари кўрмиш ажаб йўқ ўзни расво айласа.  
Мен нетай кўнглумни олмиш бир қаро кўзлик санам,  
Рўзгоримни қаронғу ул сумансо айласа.  
Мен нечук асрай кўнгул, ташлар ўзин беихтиёр,  
Ўзни ул зебо ясаб, ҳар дам дилоро айласа.  
Асрамоқлиғга кўнгул мен нотавон мақдур эмон,  
Ихтиёрим кетгай элдин, жилва барпо айласа.  
Ўлсам ишқидин, тирилсам лутфидин, ҳайрат недур,  
Ул пари гаҳ ўзни қотил, гаҳ Масихо айласа.  
Оғзи йўқлиғда, бели торин десам йўқ, бордур,  
Бору йўқум садқа, йўқу борин ифшо айласа.  
Не қилай, дардим иложидин эрур ожиз табиб,  
Тонг эмас, лаъли бу дардимга мудово айласа.  
Зулфини савдосидин кўнглумда юз савдо эрур,  
Найлайн, ҳар дам менга юз навъ савдо айласа.  
Кетса бош, хок ўлса тан, жон қилса жисмимдин видоъ,  
Мирий қуллиғда қарам дер, ҳар не Мирзо айласа.

\* \* \*

Эй лаъли лабниг масиҳосо,  
Бемор кўзунг — ғазоли саҳро.  
Васлинг тиламоқ эрур шпорим,  
Худ истарида не ҳадду ёро.  
Ҳижрон туни бас қаронгулиқдур,  
Афғонима раҳм қил, нигоро.  
Ё раб, не бало, балои жонсен,  
Бир кўрмоғинг этти сабр яғмо.  
Ишқингда ўларга етди ҳолим,  
Етмасмусен, эй Масиҳ сиймо.  
Ваҳ-ваҳ, не ниҳоли боғдурсен,  
Бир нахлға минг самар ҳувайло.  
Қотил кўзидин ҳадис қилсам,  
Ҳайвон суйидур тилида гўё  
Зулфида қорарди рўзгорим,  
Оҳимға қади асодур аммо.  
Мирий, қошидин ҳадис қилма,  
Меҳроби дуоға сажда авло.

\* \* \*

Тушумга учради ул сарв қадди сарвосо,  
Бу навъ тушға ярайдурки, қилсам ўзни фидо.  
Қўзумда уйқу, не уйқуки, бахти бедорим,  
Қаронғу кулбам аро келди ул қуёш сиймо.  
Қўюб бошимни аёғига арзи ҳолим учун,  
Кулуб-кулуб, кўтариб бошим ул карам паймо.  
Қилибман анга тазарруъ ниёз шартида,  
Қулиға кўрсатиб ойини лутф ул мирзо.  
Қўюб бошини аёғига, ёлбориб Мирий,  
Гадон кўйи бўлиб, топти шавкати дунё.

\*  
\* \* \*

Зор кўнглум истагандек ёру ҳамдам йўқ менга,  
Рози дилни айғали бир яхши маҳрам йўқ менга.  
Кимки маҳрамдур дедим, солди бағирга нийши гам,  
Маҳрамим сен, бас яна маҳрам тилар гам йўқ менга.  
Рост талқин айласам, эгри тузуб оҳангини,  
Зеру бам оғоз этиб, қонун тузар дам йўқ менга.  
Шухрати оту халойиқ иззати солмиш гурур,  
Зоҳидо, бу йўл сенга бўлсун, мусаллам йўқ менга.  
Ишқ муҳрин маҳзари кўнглумда қилдим устувор,  
Муфтин дарду баломен, ўзга хотам йўқ менга.  
Неча сўрғунг, эй ғаний, молу жиҳотимдин мани,  
Бори дунёлиғму, илму фазлдин ҳам йўқ менга.  
Ринду расволикда кўнглумнинг хуши, эй муғбача,  
Айш асбоби бари пайдодурур, кам йўқ менга.  
Дайр пирининг муридименки, эй мағрури зуҳд,  
Бефано касби вараъ ким қилмиш — одам йўқ менга.  
Ёр қўйи итлари Мирий била бўлмиш анис,  
Тахти Искандар кўрунмас, ҳашмати Жам йўқ менга.

\*  
\* \* \*

Мени жувунима, зоҳид, маломат айлама кўп,  
Гамимга гам қўшуб, оҳим зиёдат айлама кўп.  
Насиҳат айлама, ёқмас қулоғима пандинг,  
Сулуки ҳодиса, эй бетаҳорат, айлама кўп.  
Тилингни сақла харобот хайли таънасиндин,  
Фано мақомидурур бу, ҳақорат айлама кўп.  
Шарори оҳима ёндашма, эй хирад мағрур,  
Шуур ёлқини бирлан шарорат айлама кўп.  
Румузи ишқга етмас мударрису воиз,  
Бу рамз фаҳминни истаб, иборат айлама кўп.  
Юзинг тасаддуқи жон, зинҳор эшит пандим,  
Ҳақир агарчи нисорим, шикоят айлама кўп.  
Бошингдин айланай, ул тухфай ҳақиримдин  
Рақиб шум ёнида ҳикоят айлама кўп.  
Кўруб рақибни ёнида, чиқмади жонинг-  
Ки, Мирий, даъвий ишқу муҳаббат айлама кўп.

\*  
\* \* \*

Асир этмиш кўнгуллар зулфиға ул сарви нўшин лаб,  
Магар Юсуф юзидин мужда бермиш ул чаҳи ғабаб.  
Камон абрў пари рўюмға ўқ отмоқ эмиш одат,  
Нишон айлай бағир, шояд етушгай, отса ўқ ўйнаб.  
Ажабким бўйла хўблиғда вафо лавҳиға солмас кўз,  
Қазо устоди бас бемеҳру мен нодон, тааб мактаб.  
Жафодин кеча тонг отгунча ёраб-ёраб айлармен,  
Улус озурда додмдин, етушмас сенга бу ё раб.  
Яшин янглиғ ўтарсен, мен қолурмен оҳлар тортиб,  
Етушмас пайки оҳим, ҳар нечаким ёлборур қистаб.  
Нетай мен тўхтасам, кўнгулни тўхтатмоқға йўқ чора,  
Ўзунг инсоф қил, бу телбани ҳолини сўр тўхтаб.  
Ситамдин жонға етдим, тахти гурбат мулки Миримен,  
Қазо девонидин не келса, қозимен, на миришаб.  
Фалак овора, ой саргашта ҳайронинг эрур хуршид,  
Магар бу барча ҳуснунг воласи бўлмиш манга ўхшаб.  
Тилимда сарв қаддинг, оразинг шамъи муродимдур,  
Ҳадисинг умри жовидим, Маснҳуллоҳ менга ҳамгап,



Сарв қаддим менга лутф айлади, бозор келиб,  
Топти жон жисми ғариб. Ўлгуча бемор келиб.  
Зорима солди қулоғ дилбараки бозорий,  
Сари савдозадаға бўлди харидэр келиб.  
Дарди хуммор хароб этти мени, эй соқий,  
Бир қадаҳ май била қилғил мани ҳушёр келиб.  
Мустамандинг ҳамаси мунтазири улдурким  
Қўюб ўлтурсанг алар бирла самовор, келиб.  
Ваҳки, сен келдингу жон ўргулуб атрофингда,  
Ташлади олдинга бу лаҳзада хуммор келиб.  
Сену улдурки ниёз аҳлиға тугмоқ соғар,  
Ер ўпуб ичмак ани бизга сазовор келиб.  
Юрутунг баэмни асбобини, эй бедиллар,  
Мужда берди, бу тун ўлтургусидур ёр келиб.  
Хушдил айлаб неча кун ўзни бўлунг ишрат ила,  
Йўқтурур кимса бу олам аро дубор келиб.  
Ул пари шавқида жону кўнгул айланг барбод,  
Токи ул муғбача юргай бўйла ночор келиб.  
Юз очиб, ошиқи бечораға кўрсат рухсор,  
Нақди жон илкида ул хайли харидор келиб.  
Неча зархаржиға ҳам бўлмас эди кўнгли вале,  
Жон нисор айлади Мирийи шакарбор келиб.

\* \* \*

Келди ёрим кеча хиром айлаб,  
Боғ раъноларини ғулом айлаб.  
Бутратиб мушки нофа кокулидин,  
Турраи зулф мушқфом айлаб.  
Юзидин гулга еткуруб зинат,  
Кўз ғазолиға рамни ром айлаб,  
Кўрсатиб қошни қиблаи ҳожат,  
Хол ул Қаъбада имом айлаб.  
Сажда одобини қилурға адо,  
Бош солай ёнида салом айлаб.  
Радду мақбулима эмон мақдур,  
Ажз хушдур умеди том айлаб.  
Қадди сарвингга сарвқадлар асир,  
Рост қадингга сўз тамом айлаб.  
Аёғинг тупроғига ташлай тан,  
Шояд ўтгайсен эҳтиром айлаб.  
Новакинг захм солди бағримга  
Гуллар очти тан эҳтишом айлаб.  
Ул кўзу ул юзунгни садқасимен,  
Дона холинг сочингни дом айлаб.  
Мирий кўюнгни итлингни истар,  
Сўргил аҳволин эҳтимом айлаб.



\* \* \*

Мени жунунима таън этма, дилрабоға қараб,  
Маломат айлама, инсоф қил, худоға қараб.  
Қадимни ёсиға, носих, узотма айб тилин,  
Худ ўлма вола қадди сарву қоши ёға қараб.  
Неча хабарсиз этарсен маломатим, эй шайх,  
Совурма яна қарор, ул кўзи қароға қараб.  
Ниҳон топилса қарарсен, юзинг қаро бўлсун,  
Турарсен эл аро, тасбиҳ ила ридоға қараб.  
Қарорим олди ул ой кокули қаросиға,  
Тараҳҳум этмади бир йўл, бу мубталоға қараб.  
Рақиб оллида шарманда қилма, жаврингни  
Агар қилурсен, ани қилма ошноға қараб.  
Худо учун эшитиб нолау фиғонимни,  
Табассум айла, лабингдин сўз эт гадоға қараб,  
Қиё-қиё қараб, олдинг жафо била жоним,  
Жафо кўп айлама, хуштур вафо, жафоға қараб.  
Сарири нозда ҳақ мустадом тутсун шод.  
Камина Мирний дуоғўй эрур, вафоға қараб.

\* \* \*

Соғилтур телба кўнглум, бир дам ул манзил макон айлаб,  
Сафо бер. байтул-аҳзоним, азизинг меҳмон айлаб.  
Кўнгул вайронаси манзилгаҳингдур. анда ташриф эт,  
Бу пайрохона маъмур айла, ер тут, комрон айлаб.  
Ўқунг етганда, кўнглум талпинур. бўлма малул андин,  
Нишони ажзим улдур. боғла пайкониинг нишон айлаб.  
Ул ойнинг меҳри жондур, қилмагил ошғуфта жонимни,  
Таним тупроғини обод қил, жонимға жон айлаб.  
Нетай, найлай, ямон ҳолимни шарҳ айларга йўқ мунис,  
Ўзунгсен мунисим. арз айлай олдингга фиғон айлаб.  
Жафолар бирла жон бергум, ниқобинг оразингдин оч,  
Улар вақтимда равшан қил кўзум, гул юз аён айлаб.  
Кўзум нури, кўнгулни қуввати, тан роҳати сенсен,  
Сўзум бу, ҳошалиллаҳ, жон берай бир-бир баён айлаб.  
Карам қил, нотавонмен, нотавон жонимға раҳм айла,  
Вафо расмида худ йўқ, мунча қўймоқ нотавон айлаб.  
Ул ой васфида килким дуда ўрниға шакар сочиниш,  
Шакар тилляк санам Мирийни қўймиш таржимон айлаб.

\* \* \*

Қилурға сайри сахро ул шакар лаб,  
Шакар тилдин сўз айтмиш шакарин лаб.  
Кийиб гулгун, миниб гулгун хиромин,  
Етушгач бошим узра ўйнаб-ўйнаб,  
Бўлуб бехуд, аёғига йиқилдим,  
Пари кўрган киби жонимда юз таб.  
Табу тобимни кўргач ул париваш,  
Деди:— Қўй телбалик, ол себи ғабгаб.  
Қўнгул ул себдин ком этти ҳосил,  
Агар туш худ эмас, ўнг айла, ё раб.  
Қилиб ул гунча оғзидин табассум,  
Бўлуб мен вола, булбул зор йиглаб.  
Чаман пчра мену ул нозанин ёр,  
Дегил, Миррий, не шафқат бу, қалай гап!

\* \* \*

Келди ул гулъузори шахрошуб,  
Шахрошубу маҳлиқо маҳбуб.  
Кўзи Қашмирға солиб ғорат,  
Кокули Чинға кўрсатиб услуб.  
Қаъбатайни рухнини ҳайрони,  
Пили гардун қатор хол кўруб.  
Қошини саждасиға жон роғиб,  
Оллоҳ-оллоҳ, не тоати марғуб.  
Толиби васлидур паривашлар,  
Инсу жинға жамолидур матлуб,  
Телба кўнглум кўп этма, зоҳид, айб,  
Бу масал — айбжў эрур маъюб.  
Мирийға илтифотинг айлама оз,  
Камини айлагил карам била кўп.



- Келди дардимни сўроғин қилғали ҳозиқ табиб,  
Шукрилиллаҳ, дардини дармонидин топтим насиб.  
Арзи ҳол айлаб, аёғига йиқилдим, лутф ила  
Олди ғамхорим бошим тупроғдин, қайғурма деб,  
Ишқи бедодида беҳудлиғда қолгач телбараб,  
Йиғлаюб ҳолимға, турмиш пардани юздин очиб.  
Чун гулоб ўрниға хаййи орази сочмиш гулоб,  
Бошим узра ул Масихо кўрдум, ўзумга келиб.  
Ваҳ, бу не мардлумлиғ андин, бу қалай лутфу карам-  
Қим, бу мардлумлиғни мендек нотавониға қилиб.  
Нолалар айлаб, яна солдим ўзум тупроғ уза,  
Ганжлар топган гадо янглиғ юрогим ёрилиб.  
Дедим:— Эй садқанг бошим, жонингни жсним садқаси,  
Бу қалай эҳсон, ямон ҳолим уза келдинг етиб.  
Деди:— Хуш бўл, ҳажри шомингни ёрутгай субҳи васл,  
Қил умедингни қавий, кўп турмагайсен инжилиб.  
Мирий, шод ўл, маҳкам эт аҳдингни ул жононаға,  
Ҳажр ила ошуфта бўлма, васл даврони қарийб.

\* \* \*

Солур ошуфталар жисмига ўт, ул гул итоб айлаб,  
Тан ичра печлар кўрсатти, зулфин печтоб айлаб.  
Ўзотур бодани мен телбаға, бахтим тамошо қил,  
Югурсам талпиниб, тутгай, рақибимга хитоб айлаб.  
Сени ҳуснунг, мени расволиғим шарҳида ожиз тил,  
Десам, бир ёдгоре айлай оламда, китоб айлаб.  
Ямон ҳолимни зоҳир қилғали ёнингда заҳрам йўқ,  
Пироқдин ит масаллик ёлборурмен, изтироб айлаб.  
Улар вақтимда лутф айлаб етуш ёнимга, ҳолим сўр,  
Бошингдин ўргулай, кўп қўйма бу янглиғ хароб айлаб.  
Умедим сен, ўлай навмед, агар ағёрдин сўрсам,  
Эшигинг итларин сониди қўй, бир ит ҳисоб айлаб.  
Кўнгул овора, кўз чобук, назар афсун, ишқ афзун,  
Ҳавас ғолиб, тамаъ толиб, ўзунг тут эҳтисоб айлаб.  
Гули дастор янглиғ дол-гул боғлаб гули дастор,  
Узори барги узра хайин ораздин гулоб айлаб.  
Югурсам, эй хирад хайли, мени мажнунни таън этманг,  
Ул ой Мирийиц кетмиш телбадек беҳўрду хоб айлаб,

\* \* \*

Эй пари, мен телбани мажнун кўруб, ор этма кўп,  
Ҳажру фурқат водисида бўйла бемор этма кўп,  
Мендин ор этсанг, недин рухсор зебо айладинг,  
Мунча зебо қилдинг ўзни, бизни ҳам зор этма кўп.  
Гар десанг, зеболигимда менда худ йўқ ихтиёр,  
Ҳам мени бу телбалик даштида мухтор этма кўп.  
Сен пари, мен телба, сен гул, мен худ они булбули,  
Нола қилсам, манъим истаб, мунча озор этма кўп.  
Ўргулуб парвонадек, шамъингга жон айлай фидо,  
Жон топай жоним фидо айларда, зинҳор этма кўп.  
Эй, қадингни ёдидин бўлсун асои котирим,  
Нотавони ишқу ҳижронингда ночор этма кўп.  
Ишқ қозисини нофиз ҳукми Мирий жониға,  
Эйки, худ раҳмон қулисен, басдур изҳор этма кўп.

\* \* \*

Кулгулик бошим куларга йиглар эл, ҳолим кўруб,  
Вой, йўқ болу парим, кетсам бу оламдин учуб,  
Кўплар этдим имтиҳон: мендек биров нодон эмас,  
Тифли абжад ор этар, мактабда ашъорим ўқуб.  
Эй жафо хайли, ўзумдин мен баса ранжурмен,  
Ранжким ҳар неча бор — айланг, ўлай қонлар ютуб.  
Войким, умрумни нобуд этти авҳоми хаёл,  
Оҳким, кетти йигитлик мавсуми елдек ўтуб.  
Еш йигитлар суҳбатида турфа расволиғ била  
Евалиғ тил, телбалиғ бошим, турурмен телмуруб.  
Айрилиб аҳбоблардин, ул қушеким, зоғлар  
Ушлаб атрофини ўйнарлар, ани ҳар ён қовуб.  
Тенгу тўшлар кетти — мен қолдим бу ҳасратхонада,  
Йўқ ажаб, бу ғамда чексам нола, рухсорим юлуб.  
Мен алардин ҳам алар мендин туман озор аро,  
Эй ҳимоят аҳли, ҳолимға боқинг бир дам кулуб.  
Ким қазо ҳукмини табдилиға топмас чора ҳеч,  
Мириё, ҳаддингни бил воқифдур алломул-ғуб.



\* \* \*

Мени ғаминг аро, эй гулъузор, қилдинг кўп,  
Фироқ тоғида зору низор қилдинг кўп.  
Элимда қолмади сабру қарор шавқинг аро,  
Ситам саводида бас беқарор қилдинг кўп.  
Хазони тафриқан ҳажр синдуруб шохим,  
Самуми ҳодисада тору мор қилдинг кўп.  
Шамими нофай зулфунгға кўнглум айлаб асир-  
Ким, ишқ гулшанни навбаҳор қилдинг кўп.  
Чаман гулини ҳаводис ели совурғач-ўқ,  
Бағирға новак уруб, лолазор қилдинг кўп.  
Чу ихтиёр эмас менда, қил ўзунг инсоф,  
Вафо тарийқини тут, интизор қилдинг кўп.  
Неча висолинг учун интизордур Мирий,  
Бу интизорға зулм ихтиёр қилдинг кўп.



Себаргазордин ул гул келур хиром қилиб,  
Себаргазорни Фирдавс эҳтиром қилиб.  
Себарга сабзаси сабзи хатингни воласидур,  
Тушуб аёғинга бош индурур салом қилиб,  
Баҳор мавсуми себарга узра хушдур сайр-  
Ки, Наҳрипай лаби бир гул элида жом қилиб.  
Себарга узра қуруб базми айш хиргаҳини,  
Шароб соғарини Наҳрипайча ом қилиб.  
Қилурға рост буким шеваи қаландарлиғ,  
Қаландар аҳли била масканат мақом қилиб.  
Гаҳи фиғон била кўк тоқнига солиб шўриш,  
Сиришк наҳриға тўфонлиғ эҳтимом қилиб.  
Қаландар аҳли кўруб менда бўйла расволиғ,  
Евуқмаса мени ёнимға нангу ном қилиб,  
Кетиб алар, мену ялғуз худ анда топсам ер,  
Чу Наҳрипай киби тутсам ани мақом қилиб.  
На ном қолса, на номусу кетса ҳушим ҳам,  
Ўзумни муғ ёниға ташласам ғулом қилиб.  
Улус кўруб бу ёмон ҳолатимни, деб афсус,  
Гаҳи жунун деса, гаҳ телбалиғда ном қилиб.  
Дариг тутмаса соқий сабуи софидин,  
Ки, ичсам они, жаҳон ёдини ҳаром қилиб.  
Дариг, нусхаи умрум тамом топти, дариг-  
Ки, умр ҳосилини топмадим тамом қилиб.  
Қуним тун ўлди тунум — кун хаёли хом била-  
Ки ҳайф, Мирий, кетарсен хаёли хом қилиб.

\* \* \*

Шукрилиллаҳ, айлади ҳолимға лутф изҳор дўст,  
Дўстлиғ ҳар нечаким бўлғай, ўшанча бор дўст.  
Нечаким мендин хатолардур, атоси кам эмас,  
Бефаволиғлар неча мендиндур, аммо ёр дўст.  
Дўстдурсен, дўстлиғ шарти мусалламдур сенга,  
Хурдадонлиғ маснади устида бархурдор дўст.  
Дўст сенсен, ўзгадин уммед этмон дўстлиғ.  
Бу сўзумни бовар эт, сенсен менга зинҳор дўст,  
Дўстлар, гар дўст кўйида йиқилдим, этманг айб,  
Кўрса аҳволимни лутф этгай, бўлуб ҳушёр дўст.  
Йўқ тамуғдин ғам ҳам андоқ равзаи ризвон умед,  
Ўйлаким, қилғай муяссар давлати дийдор дўст.  
Дўстсен, биллаҳки, сендин ўзга дўстим йўқ мени,  
Ончаким мақбулу мардудимдадур мухтор дўст.  
Баҳри лутфунгдин умедим борки, навмед этмағунг,  
Неъматинг шомил, нечукким ёр ила агёр дўст.  
Дўстсен, йўқ дўст сендин ўзга, хўб фаҳм эт муни,  
Бир мадородурки, Мирийға гар ўлмиш ёр дўст,

\* \* \*

Ул ойни ишқида, ё раб, мени гирифтор эт,  
Ҳамиша шавқи била хотиримни афгор эт.  
Анга кўнгулни қилиб зор, айлағил безор  
Жаҳондин, они ҳаримида волау зор эт.  
Табиб, дафъи жунунум учун жафо чекма,  
Қилурға телбалик афзун бир-икки тумор эт.  
Сабо, ул ойни ҳарими сориға топсанг йўл,  
Бу зору хастани аҳволидин хабардор эт.  
Худо учун мени мискин чиқарма ёдингдин,  
Қатиғ жафо аро қолганларимдин изҳор эт.  
Сочингни куфриға жоду кўзунг далолат этар,  
Қошинг сужудидамен, кокулунгни зуннор эт.  
Хирад агар будурур, эй жунун, мадад айлаб,  
Хирадни елға бериб, телбаликда ҳушёр эт,  
Кўнгул, тамиздин ўт, иста ринду расволиғ,  
Тамиз садқаи ул шўҳи чашми айёр эт.  
Қилурға тарки муҳаббат кўп этма зинҳорим.  
Гар ўлсам они йўлида танимни зинҳор эт.  
Ғараз ҳаётдин они вафосида ўлмак,  
Вафоси бирла берай жон, июнотинг ёр эт,  
Тараб майини ичарда нишот хайли била,  
Камина Мирийи маҳзунға қатра ийсор эт.

\* \* \*

Ул ой ишқида, ё раб, жони маҳзунимни бемор эт,  
Гирифтор айладинг, ҳар неча афзунроқ гирифтор эт.  
Умедим панжасини тори зулфиға тароғ айлаб,  
Қўзумни чашмасидин сув учун ёнимда тайёр эт.  
Хирадни барҳам айлаб телбалик даштида Мажнундек,  
Ғами Лайливашимда масту беҳудлиғда ҳушёр эт.  
Ториқтим даҳрдин, тарқат хумори моу мандин ҳам,  
Жунун водисида солғил йўлум, беҳушу беор эт.  
Май этсам орзу ул ойни шавқидин қадаҳ тутгил,  
Ғизо қилсам талаб, они ғамидин туьма изҳор эт.  
Умедим риштасини ғайрдин уз они шавқида,  
Талаб шартида андин ўзгадин кўнглумни ночор эт.  
Ҳазин Мирий наво истар Навоий мисрандин кўп,  
Ул ойни ишқида, ё раб, мени мундин батар зор эт.

\* \* \*

Сажда қилмишам, жоно, хам қошингни меҳроб эт,  
Суннати вафо ушлаб, мустаҳиққи одоб эт.  
Ишқнинг муҳитини офати наҳанги кўп,  
Ғарқай балоларға кокулунгни қуллоб эт.  
Нахли қоматинг шохи гуллар очти ранго-ранг,  
Ҳар сори хиром этгил, сарви боғ бетоб эт.  
Эй санам, тузат мизроб чанг нағмаси бирлан,  
Боқ кўзумда хунобим, парда очу хуноб эт.  
Ғунчадек қабо чокин гул яқосидин кўрсат,  
Тўк бинафша қадрини, ёсуманни симоб эт.  
Сурма қимати синди сурмагун қаро кўздин,  
Эй ғазол, этиб инсоф, ташла рам, шакархоб эт.  
Ул парини кўйида хоки роҳлиғ топсанг,  
Мирий, қозилиғдин кеч, бош нисори ул боб эт.

\* \* \*

Соқий, карам қилиб мени маст эт, пиёла тут,  
Бас мустамандмен, карам айлаб, новола тут.  
Беҳол қилди фитнаи даврони дун баса,  
Чиний аёғ ушотгилу синған сафола тут.  
Шармандамен, сенга не учун бўлмадим фидо,  
Лутфунг кам этма, жаври фузунинг уёла тут.  
Эй хирқапўш, дафтари ишқимни тутма саҳл,  
Жон ўйнамоқ бу азмда шарти рисола, тут,  
Жоми риёу зарқ элингдин кам оламен,  
Нахват шаробини неча тутсанг, камола тут.  
Эгри қадим ҳимоятидур фикри қоматинг,  
Бу қари пандин, эй санами хурдсола, тут.  
Айши мудом навбати ағёрларгадур,  
Мирийга дарду ранжи ғамингни ҳавола тут,

\* \* \*

Жонгинамким, ўйнатур ҳар лаҳза майдон ичра от,  
Итдек атрофида чопмоқдур ишим, ташлаб уёт.  
Лаҳза-лаҳза толпинурмен, дам-бадам кўрсам ани-  
Ким, яшил хилъат била ўтгач ёнимдин бот-бот.  
Оҳким, ул ойға ҳолим шарҳидин ҳеч ким демас,  
Дўстдин бу меҳр агар йўқ, не қилай уммеди ёт.  
Лаълидин бир сўз эшитмон, сўрмагим амри маҳол,  
Кўзи бир боқмас менга, тан не ажаб гар бесабот.  
Жону кўнглум васл тадбирига қушдек толпинур,  
Жон аёғсиз тебранур, кўнгул югургай беқанот.  
Оллоҳ-оллоҳ, тўрт унсурдин очилмас хотирим,  
Шаҳнаи ҳижронинг андоғ боғламиш олти жиҳот.  
Носиҳо, пандим учун озор тортарсен неча,  
Мирий — ошиқ, ишқ комингдур — ўзингни анга қот.



\* \* \*

Неким муродинг эрур, нишқ элиға дам-бадам эт,  
Ситам чу сендин эрур, хотирим тутуб, ситам эт.  
Ўтуб замонлар, урармен қадам сўроғингда,  
Худо учун сўраб озурда хотирим, қадам эт.  
Фироқ Қофида анқо каби нишонсиз от  
Чиқармишам, онидек бенишон отим алам эт.  
Йўқ оғзи шаҳд сўзидин гар ўлди шаккаррез,  
Шухуд соғаридин маст ўлуб, ўзунг адам эт,  
Ғамим ниҳояти йўқ, истамон даме ғамсиз,  
Кўнгул ҳузури ғамингдиндурур, ғам узра ғам эт.  
Суруди нолам эшит, мутриби наво оҳанг,  
Бўлурға ҳамнафасим оч ниқобу зеру бам эт.  
Совуғ вараъ била кўнглум совутти шайхи замон,  
Қизит қадаҳ била, соқию, шайхи муттаҳам эт.  
Тавофи Қаъбай кўюнг учун фидо бошим,  
Итингға ташла танимни, карам уза карам эт.  
Кўзум давотиға кирпикларим ясаб хома,  
Қилурға шарҳи ғамим, Мирий, яхшироқ рақам эт.



Ғамнигда, эй юзи гул, боғламиш қон хотирим қат-қат,  
Биҳамдиллаҳ, бало роҳатларидин топтим амният.  
Маломат — қисватим, тош таънасидур афсару жоҳим,  
Қачон Жамшид ила Фағфуру Қайхусравда бу ҳашмат.  
Шаҳид ўлсам ўқингднн, итларинг олдиға солғайсен,  
Таним тишларда шояд топса руҳим қимати дият.  
Кўзунг даврида мижгон ўйлаким саф тутти қотилдек,  
Кўнгул истар фидоси бўлса, гар сендин етар рухсат.  
Югур, эй телба кўнглум, қилмагил суду зиён ёдин,  
Хирад аҳли қачон қилмиш буким девонаға тухмат,  
Сабун айш илқингда, туман махмур ёнингда,  
Жазокаллаҳ, не шафқат, гар тутарсен соғари ишрат.  
Хаёлинг бўстони ичра булбулдек наво тортар  
Ҳазин Мирийға, тонг йўқ, ғунча оғзинг берса жамият.

\* \* \*

Жонга роҳат, аччиғ-аччиғ қилса жононим ҳадис,  
Талх гуфторим лабидин топти иймоним ҳадис.  
Эй мусулмонлар, мени бир кофире қилмиш асир,  
Қилмасун, таънимни истаб, шайхи нодоним ҳадис.  
Нола қумрида, фиғон булбулда, гул қон таҳ-батаҳ,  
Йўқ ажаб, гар қилғач ул сарви хиромоним ҳадис,  
Гар паришон ҳолмен, сўзларға етмас ҳолатим,  
Айб қилманг, қилмиш ул кокул паришоним ҳадис,  
Ҳожат эрмас Исий анфоси, Хизирнинг чашмаси,  
Хизросо лаълдин қилғач суҳандоним ҳадис.  
Нуктадонлар, нутқи ширинларғадур жоним фило-  
Ким, такаллум чоғи ҳар сўз оғзида жоним ҳадис,  
Алҳазар, нодонни ширин лафзи заҳролуд эрур,  
Дард бедармондур, эй дардимға дармоним ҳадис.  
Ваъда қилди ёр ялғон, дема борғум бу кеча,  
Бас менга бу ваъда бўлсун, бўйла ялғоним ҳадис,  
Шеър ялғониға ўхшар ёрнинг ялғон сўзи,  
Мирий, ялғон бирла зийнат топти девоним ҳадис.

\* \* \*

Қошидин қатлим учун қилди намудор қилич,  
Оре, қотил қўлида бўлди сазовор қилич.  
Лаби жон бергали анфоси Масиҳ айлади фoш,  
Кўзи жон олғали-ўқ айлади тайёр қилич.  
Юзидин мусҳаф очиб, лаъли амон бергай эди,  
Қошни кўрсатибон, қилди-ўқ изҳор қилич.  
Чун кўзум кўрди юзин, топти ҳаётни абадий,  
Етди ўлмакка, кўруб илкида ночор қилич.  
Жон фидонг, эй, мени ошуфтаға боқ кўз учидин,  
Ўларим вақтидурур, бошим уза бор қилич.  
Адабу илму камолотдадур жавҳари фард,  
Не ажаб, бўлғусидур жавҳари бисёр қилич.  
Нақди ақлу дилу дин айлади яғмо ул шўх,  
Кўзу қошу сочидин боғлади зуннор қилич.  
Кулса шаккар тўкулур, сўзласа ҳайвон янглиғ,  
Оби ҳайвон суйидин бўлдиму ўхшор қилич.  
Турфа буким, бошиға элни қилич келса, қочар,  
Мирий еткургай ўзин, ҳар ераким бор қилич.

\* \* \*

Васл уммединг гар ўлса, жондин кеч,  
Жон бу матлабда бер, жаҳондин кеч.  
Кеч етуштунг: бузулди хилвати айш,  
Эмди сен айши комрондин кеч.  
Тарқади айш, аҳли соғар ҳам,  
Соғари бемаю муғондин кеч.  
Қалби сидқингда хуш ариғ ният —  
Муршидинг муршиди замондин кеч.  
Хотирингни орит васовисдин,  
Истама судини, зиёндин кеч.  
Йўқ киши арзиса демакка киши,  
Яхшидин сўз дема, ямондин кеч,  
Дўстум дема, дўст топилмас,  
Эй маҳак, нақди имтиҳондин кеч.  
Фоний бўл, мулкати бақо тиласаңг,  
Гўшаи фақрда нишондин кеч.  
Мирий, тан бер қазоға, бўл шокир  
Каллиқўрғонға, Кўрғондин кеч.

\* \* \*

Садафдек оғзи бўлур нукта бирла гавҳарсанж,  
Не тонг, умидида жон лаҳза-лаҳза кўрмиш ранж.  
Қуларда оғзи, занахдон чаҳи аён ўлғай,  
Азизи Мисрни қул қилди, олди мулки Фаранж.  
Бухор хўби, Миёнкол маҳлиқоларига  
Жаҳонни ганжини сарф айла, пушти по ур ганж.  
Неча қавийдур умедим, ишончим умрға йўқ,  
Сени ҳимояти лутфунгга боғламишмен ишанч.  
Демон, жафо менга ҳар неча гар етар, бедод,  
Жафо чу сендин эрур, айлагил жафо ҳар қанч.  
Қўнгулға солди шикан устиға шиканларни,  
Тарарда турраси солмиш шиканлар узра шиканж.  
Биҳишти васли таманноси бирла Мирийи зор  
Қўюб кетар ани шавқида бу саройи сипанж,

\* \* \*

Жунун гар айласам, айб айламанг, жамолини кўргач,  
Не тонг, туташса кўнгул, юзда хатту холини кўргач,  
Сарири ҳуснда маҳбублар эмас сенга монанд,  
Узор сафҳасида хол эрур мисолини кўргач.  
Хаёли бирла ҳазин хотирим эрур хурсанд,  
Биҳишт васлича бордур, анинг хаёлини кўргач.  
Фироқ даштида ёди висоли бергай жон,  
Не навъ шарҳ этайин, ноғиҳон висолини кўргач.  
Қошини кўрсаму қурбони жон, не тонг, қилсам,  
Тавофи Каъбани топтим буким, ҳилолини кўргач.  
Дедимки:— Холму эркин узоринг устида?  
Дедики:— Нуқтаи жонингдурур камолини кўргач.  
Қўлингда тийғ недур, қош қиличи етмасму-  
Ки, Мирий бошидур илкингда хуш, бу ҳолини кўргач.

\* \* \*

Тузуб асбоби ишрат, жоми айш, эй қадди мавзун, ич.  
Менга хуноби ғам бас, ҳар замон сен жоми гулгун ич.  
Шафақгун кўзларим ҳаққи учун, эй ҳуси афлоки.  
Қуёшдек соғаре ушлаб, майи ишрат шафақгун ич.  
Кўзум хуноби ҳасрат доғидин тан кўҳсоринда  
Шафақдек лола бу ҳасрат аро, қонингни, гардун, ич.  
Ажаб Лайливаше, Ширин лабе кўнглумни зор этмиш,  
Фалак ҳайрат майин ушлаб, дер:— Эй Фарҳоду Мажнун, ич,  
Сутунсиз чарх бедодида, биллаҳ, жонға етмишмен,  
Қадаҳ тут, айтғил: «Истарға они устун-устун ич!»  
Рақибим шоду мен маҳзун, ўзунг инсоф этиб бир кун  
Демассен:— Ол бу соғар бир йўли, эй зору маҳзун, ич.  
Фалакда меҳр йўқ, халқида йўқ ойини мардумлиғ,  
Вафо жоми умедни этма, соғар ўрниға хун ич.  
Ториқтим умрдин,— мен хастадин умр асру ёлқинишиш,  
Кунум захробаи ғам тунға тегру тутти ҳар кун, ич.  
Қазо жоми, қадар паймонасиға чора йўқ, Мирий,  
Азал соқийсидин не келса, шод эт ўзни, мамнун ич,





Шавқим ортар, ҳар неча зулм ул ситамкор айлагач,  
Меҳрим афзунроқ бўлур, афзун жафо ёр айлагач.  
Новаки юз ранг гул бағримға очғай ногаҳон,  
Фўта гулгун, масту бехуд азми гулзор айлагач.  
Ҳошалиллаҳ, рашк ўти жонимға солғай доғлар,  
Жилвасидин гулшан ул гул базми ағёр айлагач.  
Эй бараҳман, куфр тошинг бўлса, бут бошиға ур,  
Риндлардиндур санам, тақлифи зуннор айлагач,  
Қадди мавзунигақим ҳамвазн этар шамшодни,  
Расми савдодурки, қадр истаб харидор айлагач.  
Хол эмас, кавсар қироғида Билол этмиш ватан,  
Қоши меҳробини қудрат килки паргор айлагач.  
Файз жомидин насибим берди Жомий мавлавий-  
Ким, Навоий руҳидин Мирий мададгор айлагач.

\* \* \*

Тутар улус лабиға чарх субху шом қадаҳ,  
Сабуи хом ила тутмиш хаёли хом қадаҳ.  
Тамом топти қадаҳ даври-ю, сафол — синуғ,  
Улусға ҳуш ёвутмас бу нотамом қадаҳ.  
Очиб неча тамаъ оғзин замона шайхлари,  
Либоск зарқда нўш айлагай ҳаром қадаҳ.  
Ҳузури қалбиға гўё қадаҳ бўлуб асбоб,  
Жилои мажлис учун илкида давом қадаҳ.  
Имоми вақт деб ўзни, лабида қул-қул май,  
Бу зикр қалбиға, ҳаққо, не дей амом қадаҳ.  
Муриди мухлиси майхонаменки, ўзлукдин  
Фано қилур, тутубон фэйзи лутфи ом қадаҳ.  
Жаҳонни шўришидин ўзни фориг истарсен,  
Ўзингни муғ ёнига ташла, ич мудом қадаҳ.  
Нетонг, лабингни шакархандини асиримен,  
Лабингни шарбатин истаб қилур салом қадаҳ.  
Ҳарими айшим аро раз қизи қачон бўлғай,  
Чу тутса Мирийни оғзиға лутфи жом қадаҳ.

\* \* \*

Кўнгул тўтиси сарвинг узра густох,  
Учар, лутфингни истаб, шохдин шох.  
Ғаминг асрарға кўнглумдур хазина,  
Қилурға нақд пинҳон авли сўрох.  
Қазо қассобидин кўп бўлма ғофил,  
Эрур ҳар кунда юз минг жонға саллох.  
Қадарнинг қидрининг жўшу хуруши  
Тутар сен орсиздин ўзни таббох.  
Овунма орият айвонға, ҳошо,  
Санингдек нечани ўткарди бу кох.  
Қатиг йўлдур, бу йўл қатъини истаб,  
Не гулгуларни пай урмиш бу санглох.  
Эсиз, умр ўтти нодонлиғда, Мирий,  
Еридур, айласанг афғону овох.

\* \* \*

Ғиғарға халқни қилмиш ўзин тамошо шайх,  
Ридоға чулғаниб, этмиш ўзини расво шайх.  
Таларға халқни молин тили тиловатда,  
Тиларға халқдин этмиш ридо мусалло шайх.  
Хуми кепаксизу ҳайвони шохсизни йиғиб,  
Сулуки ҳодиса расм этти турфа пайдо шайх.  
Боши чу чатри карамдин насибсизмудурур,  
Кўтарди бош уза чатри балони гўё шайх.  
Мурид этиб неча авбошларни лўливаш,  
Алар чу ёлборур усрук тилида: — Лоло шайх.  
Тилида шукру бузуғ қалби ширк этар изҳор,  
Начукки нахват ила худнамоу худро шайх.  
Гаҳи ясаб ўзини Боязиди Бастомий,  
Гаҳи Жунайди замонлиғ қилиб таманно шайх.  
Замон-замон бориб ўздин сулуки жазбий деб,  
Нафас-нафас кетиб ўздин, солиб алоло шайх,  
Муриди жоҳил ани кўргач, очилиб оғзи-  
Ки, жаҳл хамри қилиб масту ҳуш яғмо, шайх.

Ўзини ташлар аёғига беҳудона келиб,  
Қизу ўғул била хилватда мажлисоро шайх.  
Дегай:— Қул ўғлуму, андоғ қизим канизингдур.  
Бу фитна кимга дейин, қилди фитна барпо шайх.  
Мурид атаб отини, гаҳ зер ўқуб, гаҳ зам,  
Бошини хам қилибон, фитна боши боло шайх.  
Гуруҳи гул аро мағрур девн мардумхор,  
Гурури фитна аро тутмиш ўзни доно шайх.  
Паноҳи лутфунгга, ё раб, ўзумни топшурдум,  
Бу йўл ҳидоятида қилмағай бу даъво шайх.  
Фалакка еткурубон маъсиятни мизонин-  
қи, таън тошиға Мирийни тутти танҳо шайх.

\*  
\* \* \*

Дўст кўйин тупроғига арзимас синжобу нах,  
Тунги шақкардин топилмас лаззати себи занях.  
Аждари кокулларин афсуни кўнглум қилди банд.  
Эй фусунгар аждаҳо, бас қил асарсиз фашшу фах.  
Ҳилмсиз тоат кўнгулға лаҳмдурким милҳсиз,  
Жинсхонедурки, шакли милҳдин ушлар малах.  
Оҳи сарди қишдин афзунроқ совуғ айлар аён,  
Шайх боши шину шайнидин магар кўрсатти ях.  
Наҳрипай мавжи, Кўҳак баҳри Миёнкол ичрадур,  
Тонг йўқ, ар Мирий Чалак қилмас ҳавас, балким Дизах.

\*  
\* \* \*

Сарвға кўрсатти сайри боғ этарда ёр қад,  
Рост қолмиш, эҳтиромни тилаб, ночор қад.  
Даста гул янглиғ ниҳоли ноз гулзоре аро,  
Хуш кўрунур, шох уза гулдек, ҳамул дастор қад.  
Қадду қоматдур ибодат аҳлини таҳримаси,  
Риндлар таҳрима боғларлар, кўруб рафтор қад.  
Эй ниёз аҳли, намози ишқдур жон ўйнамоқ,  
Тарки жон эт, истасанг гар васли ул рухсор қад.  
Қаддиға, эй боғбон, шамшод ташбеҳ этмагил,  
Сарв нахлидур самарсиз, будурур гулзор қад.  
Ёр агар ағёрлар базмида бўлса, не ажаб,  
Бу чаманда бир ниҳоле чекмамиш бехор қад.  
Ул қаду қомат хаёлидур асон хотирим,  
Шукр, Мирий нотавонин қилди миннатдор қад.

\* \* \*

Биҳишт дағдағасидин кечай, қилиб сени ёд,  
Ато қилиб эди бир донаға ани барбод.  
Жамоли ҳур ғаминг роҳатиға эрмас тенг,  
Фироқ тоғида анқо киби солай фарёд.  
Ажаб шамойили Ширин нигори чобуксен,  
Фироқ даштида ҳижрон чекарға мен Фарҳод.  
Талабни шартида, не ғам, йўлунгда жон берсам,  
Хаданги нозинга жон вола, қилма кам бедод.  
Жаҳонни шўхлари ул санамни ҳайрони,  
Тарийқи ишқни мажнунлиғи менга иснод.  
Арўси даҳрни афсуни бирла алданма,  
Вафоси йўқтур ани, ўйла умри бебунёд.  
Демон ҳариминга Мирийни хоси суҳбат қил,  
Итинг қаторида ёд айласанг, хужаста мурод.



\* \* \*

Телба кўнглум шавқинг истаб, тақти тумори умед.  
Раҳм қил, шафқат кўзин оч, қўйма бемори умед.  
Ноумед этма, умедин риштасини қил узун,  
Эй бийик хиргоҳ, кўрсат менга девори умед.  
Беҳабар нафъу зарардин, қўл қуруғ, матлаб йироғ,  
Талпинурмен суд учун бетўша бозори умед.  
Қуфри зулфунг Қаъбаи рухсор уза кўргач кўнгул,  
Ким, бараҳманвор ўзиға тақти зуннори умед.  
Телбамен: не келса оғзимга дедим девонадек,  
Эй умедим нахли, лутф эт, айла ҳушёри умед.  
Ул сучук тилдин такаллумдур менга умри абад,  
Ҳалқан зулфунг нединким жонга паргори умед,  
Мирийини комиға тарёқи ғаминг кавсарча бор,  
Маст қил, тут соғари шавқ, айла саршори умед.



Самарқанд қандинг топиб дилписанд,  
Лабинг қандидин бўлмиш-ўқ нўшханд.  
Қадинг Мисри иззатға лойиқ Азиз,  
Зулайхои ҳушунг, хирад — аржуманд.  
Бу янглиғ балоғат замирингдадур,  
Самарқанд кам ҳукмингга то Хўжанд.  
Самарқанд мулкин қабул этмаким.  
Ки Хўқанддин яхшироқ хўйи қанд.  
Миёнкол мулки сенингдур, сенинг,  
Агар бўлса фикринг раият писанд.  
Балоғат эли бирла авло жалис,  
Қачон суҳбатинг лойиқи ҳар лаванд.  
Тут илкини, бўлғач биров додхоҳ,  
Карам айла, етгач қаю мустаманд.  
Йиқилганлар аҳволиға лутф қил,  
Сени бўйла ҳақ айламиш аржуманд.  
Яна хайли мазлум дастгири бўл,  
Бу дарбанд банд эт, тутуб ушбу панд,  
Ҳаромини суҳбатға ёр айлама,  
Йилон асраған қайдадур бегазанд.  
Айирмоқлиғ авло аду дўстдин,  
Аду оғзи дойим эрур заҳрханд.  
Мулойим йилондур ичи тўла заҳр,

Иносиз таковар, эгарсиз саманд.  
Вафо аҳли қилмас дуосин аён,  
Дуои ниҳоний эрур судманд.  
Йироқроқдин истаб саломатлигинг,  
Худовандга ёлборур банд-банд.  
Узинг ташла лутфи худовандга,  
Магар қилгай ул лутфидин баҳраманд.  
Ҳазин Мирий жисми эрур мижмаре,  
Дуо дудин олдинга ушлар сипанд.

\* \* \*

Сўрғали ҳоли ғарибимни, келур ул сарвқад,  
Эй жунун, кеткил йироқроқ, эй хирад, еткур мадад.  
То адаб шартида истиқбол этай жононани,  
Тухфа жон айлай аёғига, фалак қўйғил ҳасад.  
Жонни топшургач, жасадни итларига топшурай,  
Эски жон ериға топсун тоза жон махзун жасад.  
Итларин ғавғосин англаб, қилгали тафтиши ҳол,  
Зор жисмим узра шояд етгай ул умри абад.  
Нозанинлиғ шева ул ноз офаринда беҳисоб,  
Нотавон жонимда новак ул санамдин беадад.  
Шоҳиди ҳуснунг ёруқроқдур қуёш анворидин,  
Анжуму афлок рухсоринг шуоъидин санад.  
Эй сабо, жононаға мендин етур пайғоми жон,  
Арз эт аҳволим ёнида, қилмагай зинҳор рад.  
Жон берай ўлган танимға, бўлғай ул руҳи равон,  
Эй таним, руҳи равон бўл, тутмиш атрофимни дад,  
Мирий, ихлосинг дуруст этғил, гар истарсен халос,  
Айлагил такрор тун-кун: қулҳу оллоҳу аҳад.



Улар замонима еткурди танға жон коғаз,  
Етушти жонима жононадин нишон — коғаз.  
Агарчи қатл учун ҳукм эрур бу, эй жаллод,  
Фидоси жоним этай, жоғадур амон коғаз.  
Хаданги нозини бўлсам шаҳиди, ғам эрмас.  
Кўнгулни дағдағаси будур, эт равон коғаз.  
Кўнгулға коғазни шавқингни айладим қат-қат-  
Ки, таҳ-батаҳ жигарим лахт-лахт қон коғаз.  
Жаҳон-жаҳон фараҳимға сурур ўлур сўзидин,  
Нечукки ишқ этар афзун замон-замон коғаз.  
Агарчи шарти вафо коғазини нусхасин этмас,  
Жафони ваъдасин эт, айла таржимон коғаз.  
Не эрди, Мирийи нодонни нотавоним деб,  
Тугуб карам қаламин, қилсанг осмон коғаз.

\* \* \*

Ер лаълини нечук дей, оби ҳайвондин лазиз,  
Оби ҳайвон не деган сўз, шарбати жондин лазиз.  
Сўз ҳамул лабда Масиҳ анфосидин бергай навид,  
Кулгу ул оғизда ҳар ширинки бор, ондин лазиз.  
Лутфдин мастона-мастона келур кулбам сари,  
Хизматида жон нисори, бордур иймондин лазиз.  
Ўқи жон ичра алиф ҳам ёсидур нуни равон,  
Роҳати жондек эрур ҳар захми, жонондин лазиз.  
Ваъда қилдинг: ўп аёғим-ўқ, бўл они садқаси,  
Тур вафо шартида, йўқтур ушбу паймондин лазиз.  
Ҳар нечаким ваъдаси ялғон, фараҳ ортар менга,  
Шеъри мавзундекки бўлгай, лафзи ялғондин лазиз.  
Жом завқи, Каллиқўрғон хиттасин қозилиғи,  
Жоми шуқр оғзида, Мирий, Каттақўрғондин лазиз.

\*  
\* \* \*

Жавру зулмунг ҳар неча жон гулшанини доғлар,  
Юз туман гуллар очиб, зоҳир қилур минг боғлар.  
Войким, мен гелбани ошиқлиғим манъин қилур,  
Кўрса ул юз, жон бериб, девона бўлғай соғлар.  
Раҳбарим шавқинг, рафиқимдур ғаминг, эй муғбача,  
Ҳам анису улфатим кўюнгда учган зоғлар.  
Ҳеч ёд этмас ғарибу нотавон Фарҳодини,  
Умрлар Ширин тилаб, қазмиш балолиғ тоғлар.  
Бағрима ғамзанг йўл очмиш, ғам сипоҳин солғали,  
Ё ниҳоли новак экдинг кўрсатур япроғлар.  
Офати жоним десам, оламға солдинг рустахез,  
Шаҳр қўзғалди ғамингдин, бутради қишлоғлар.  
Ёралиғ бағримға марҳамдин иложе қилмайин,  
Май ичиб агёр ила, ул ёрани тирноғлар.  
Нури дийдам, марҳами жоним, азизим, севдугум,  
Доманим тутти маломат даштида бутроғлар.  
Мирийнинг назми паришон хотири янглиғ учун,  
Ҳар хат узра исмидин бир ҳарф тақмиш ёғлар.

\* \* \*

Бўлубмен ончаки ёру диёрдин музтар,  
Ғариб жонима ширин тили итик ханжар.  
Қазо ўюнчиси афлок тахтасини ясаб,  
Қуёшу ойларин каъбатайн этиб ўйнар.  
Қилурға мот, суруб фил ҳодисотларин,  
Бу тахта узра ушоқ анжумин пиёда сурар.  
Сурарға от, қўюб бир яғочни исмини шоҳ,  
Ҳам они ёниға фарзин яғоч топиб зевар.  
Қилурға мот, очиб рухни тўрт гўшасидин,  
Пиёдалардин ани ҳифзида қўюб илғар.  
Сафи жидол тузаб икки ёнидин ики шоҳ,  
Пиёдаси югуруб, отлар ўйнатиб санчар.  
Бу даҳр одати гўё аловат ўлмишдур,  
Тааммуқ айлагилу ғоятига айла назар.  
Вужуд арсаси шатранж арсасиму экин,  
Биров пиёда, биров от суруб, дегил, югурар.  
Нашоти ғарраси бўлма, ғамидин ўлма малул,  
Ғаму нашоти ўтуб келди, Мирийдин ҳам ўтар.





Кулгу лабида ул гул, минг ноз бирла ўйнар,  
Анжоми нозанилиг оғоз бирла ўйнар.  
Ушлаб гаҳи белидин, гаҳ дурр сочиб тилидин,  
Анфоси руҳпарвар, эъжоз бирла ўйнар.  
Мастона кўз учидин суҳбат элиға боқиб,  
Кўз масти май кучидин, парвоз бирла ўйнар.  
Лайливашимда кўп ноз, Лайлидин ўлди мумтоз,  
Нозу адо ишида, мумтоз бирла ўйнар.  
Чангу рубоб ҳар ён оҳанг соз айлар,  
Бир ёнда най навоси, минг ноз бирла ўйнар.  
Овози жон паёми, шавқида хосу оми,  
Шаҳ нозининг ғуломи, шаҳноз бирла ўйнар.  
Номимки ном топти ул сарв номи бирла,  
Ўйнарда Мирий ғазмин овоз бирла ўйнар.

\*  
\* \*

Кулуб-кулуб мени ҳажр ўқиға нишона қилур,  
Сўруб-сўруб ситамимни, ситамни ёна қилур.  
Лабини лаълига ким дер баҳо Бадахшонким,  
Қилурға нуқта лабин фикрида баҳона қилур.  
Сафои айш хароботийларга бермиш файз,  
Хирадни елга бериб, завқи комрона қилур.  
Фусуни субҳадин, эй хирқапўш, доминг йиғ-  
Ки, дона холи бир афсун этиб, фасона қилур.  
Жунун фазосини, ваҳким, ажаб васеъ этмиш,  
Ким анда сойир ўлур, сўзни беҳудона қилур.  
Дариғ, ном ҳавосида нангдин маҳжур,  
Ки ному нанг ўкуш, дарду ранж жона қилур.  
Не эрди, Каъбаи кўюгда ястаниб айтдинг:  
Бошини ерга уриб. Мирий ошёна қилур.

\* \* \*

Келур лайливашим, мажнунлигимни таън қилманглар,  
Маломат айлабон, бўйниларингиздин илинманглар.  
Тарийқи ишқ бас қаттиқ суъубатлиғ тарийқ эрмиш,  
Ризо дорини Мансури гар эрмассиз, осилманглар.  
Не чобуклар бу йўл қатъида қолмишлар аёғидин,  
Бағоят саъб эрур, бу йўлни азмин саҳл билманглар.  
Гаҳи тўфонға, гоҳи ўтға, гаҳ Жайхунға ғарқ айлар,  
Асарсиз ишқ ила оворалиғларда қирилманглар.  
Қўюнг, аҳбоблар, афғон чекиб, қонлар ютай ғамдин-  
Ки. мен девонамен, девонани ёнига келманглар.  
Фидо ул ой ғамиға айладим жон, ваҳки, жон топдим,  
Асар гар бўйладур, шавқида ўлмақдин тирилманглар.  
Харобот аҳли, ринд аҳлиғадур майхона бас манзил,  
Риёлиғ шайхи зуҳди худнамо, сиз мунда кирманглар.  
Ул ойни васлин истаб, елға бердим нанг ила номус,  
Ҳарими қурби гар йўқ, ит қаторидин айирманглар.  
Чаманға Мирий боқмас, шавқи гулзорин ватан қилгач,  
Сиз, эй аҳбоб, сайри боғ учун озор берманглар.

\* \* \*

Кунеки, мен сари ул мугбача тазаллум этар,  
Таваққуъим будурур: ортидин тараҳдум этар.  
Недур муносиби ҳар жон, фидосидур минг жон,  
Шакар сочиб сўзидин, ул пари такаллум этар.  
Юзини партавидин ҳар не бўлса, заъф ўлғай,  
Не навъ ражми шаётин баҳона анжум этар.  
Не ихтиёр қолур менда, ногаҳон ул муғ  
Қиё боқиб, чекълиб, ҳар замон табассум этар.  
Менинг тириклиғима ишқ баҳридур боис,  
Балиғ не навъ сувдин ўзгадин ўзин гум этар.  
Ҳануз гафлат ила ётғунг, ўйлаким булбул  
Саҳар чаманлар ароким нидон «қум-қум» этар.  
Висол истаюб ул пири дайрдин Мирий,  
Мудом най киби овоз этиб, тараннум этар.

\* \* \*

Менга ул гул нозанинлиғ шевасин ҳар дам қилур,  
Жавр ҳар дам гарчи айлар, кўнглум айтур, кам қилур.  
Жонни дардиға, жаҳонни шавқиға қилғум келур  
Сарф, ул қотил миниб гулгун, гулин шабнам қилур,  
Гулда йўқтур бу назокат, ғунчасин рамзиға боқ,  
Очилиб гулдек юзи, изҳори ул мубҳам қилур,  
Гаҳ чиқиб тоғ узра, гоҳи сайр этар гулзорни,  
Муסיқийларга магар таълими зеру бам қилур.  
Роҳати жовиди бемехнат баҳон саҳл эрур,  
Қадри гар жаннатдурур бир донаға одам қилур.  
Менда кўшиш йўқ, баса мамнунмен они лутфидин,  
Сустроқ шавқим фузунроқ лутфи мустаҳкам қилур.  
Ҳур васли, равзаи ризвонго йўқтур ҳожатим,  
Ул пари кўйини тупроғин агар кулбам қилур.  
Ой эмас, ул қоши ё ёди била ҳар кеча чарх  
Анжумидин кўз очиб, таслим учун бош хам қилур.  
Золи дунёни фиребиға неча бергунг кўнгул,  
Мирий, гар Сўҳробсен, мақҳури бу Рустам қилур.

\*  
\* \*  
\*

Мени айларга ул ой вола, зулфидин таноб этмиш,  
 Чу қилгач воласи, гул юзға кокулдин ниқоб этмиш.  
 Юзин нурига кўз ёшимни тўксам, айб қилмангким.  
 Тўкар ёш туш чоғи наззора ҳар ким офғоб этмиш.  
 Рақиб оти ситам пайконидек бағримни қон айлар,  
 Не муҳлик дард, ул ой суҳбат тутуб, майли шароб этмиш.  
 Жафолар бирла етдим жонға, изҳори эмас мүкмин,  
 Ниҳоний дарду доғинг узв-узвимни кабоб этмиш.  
 Муборакбод этинг, ошиқға ўлмаклик муборакдур,  
 Муборакномаи қатлимни ул олийжаноб этмиш.  
 Очилди хома, сочти ашк, бошидин аёғ айлаб,  
 Ул ой, шарҳи жамолим қил, дебон ногаҳ хитоб этмиш.  
 Лабинг ширин, қадинг насрин, юзунг раъно, кўзинг шаҳло,  
 Кўнгул Фарҳодини ҳам тоғида беҳўрду хоб этмиш.  
 Чаманким боғбонсиз гуллари равнақ қачон топғай,  
 Қизилдур лола рухсори, ани ким гул ҳисоб этмиш?  
 Олурда хома нозик панжаси, нозик хаёл этгач,  
 Таҳайюр бармоғини Монн тишлаб, изтироб этмиш.  
 Неча Бёҳзод ул ойни сурати зебогини тортар,  
 Ўзини, сурати девордек, масту хароб этмиш.  
 Узори мусҳафи устида кўз «сод»ин очиб гўё,  
 Ҳамано хомаи Мирийга байте интиҳоб этмиш.

\*  
\* \*

Ул пари васли тилогим мен ғарибни ёзу қиш,  
Улгамен, айрилсам онинг кўйидинким бир қариш.  
Кўнглуму кўзум югургай васл уммеди била,  
Гўйё кўзу кўнгул иккиси ўйнарлар жариш.  
Нийши бағрим ёрасиға нўшдек қилгай асар,  
Узгаларнинг нўши бағримга етар андоққи ниш.  
Қатра-қатра қон кўзумдин оқти Жайхундек магар,  
Қирпигим ул баҳр ичинда гўйё бутган қамиш.  
Ҳар сабоға арзи ҳолим қилдим, эй нозик мизож,  
Етдию гўш этмадинг ё сенга ондин етмамиш.  
Ўлдуруб бир йўл танимни, итларинг олдиға сол-  
Ким, вафо шартида итлардин етушсун анга тиш.  
Мирий назми гавҳар афшон ўлди ул гул васфида,  
Варна йўқтур бу ғарибнинг табъида чандон билиш.

\*  
\* \* \*

Ул ойким зулфини ҳар ториға юз хаста банд этмиш.  
Қуёш юзлук санамлар вола айлаб мустаманд этмиш.  
Бўлунг, эй аҳли дил, воқифким ул ҳусн аҳлининг шоҳи.  
Кўзиким шўхроқдур, шўхлиқ расмин писанд этмиш.  
Аёғинг тупроғини истарам, ўпмоқға захрам йўқ,  
Бу гулшан ичра токим сарв қаддинг сарбаланд этмиш.  
Не дей фаттон кўзингдин, бенасиб этти кўз уйқудин,  
Не дей мижгон ўқунгдин, қон ёшимдин баҳраманд этмиш.  
Десам ўлдум, кулар; ўлтур десам, дер тонгла ўлдургум,  
Вафосиз ваъдага афсона айлаб ришханд этмиш.  
Йиқилсам йўлиға, солмас назар, солмас назардин ҳам,  
Йироқроқдин ямон ҳолимға боқиб нўшханд этмиш.  
Навосиз нола, афғонсиз фиғондин Мирий жон бергум,  
Бу мунглуғ нотавон жоним ғами ҳижрон лаванд этмиш.



\*  
\* \* \*

Илкимни тутки, ҳодиса беҳол айламиш,  
Даврон ғами тили талабим лол айламиш.  
Лутфунг паноҳим айла, паноҳингда жой бер,  
Деви ситам ғами мени помол айламиш.  
Ғамхорсен, бу ишда рафиқим иноятинг  
Ҳолимға қил, аризан аҳвол айламинш.  
Розимен, ҳар на келса, қадарни қазосиға,  
Ажзим қуши бу навъ пару бол айламинш.  
Маълумдур: ёнингда талабға йўқ эҳтиёж,  
Ажзим юзига бўйла хату хол айламинш.  
Шарти гадо — талаб ишнда айламак фиғон,  
Кажкули ғам қадимни букуб, дол айламинш.  
Шукри худо, ниёз элига раҳматинг фузун,  
Бу орзуда Мирийни хушҳол айламинш.



Хушдуруп боғ гули, сағару базми дилкаш,  
Бўлса ул сарви сиҳий, ламъав ҳусни маҳваш.  
Боғ аро борсам агар, тушмаса ул ой кўзима,  
Боғ дўзах киби жонимға етургай оғаш.  
Заҳр хуш ағзима бедўст сабуи майдин.  
Ерсиз яхшироқ ул боғда ўлдурса аташ.  
Чеҳра гул, сарв қаде сен киби бу боғда йўқ,  
Қофи ишқинг аро семурғ менга йўқ ўхшаш.  
Жилваи ҳуснунггадур даҳрни оворалиғи,  
Партави шамъингга парвона қилур ўзни қуяш  
Раз қизидин агар озурда кўнгулмен, не ажаб,  
Бикри маъни элидин етса сабуи беғаш.  
Дафтари ҳукми ҳаётим бари нуқсон ила мул,  
Мирий, юз ҳайф, дариғо, сенга дастор ила фаш.

\* \* \*

Ҳолим габиё англағач-ўқ, бедаво, демиш,  
Бедард дилрабо ғамига мубтало, демиш.  
Бедард дилрабо ғамидин тўкса қон кўзунг,  
Қон демагил, сулуки ризо тўтиё, демиш.  
Жисмимға новакинг етушурда фиғон чекар,  
Ул новакингни шавқида жон, марҳабо, демиш.  
Ё қилди қоматимни десам, сарв қоматим,  
Қошимга садқа ё қадинг, ул қоши ё демиш.  
Жоду кўзичғни фитна̀сидур жонға юз бало,—  
Десам, кўзумни кирпиги юз минг бало, демиш.  
Олди қарорим оқу қаро холу оразинг,  
Оре, париға учраған оқу қаро демиш.  
Мирийни шавқ даштида қилғил сағонасин,  
Бу даштни ўзиға магар Қарбало демиш.

\*  
\* \* \*

Эй қадинг сарву гулистон ораз,  
Кўрсатур хат била райҳон ораз.  
Хотир ошуфталаринг қилғали жамъ,  
Кокулин қилди парешон ораз.  
Ёшурур юзни қаро зулфи била,  
Ҳусн эрур, гарчи пушаймон ораз.  
Бенаво халқ наво мизробин  
Пардасиз топти ғазалхон ораз.  
Кулгуси нархи садаф синдурди,  
Зоҳир этгач дурри ғалтон ораз.  
Оллоҳ-оллоҳ, не дилородурсен,  
Юз десам, шамъи шабистон ораз.  
Оразинг шавқи била бердим жон,  
Мирий кўнглидадур армон ораз.  
Оразинг пардасида айлади рост,  
Мутрибо, айлама ялгон ораз.  
Ғозалиғ чеҳра кўруб берма кўнгул —  
Безафо, гарчи юз алвон ораз,

\*  
\* \* \*

То қатлим учун ёзмиш ул сарви суманбар хат,  
Уйнаб қалам илкида, олди ети кишвар хат.  
Қосидни аёғиға жон берсам, эрур лойиқ,  
Келтурди равон янглиғ, жонимға баробар хат.  
Улдурса, дариг этманг, йиллар ўтуб истармен,  
Бу дағдаға бошимда чекмиш янги ханжар хат.  
Улдурмас агар тийги, шармандамен ўлмакдин,  
Шармандалиғим басдур, қатлимга қил афсар хат.  
Ширин лабидур кавсар, кавсарда бу лаззат йўқ,  
Жон чашмасидур ул лаб, гар Хизр паямбар хат.  
Лаълини Масиҳоси ўлганлара бергай жон,  
Атрофини тутмиш, оҳ, ҳар сори фусунгар хат,  
Шаҳди лаби забтида қўймишму қўруғбонлар,  
Жодулари новакзан, новаклари ништар хат.  
Сўзларда сўзи ширин, кўзларга не дей холин,  
Рухсорасидур дилкаш, ҳайҳот, не дилбар хат.  
Қудрат қалами ёзғач, тағйириға йўқ тадбир,  
Мен телбага ишқингда қилмишму муқаддар хат.  
Мижгон алифин «дол»и кўз «сод»иға очмиш айн,  
Хат сабзасидин гўё кўрсатти юзинг сархат.  
Юз маҳзарини кўрсатким, меҳри даҳонингдин  
Девони қазо Мирий отиға муқаррар хат.

\*  
\*  
\*

То ғунчай лабингдин очилмиш баҳори лафз,  
Оқмиш риёзи ҳуснинг учун жўйбори лафз.  
Оби ҳаётдурки, лабинг жўйборидин,  
Хизру Масиҳ андин ўлуб шармсори лафз.  
Кофир кўзунг хаданги жафо чекса қасдима,  
Жони дубора танға солур шаҳдбори лафз.  
Эй лафзи дилписанд, сўзингни фидоси жон,  
Ўлган танимға руҳ эрур, қил нисори лафз.  
Тишлар садаф лабингда эрур дурри шоҳвор,  
Не дей, сўз ул лабингда дурри шоҳвори лафз,  
Ўйуҳйил-изом ояти оғзингға тутти жом,  
Махмурингга карамдурур, очсанг хумори лафз.  
Мижгон ўқи билан, деди, Мирийни ўлдурай,  
Фасли хазонда, турфаки, топтим баҳори лафз.

\* \* \*

Булҳаваслар базми ичра ўлтурур ёр ўзга навъ,  
Нотавон жонларга айлар жавр изҳор ўзга навъ.  
Ўзгаларга ўзга навъ айлар қилиг ул нозанин,  
Зор ушшоқини кўргач, айлар озор ўзга навъ.  
Ўзларга нозанинлиг расмин айлар ўзгача-  
Ким, менга шарти жафо услубида бор ўзга навъ.  
Ўзгалар лутфиға мамнун бўлса, менмен — жавриға,  
Даҳр савдоси қилиб, ҳар ким харидор ўзга навъ.  
Лутфи хушдур, жаври хушроғ, васли хуш, уммеди васл  
Моясиз судедур, аммо нақди лийдор ўзга навъ.  
Кўрсатиб хат, шавқ элин иқрор килдинг ишқингга,  
Ёшурун ишқимни изҳор айлаб, иқрор ўзга навъ.  
Мен мену дарди ғаминг ошубиға вобасталиқ,  
Мумтаҳан Мирийдин этма фикри зинҳор ўзга навъ.

\*  
\* \* \*

Аҳли дунёдин этма ком тамаъ,  
Бўлма ҳаргиз аларға хом тамаъ.  
Фитратида фарас фаросати йўқ,  
Тундтавсан эрур лижом тамаъ.  
Сирф авқоти сийм жамъ этмак,  
Қалби мисдур, тили ҳаром тамаъ.  
Ҳазар авло аларни суҳбатидин,  
Ғайрдин қилмагин салом тамаъ.  
«Қоф»и куфр — оғзи, «лом алиф»—илки,  
«Қоф»у «лом»идадур калом тамаъ.  
Даст — «алиф ломи» «лом алиф» янглиғ  
Эгрідур, қилма эҳтиром тамаъ.  
Истама нафъ, ҳар не дерсен де,  
Тилама нақд, қилма вом тамаъ.  
Суд еткургилу тамаллуқ кўр,  
Уйлама судинг, эй ғулом, тамаъ,  
Гар зиён етса нақди жонингға,  
Ангадур нафъ интиқом тамаъ.  
Ваъда янғоқидин тўла қўйнунг,  
Пуч бодом бирла дом тамаъ.  
Бериб илкингга бодасиз соғар,  
Ичиб ул шод, сенда жом тамаъ.  
Суд истаб, йўқотма сармоя,



Бўлма инъоми бирла ом тамаъ.  
Дўстум деганиға алданма,  
Субҳи уммеди барча шом тамаъ.  
Зараринг — дона, суди умрингни  
Елға бергай барин тамом тамаъ.  
Мирий, кўп имтиҳон этибдурмен,  
Нуқтадин холи ихтимом тамаъ.

\* \* \*

Таним тупроғу кўнглум доғ, ҳар доғи парешонлиғ,  
Фироқ ошуби ичра ўлтурур бу нотавон жонлиғ.  
Ватан қилдим фано дайрини, ўзлук қайдидин ўтгум,  
Паривашлар жафосидин кўнгул кўп чекти ҳайронлиғ.  
Хадангинг захми кўнглум кишварин бир йўл хароб этти,  
Бўлурму бўйла шаҳлиғ расми, бу ойини султонлиғ?  
Тўкуб қон тийғсиз, минг жавр барпо айладинг, эй муғ,  
Дегил, бу қайси ойнндур, бу не янглиғ мусулмонлиғ?  
Мени ўлдурсанг, ўлдур, қўйма ҳижрон ибтилосида,  
Карам қил, жонни қурбонинг қилай, еткурғил осонлиғ.  
Езардэ васфи рухсорингни, эй муғ, нўғи хомамдин,  
Ажаб йўқ, қилса қоғаз узра уди анбарафшонлиғ.  
Ширмиб ютсам лабинг шаҳдини, ваҳким, бу на фикр ўлди-  
Қи маҳзи бир хаёлу йўқ итининг сони имконлиғ.  
Чекиб тийғи жафони, чиқса ул наврас ниҳолимким,  
Манга хушнудлиғ андинки, жон топгайму қурбонлиғ.  
Адашган ит киби ҳар тун фиғоним кўкдин ошурдум,  
Сен, эй бадмеҳр, ҳаргиз сўрмадинг, кимдур бу афғонлиғ?  
На ўлтурдинг, на қутқардинг, гамингдин ўртадим охир,  
Магар маҳзуларинг афғонидин йўқтур ҳаросонлиғ?  
Фидо жону жаҳон отинггаким, назмим жило топти-  
Ки. Мирий ҳар хатингни қилди гўё дурри маржонлиғ.

\* \* \*

Сари сол ўлдию гул гунчасига тушти хандонлиғ,  
Жаҳон сарсабз ўлуб, гулшанлар этти нофаафшонлиғ.  
Насими атрбези бирла олам хулд ойиндур, 4  
Шамимидин ҳам андоқ даҳр топти сунбулистонлиғ...  
Эрур расми қадим андоғки, бергай ийди наврўзий,  
Топар озодлиғ андин ҳамул тифли лабистонлиғ.  
Бу маъни бирла ийдийни равон этдим ҳамоноким,  
Ўғул умрини истаб, бўлмоқ авло нақди эҳсонлиғ.  
Бу шиятни қилинг: фарзанд бўлсун олими содиқ,  
Дуо айлангки, тангри солмасун фикрига нодонлиғ.  
Тилак Мирийға бу, аммо не тақдир ўлса тангридин,  
Ризодин ўзга бўлмас чора, не ҳожаг парешонлиғ.

\* \* \*

Бўлдим ишқингда жаҳондин фориғ,  
Не жаҳон, жисм ила жондин фориғ.  
Фориғ ўллум Су гулистон гулидин,  
Гулу гулзоридур — ондин фориғ.  
Лабидур лаълиму, инжу — тишидур,  
Ушбу маъни била кондин фориғ.  
Нангдин кечгила беном ўлғил,  
Ким эрур дўст, нишондин фориғ.  
Неча номус талошин этгунг,  
Ўзни қил яхши-ямондин фориғ.  
Оғзинг асрорини билган киши йўқ,  
Хирад ул сирри ниҳондин фориғ.  
Кокулунг ақдиғадур жонлар асир,  
Рост айтайки, ялондин фориғ.  
Кўзларинг сеҳри фалотун гасхир,  
Кирпигинг неши синондин фориғ.  
Кишвари ҳуснаи султонисен,  
Мирий, мулки Сфаҳондин фориғ.

\* \* \*

Қўл қуруғ, матлаб йироқ, мен нотавону йўл қатиг,  
Кўзда ёшим, қайгулиғ бошим, фиғон этсам, дариг.  
Заъфароний юз, букуғ қомат, хижолаглиғ таним,  
Бу хижолат ичра, ё раб, қўйма рухсорим сариг,  
Хўблар кўп, хўблиқда ўхшамас ҳеч ким сенга,  
Ҳусни бемонандингга монанд йўқ, қилдим аниғ.  
Йиғласам тишлаб лаби лаълинг, бўлурсен нўшханд,  
Оллоҳ-оллоҳ, не ажаб дилдорсен зебо қилиғ.  
Ҳар неча фарёд этармен, кўз тутуб дашномингга,  
Лутф оғзинг бир йўл этмас менга пайғоми ачиғ.  
Ваъдан васл айла, биллаҳ, жонға етдам оқибат,  
Войким, умрумни нобуд этти бу ялғончилиғ.  
Фўта нофармон, қизил юз бирла тушмиш дол-гул,  
Бўйла нофармонни фармонида хуш фармони тийғ.  
Бир исиг сўздин улусни ишқингга қилдинг асир,  
Ихтиёрим сенга топшурдумки, йўқ мендин асиг.  
Бир фарангизода кўнглум мубтало қилмиш мени,  
Эй мусулмонэсла, Мирий таънасиндин тилни йиг.

\* \* \*

Фалак, не чехра-қуёш қилди зор мен янглиғ-  
Ким, айламишсен ўзинг беқарор мен янглиғ?  
Ишинг қуёш кўзидиндур мудом телмурмак,  
Сиришинг айлади беихтиёр мен янглиғ.  
Етушса кеча, гутарсен қамарнинг оинасин,  
Не маҳваш этти сени интизор мен янглиғ?  
Қаро либос ила Мажнуни зордек ҳар тун,  
Нужуми нақдинг этарсен инсор мен янглиғ.  
Кунунгни тун қилибон, тунни тонгға еткурдинг,  
Ким этти бўйла сени тору мор мен янглиғ?  
Азал жамиласи олғач ниқоб ораздин,  
Сени ҳам айлади зору низор мен янглиғ.  
Сабуи сунъи била даҳр жоми моло-мол,  
Бу майға вола хазону баҳор мен янглиғ.  
Не келса, шукр эту ёзғурма ёр оллида,  
Кўнгулға сөлма ҳужуми ғубор мен янглиғ.  
Насиб айла фано мулкатини Мирийға,  
Ҳудус тошиға қўйма дучор мен янглиғ.

\* \* \*

Дўст жаври хушроқ андин, гар қилур ағёр лутф,  
Ҳар неча зулм айласа, жонимға андин бор лутф.  
Лутфдур зулм айласа, ўлдурса миннатдормен,  
Дўстдин не келса, бормен улча миннатдор, лутф.  
Тушда кўрдум: ул пари илки мени илкимдадур,  
Нотавон ҳолимни сўрди, айлабон изҳор лутф,  
Хотирим шазқи висолинг шукрида масрур эрур,  
Ваҳ, не дей, кўргузса бурқаъни очиб рухсор — лутф!  
Йиғлаюб мен, ул карам илкани илкимга бериб,  
Бош солиб мен, ул қилиб оғзини шаккарбор, лутф.  
Мен тазарруъ бирла, ул айлаб умедимни қавий,  
Мен тилаб ҳожат, ул айлаб ҳолима изҳор лутф.  
Оллоҳ-оллоҳ, бўйла уйқуға фидо бедорлиғ,  
Умр нақдин сарф қилсам кам, будур бисёр лутф.  
Жавр қил, гар лутф, биллаҳ, сен муродимсен мени,  
Дардима жавринг даво, сендин эрур озор лутф.  
Умр ўтуб бу навъ уйқу кимсага ҳосил эмас,  
Ҳамдулиллаҳ, Мирий ҳолиға қилибдур ёр лутф.

\* \* \*

Ишқ кучлик, дард муҳлик, ҳажр муҳриқ, ман заиф,  
Не балоларга гирифтор этти уч кучлик ҳариф.  
Лаффу нашри ҳодисот ичра забунмен ончаким,  
Фили ғам қалбида қолмас қолибим устида лиф.  
Ғам илан оғуштамен андоқ муродиф лафздек,  
Шахси ғам маънисин истарсен анга бормен радиф.  
Чодари лутфунг паноҳим қилки, исён даштида  
Ташнау нокомларга сояи жудинг насиф.  
Бир-ики кун меҳмондек кулбаи лутфунгга жой  
Қилғуму кеткум, не қилса шод эрур меҳмон музиф.  
Ишқ аро зору низор ўлдум, қулоқ тут зорима,  
Мўя тортиб, навҳалар қилғумдурур зору наҳиф.  
Печтоби кокулунг кўнглумга солди тобу печ,  
Йўқ ажаб, ул зулф тоби Мирийни қилмиш лафиф.  
Нафс саркаш, бода беғаш, ёр дилкаш, мен заиф,  
Оллоҳ-оллоҳ, не балоларга солур бу уч ҳариф.



\* \* \*

Эй боғбон. гул истасанг, ул юз гулиға боқ,  
Сунбул гар орзу сенгадур, кокулиға боқ.  
Қумридин урмә дам, дема булбул ҳикоятин,  
Ул сарв қумрисин кўр, ани булбулиға боқ.  
Юз печу тоб бирла ани туррасини кўр,  
Ҳар турра мушкфомдурур, сунбулиға боқ.  
Эй маҳ, кўтар ниқоб, тамошо гар истасанг,  
Жон ўйнамоқда, хасталарин гулгулиға боқ.  
Эй куври зулфи қилғучи ислом элин асир,  
Нақши Фаранг қўй, гули Истамбулиға боқ.  
Мулки Хитони хўбини, ҳаққо, хатоси кўп,  
Кўз сурмаси Бухор қилиб, Қобилиға боқ.  
Раҳмонни қўймагилки, раҳим башорати,  
Шояд дегайки, Мирийи раҳмон қулиға боқ.

\* \* \*

Иўлунгда турган улус лутф этиб, саломига боқ,  
Бўзуғлар ичра бузуғ хасталар низомига боқ.  
Фироқ даштида истаб висол Лайлисини,  
Вафо тарийқида Мажнун: вухуш ромига боқ.  
Баёзи субҳи узорига, эй қуёш, қарабон,  
Шиканжи силсилаи зулфи файз шомига боқ.  
Сабуи шавқи кўнгул кишварига берди сафо,  
Скандар оинасин тутма, акси жомига боқ.  
Саманди ноз миниб, солди элга рустохез,  
Утар яшил киби барқи бало, хиромига боқ.  
Тўкулди гул, қуруди сарву боғ топти хазон,  
Вале ул ойни гули давлати давомига боқ.  
Гажак киби ярашур даври оразидаму зулф,  
Ғалат ғар айламадим, тори мушкфомига боқ.  
Кеча мен ул қаро кўзга ўзумни қилдим асир,  
Биҳишт ҳуриға — зоҳид, хаёли хомига боқ.  
Ғазалсаролиғ этарсен амир ёдидин ўт,  
Ул ойни васфи учун Мирийи ғуломига боқ.

\* \* \*

Соқиё, пойдор жэми Жаминг,  
Кесма махмур аҳлидин караминг.  
Дам-бадам ҳажр нотавонимен,  
Ваҳ, не хуш илтифоти дам-баламинг.  
Кўзум устиға қўй аёғингни,  
Равшани мардумакдурур қадаминг.  
Шарҳи шавқингда хома оҳ чекар,  
Сарв қади намунаси рақаминг.  
Кокулунг гори риштаи жоним,  
Жонға юз печ солди печу хаминг.  
Кирпигинг ўқиға нишона кўнгул,  
Хушдурур ўзга лутфидин ситаминг.  
Сарвинозимни хотири нозик.  
Асра, Мирий, ўзунгни, сақла даминг.

\* \* \*

Хушдур ҳадис оғзингга, хушроғ қилиғларинг,  
Ёлғонга таъна қўйди паёми аниғларинг.  
Чин деб. висол ваъдасиға боғладим умед,  
Ҳарчанд чин эди менга ёлғончилиғларинг.  
Сен бўйла хўблиғда мени нолада кўруб,  
Сўрмоқ сабаб надурки, недин деб бу йиғларинг?  
Дарёи ҳусну мавжи латофатда сен балиғ,  
Оғзинг — садаф, тишинг — дурру соид — балиғларинг.  
Қўнгли қатиғ, жафо қиличи тез ёрсен,  
Биллаҳ, танимни роҳатидур бу қатиғларинг.  
Мен йиғлағанда, аччиғ-аччиғ боқишиға боқ,  
Оби ҳаёт мужда берур бу ачиғларинг.  
Сариғ либос бирла қизил фўта бошида,  
Заъфар мисол қилди қизил тўн, сариғларинг.  
Эй кўз, сиришк селини сеп хоки роҳиға,  
Дафъи губор этарга ярашур ариғларинг.  
Мирийни ғамза ўки била айлагил шаҳид,  
Олуда бўлмағай ани қониға тиғларинг.

\* \* \*

Гулшан ичра сарвосодур қадинг,  
Филмасал, жон ичра пайдодур қадинг.  
Офтоби ҳуснунгга хўблар асир,  
Хўблиғ шартида яктодур қадинг.  
Лабларинг саҳбосини махмуримен,  
Жилвагоҳи базми саҳбодур қадинг.  
Мавлавий рамзи хатингдин мунфаил,  
Рост ғйтай: «Шарҳи Мулло»дур қадинг.  
Жон тамошосиға оғзинг сиррини  
Ошкор айларға гўёдур қадинг.  
Асру нодонмен жамолинг шарҳиға,  
Ушбу мазмун бирла имлодур қадинг.  
Нақши хоманг, Мирий, сеҳр ойинлиғи-  
Ға магар ул чеҳрадин ёдур қадинг?

\* \* \*

Қадингдур сарвосо, оразингдур дастаи гулдек,  
Не дермен, оллоҳ-оллоҳ, иккиси иккисига қулдек.  
Дедим:— Аждарму ётмиш, ганжи ҳуснунг эҳтиётида,  
Деди:— Зулфимдурур, боғи узорим узра сунбулдек.  
Вафосизлиқ, жафожўлиқ парилар одати бўлмиш,  
Эсиз, бу расм аларға гўйё бўлмиш таомулдек.  
Буноғўшингда зулфунг ҳалқасидур, деб гумон этдим,  
Деди:— Шамъи жамолим дула печ айларда кокулдек.  
Миғиб гулгун, хиром этгач камон абрў паризодим,  
Яшил пайқони янглиғ рахши чобукликда дулдулдек.  
Ўзунг лутфиға топшур, эмин эт хотир балиятдин,  
Бу йўлни қатъида йўқ муниси мушфиқ таваккулдек.  
Не келса сабрни сармоя қил, кўп бўлма бесомон,  
Ҳаводис тошини дафъиға қалқон йўқ таҳаммулдек.  
Кўнгул миғгон ўқинг нймосиға жонин тилар қурбон,  
Шаҳиди нозингга новак қачон бўлғай тағофулдек.  
Висолинг чорасиға ким ўзин бечора айлабдур —  
Муяссар қилмаган Жамшиду Хусрав бу таҷаммулдек.  
Қаро зулфи қаро шоми фироқим ботил айларға,  
Узори даврасида иқдлар солмиш тасалсулдек.  
Навий илтифотидин наволар бўстонида,  
Наво қонунида Мирий чекар фарёд булбулдек.

\* \* \*

Улукни тиргузур, ҳар неча ёлғон эрди пайғоминг,  
Танимға руҳдин хушроқ етар ҳар лаҳза дашноминг.  
Қаро зулфунг саводи — тийра кўнглум субҳи уммеди.  
Висолингги не деб шарҳ айлайин, гар бўйладур шоминг.  
Таним ранжуру жон маҳжур ҳирмон ибтилосида,  
Бу меҳнатларга шояд чора қилгай мағзи бодоминг.  
Малоҳат нахли — мавзун қоматинг, юз — барги гул янглиғ,  
Назокат мавжи — оғзинг, оби ҳайвон — лаъли гулфоминг.  
Ёиқилсам ерга, рахшинг сур, берай жоним аёғида-  
Ки, сен ороми жонимсен, даме туг анда ороминг.  
Юзингдур Қаъба, фарз ўлмиш ҳажарни истилом этмак,  
Ижозат бер, ўпуб холинг, топай ҳам байтул эҳроминг.  
Муҳаббат мулки Мирий мен, амири кишвари Хўқанд  
Агар бош индурур, қилмон қабул Искандару жоминг.

\* \* \*

Ор айла мушк исидин, мушкингни ом қилдинг,  
Ҳар тори кокулингни юз мушкфом қилдинг.  
Қўйдум бошим қошингда, меҳроби муддао леб,  
Нетонг, узоринг ўпсам, байтулҳаром қилдинг.  
Холи лабинг хаёли бирлан етушса жонға,  
Иймони жонға етгай, жонимға ком қилдинг.  
Шавқингни ҳурматида эҳром боғламиш жон,  
Мижгон ўқиға боғлаб, хуш эҳтиром қилдинг.  
Шайдо кўнгул ҳамиша истар саломатинган,  
Сидқим натижасин кўр, кўргач, салом қилдинг.  
Эй Дўст, дўстлиғда бир нотавонмен, алҳақ,  
Еткургай аъзами ажр, ҳурмат изом қилдинг.  
Йўқ даҳрнинг вафоси, ибрат кўзи билан боқ,  
Субҳини йўқ бақоси, гар фикри шом қилдинг.  
Исфандиёру Хусрав кетти қўюб жаҳонни,  
Авҳомн нотамомийдурким, тамом қилдинг.  
Жамшиду жом ёд эт, қайғурма ўзни шод эт,  
Мирий қазо илан маст, илкида жом қилдинг.



\* \* \*

Сўроғи васлинг учун ҳар сориға урсам так.  
Бу нашъадин боши қилсиз фиғон урар калтак.  
Рақибн шум эшитгач фиғону фарёдим,  
Қилурға манъ учун ўтру чиқар бу қари кўфак.  
Гадо василаси афғон десам, рақиб айтур:  
— Не тонг, гадо ёнида итлар айласа ак-ак.  
Бошини ҳалқада шайх айлагай юқори-қуйи,  
Фаросати фараси тутти даврини кўпалак.  
Муридлар аро истаб баланд поясини,  
Дегилки, мевасиз андоғ бошин кўтарди терак.  
Амома бошида, чумчуқни сайдин истарда,  
Ясаб тузоғ фашидин жуворидек такалак.  
Мурид кўрмагин истаб биринж тўбрасида,  
Биринжиға алишур телбалар киби курмак.  
Фириб аробасин айлантурурға «ҳорманг!» деб  
Борур мурид дуосиға ўйлаким ғалтак.  
Кесакни оғзиға суртуб, ўзин ясаб рўза,  
Ҳаром бирла айирмас ҳалол, ўйла кесак.  
Тутарда суҳбати хилватда назр сичқонин,  
Бошини ҳам қилибон ўлтурур нечукки пишак.  
Мурид келмаса, қарғиш билан бериб тавбих,  
Нечукки қарғишидин қўрқубон дер: «Урди фалак!»  
Бориб ёниға, тутиб кал болаларин, айтур

Ки: Сизга бўлғали қул, тиз букуб турур букалак.  
Бошини шайх кўтаржай деб анга: «Оқ этдим!»  
Мен анда қайда, жавоби учун десам: «так-так!»  
Мурид англагач андоқки. шайх оқ этмиш,  
Юроги ёрилибон, айлагай ўзин тентак.  
Намози фарзни таркида ғам емай зарра-  
Ки, пири бепиридин бўйла қўрқар ул бадрак.  
Мурид таъни учун, Мирий, берма сўзга кашол,  
Сафо сулуги абужаҳлға эмас ҳамтак.  
Нечаки шайхи замонлар сари етар тошим,  
Дегайки, Мирийдин инъом бизга бу телфак,



Ғами Фурқатинг била зормен, бу ситамким, эй санам, айладинг,  
Бу савод қатъида мунисим йўқ эди, ажаб карам айладинг.  
Карам айладинг — ситам айладинг, менга яхши ўзгани лутфидин,  
Менга яхши ўзгани лутфидин карам айладинг-ситам айладинг.  
Не ажабки, бору йўқин сенга агар этса хаста кўнгул фидо-  
Ки, малоҳат авжини шоҳисен, жиға жилвасин алам айладинг.  
Неча жоҳу ҳашмату тумтуруқ очибон жаҳонға қароу оқ-  
Ки, сипехр хаймасидек равоқ, анга вола жоми Жам айладинг.  
Ярашур жалолингга эҳтишом, неча зебу зинату эҳтиром,  
Чу жалолинг истаб абулбашар, бу ҳашамда муҳташам айладинг.  
Не аён хирадға бидоятинг, не хирадға кунҳи ниҳоятинг,  
Тушуб анга айни иноятинг, бу ҳарамда муҳтарам айладинг.  
Караминг ўқини нишонаси тилагач вужуда баҳонаси,  
Чу шуҳудинг очти каронаси, нами қатрасини ям айладинг.  
Қаро туфроғимга қилиб карам, чаман айладинг қаро тупроғим,  
Қарамай бу тийра губоримаки, назокати эрам айладинг.  
На ямон, на яхшилиғимда бор менга қадру қуту иқтидор,  
Бу ажаб, қўюб манга ихтиёр, неча ғамда муттаҳам айладинг.  
Карам одатинг, неча зулмхўсену хоҳишинг худ эмас ситам,  
Карамингдурурки нафас-нафас, ситамингни дам-бадам айладинг.  
Қани Вола, қони амири назмки, нисор айлаю мулкини,  
Бу сифат Навойни лутфидин, деса, Мирий хуш рақам айладинг.



Дилоромим бўлурға, жон аро ором, хуш келдинг,  
Муродим субҳиға, эй турра мушкинфом, хуш келдинг.  
Қўнгул манзилғаҳин омода қилдим, мақдаминг истаб,  
Малоҳат Мисрининг султони янглиғ шом хуш келдинг.  
Қадам қўйдинг бузуғ кулбамға, бурқабни олиб юздин,  
Қуёшдек жилва бирла еткуруб пайғом, хуш келдинг.  
Яқин етганда ўлмакликға, жисним ичра жон янглиғ  
Етуштунг, тоза жонни айлабон инъом, хуш келдинг.  
Кунум тун эрди, тундин беҳабар эрдим, биҳамдиллаҳ,  
Қуёш юздин тунум кун айлабон, оқшом хуш келдинг.  
Кўзум устиға қўйғайсен қадам, кўз мардумидурсен,  
Бўлурға мардумакға нур, қўйдинг гом, хуш келдинг.  
Хаданги ҳажрдин эрди таним паркола-паркола,  
Даво айларға они, боғлабон эҳром, хуш келдинг.  
Аёғинг садқаси жон, жон аёғингға фидо айлай-  
Қи, бу нокомларға еткурай деб ком, хуш келдинг.  
Жаҳон сарф айласам ҳар мақдамингға камдурур, аммо  
Эмас мақдури Мирий бахти янглиғ, ром хуш келдинг.

\* \* \*

Кеча хаёлим аро келди ул бути чолок,  
Ўзумни солдим аёғига, маст ўлуб, ёқа чок.  
Олиб бир илкига зулфин, бир илкида соғар,  
На ҳуш қолди танимда, кўнгулда не идрок.  
Шукуҳидин ёрилиб ер, ер узра нур солиб,  
Фуруғидин очиб ою қуёшу тўқуз афлок.  
Не бок, жоним аёғини садқаси қилсам,  
Бу телба ёди учун азм қилгач ул бебок.  
Тешук танимға сўзи ранг-баранг муассирдур,  
Кўнгулни захмиға бор мумнёча айласа рок.  
Ғубори дарғаҳи куҳлул-жавоҳирим бўлсун,  
Висолин оллида жаннат гули хасу хошок.  
Лабинг хаёлида кайфияти сафо топтим,  
Бу нашъа ёдида Мирий лабига тушмади ток.

\* \* \*

Қадам қўй, эй пари, кулбамга, жисмим ичра жоним бўл,  
Паридек кўчма кўздин, кўз ҳаримида равоним бўл.  
Улармен, ўлмогим дарди фиरोқингдин муқаррардур,  
Муқаррар айла, ўлмасдин бурунроқ меҳмоним бўл.  
Гадодин истамак мақбулу мардуди эрур сендин,  
Неким матлубинг ўлғай, комим ул, эй комроним бўл.  
Агар жавр айлағунг, рози эрурмен, айла жаврингни,  
Бу ғурбат даштида йўқ сендин ўзга, меҳрибоним бўл.  
Ўқунгдин жонга роҳат, роҳати жон айла пайкониинг,  
Балият даштида, биллаҳки, сен худ посбоним бўл.  
Ёмон ҳолимни арз айларга, ҳошо, яхши ёримсен,  
Аёндур, ҳошалиллаҳ, сенга, яхши қил ёмоним, бўл.  
Ҳаводис тошидин ҳар лаҳза бошим узра кўп озор,  
Ўзум лутфунгга солдим, ёри жисми нотавоним бўл  
Камон абрў парирўюм камон отмак шиор этмиш,  
Нишонмен, имтиҳон истарсен, эй абрў камоним, бўл.  
Кеча ул ой деди, базминг юзумдин айлайн равшан,  
Вафо шамъин ёрут Мирний учун, ороми жоним бўл.



Яқин етушти сафар ойн, эй сипеҳри жалол,  
Кўтар ниқобни, кўрсат улусға янги ҳилол.  
Ҳилол қомати ишқ аҳли қоматидек ҳам,  
Магар ҳилолингга хижлат қадини қилмиш дол.  
Ҳилол қошини туш чоғи ҳусн матлаъидин  
Кўзумга солди дегил, эй фақиҳ, рўза ҳалол.  
Қадаҳ Сафар қўлида, май Жалол оғзинда,  
Рафиқи комил агар Дўстдур замони висол.  
Бу навъ суҳбат аро, эй фақиҳи фарзона,  
Вараъ тутарсен агар, бу фазиҳатингдин уёл.  
Ер ўпгилу қадаҳ ичким, сафарда савм ҳалол.  
Ҳалол нақд, Жалол англа, қилма сўзни кашол.  
Қамоли шавқингга Мирийни комил эт, ё раб-  
Қи, Дўст комини истарда қилмасун эҳмол.

\* \* \*

Жилва кўрсат боғ аро, лаълингни шаккарханд қил,  
Мевасиз гулларга шаҳдингни сочиб, пайванд қил.  
Гул сўлуб, булбуллар афгондин адашмиш, лутф этиб,  
Бурқаъи рухсор очиб, булбулларинг хурсанд қил.  
Неча бемонанд ҳуснин мендин айларсен савол,  
Филмасал, Мажнунга мен маҳзунини монанд қил.  
Эй насиҳат аҳли, менман ринду расволиғ — фани,  
Панд этарсиз жоҳили дунёга, ушбу панд қил!  
Ағниёларга такаллуфни ошурдинг чархдин,  
Суд истарсен, муҳайё коми ҳожатманд қил.  
Ҳожат аҳлин қайтарурсен ташқари дарвозадин,  
Ҳалли банд истарсен. истеҳком бу, дарбанд қил.  
Қандхўлар шаҳриёри мулки амниятдурур,  
Мулки Хўқанд истама, Мирий, буким хў қанд қил.



\* \* \*

Соқий, карамни илкига жоми шароб қил,  
Ҳушимни елга бер, мени масту хароб қил.  
Қўнглум ториқти фитнаи даври замонадин,  
Маст айла ақлу ҳушу бадандин жавоб қил.  
Мумкин эмас қўнгулни ёриб, зоҳир айламак,  
Асрори хотиримни ўзунг фатҳи боб қил.  
Мутриб, наво унини менга айла ҳамнафас,  
Маҳжур хотиримга замоне рубоб қил.  
Эй шайх, қотма ўзни харобот аҳлига,  
Бебокларни суҳбатидин ижтиноб қил.  
Ким покбоз бўлса ҳам ул комёб эрур,  
Ё раб, сафои файз била комёб қил.  
Хайн хижолатим юз уза дона-донадур,  
Ул доналарни марҳаматингдин гулоб қил.  
Ринд аҳлини ҳақир тутар шайх не учун,  
Билсанг ҳақиқати карамин, кел, ҳисоб қил,  
Ожизлик авли қунгираи кибриёсиға,  
Зоғи умед болу паридин уқоб қил.  
Охир қўлунгни тутгусидир нотавонлигинг,  
Ожизлигингни риштасин ушлаб таноб қил.  
Монанд ҳеч киши қила олмон камолиға,  
Мажнунға хаста Мирийни ноиб маноб қил.

. \* .

Рост бўлким, эгриликдин жисмингга еткай халал  
Ким, ёғоч эгри эса, қилгай ани нажжор шал.  
Ростлиғ тут, то халойиқ ичра бўлғил муътамад.  
Ким, сутундур ё асодур ростлиғдин ҳар маҳал.  
Рутба олилардин ўлгай пастларга тақвият,  
Сабзау ашжорға хуршиддиндур моҳасал.  
Паст фитрат бўлма, ҳарким таҳти по айлар сени,  
Хонаи болони ҳеч ким қилмамиш жойи жамал.  
Войким, умрум талаф қилди ҳаво бирлан ҳавас,  
Ҳайф авқотимки, зоеъ айлади тули амал.  
Кўп иморат қилдим, аммо кулбаи кўнглум хароб,  
Неткамен, ё раб, бу ҳолат етса фармони ажал.  
Тавба қил, туткил яқо, Мирий, абас ўтти ҳаёт,  
Охирди умрингда лутф этсун ўзи аzza ва жал.



Кўнглум олган сарви гулрўйимму ё рухсор гул,  
Сарв қаддим оғзиму кўрсатти ё гулзор гул.  
Боғ аро қўймиш қадам сарви гуландомим магар-  
Ким, тароват топти гулшан, бўлди файзосор гул.  
Ул ниҳоли ноз гулгун фўта боғлаб, сайри боғ  
Айлагач, кўрган киши дер, не ажаб дастор гул!  
Хорхори шавқингга гул бағри бўлмиш чок-чок,  
Хорсиз гулгунча йўқ, деб ўзни қилмиш хор гул.  
Боғ томидин осилмиш дема, гул шохидурур,  
Киргач ул гул хирмани, кўрсатти ҳар девор гул.  
Лола эрмас, чекти Мажнун нола ғам кўҳсориди,  
Лайли ҳажрида кўзини қонидин кўҳсор — гул.  
Ҳар саҳар булбул тили бирлан фиғон айлар чаман,  
Англа зинҳорим кўнгул олдурма деб зинҳор гул.  
Еди бемори ғамингдин қилки, оҳи шўриши  
Зоҳир айлар ёлқунидин гунбади даввор гул.  
Мирий, бархурдорсен ул сарв қад ёди била,  
Боғи умринг ул санамдин топти бархурдор гул.

\* \* \*

Соқиё, сафо жомин базм аро лабо-лаб қил,  
Парда ташлаб ораздин, парда ораз ушлаб қил.  
Чархи ҳусн ойисен, бурқаъинг кўтар юздин,  
Тер сочиб гулобидин, гул юзингда кавкаб қил.  
Шарбати лабингдин жом, хасталарга еткур ком,  
Бўса ериға дашном қандингга мураккаб қил.  
Кўз ҳадиқаси бағрим қонин айламиш жорий,  
Қон ёшим кўруб раҳм эт, кўзни наъли маркаб қил.  
Кўнглума тиларсен қайд, кокулунгдин эт қуллоб,  
Тан — тилисми ҳайронинг, жон асири ғабғаб қил.  
Эй ўлук таним жони, сўзла, танға жоним бўл,  
Гису илкинга ушлаб ҳам лабингни тишлаб қил.  
Дини ишқ — ойнаим, маҳкам айлади диним,  
Миллат истасанг, зоҳид, касби ушбу мазҳаб қил.  
Лаълинг оч, табассум қил, дурр тишинг баҳоси — жон,  
Пистаи даҳонингдин бир сўз, эй шакар лаб, қил.  
Ё қошинг фидоси тан, топти шаҳди жон ё лаб.  
Ё қадимга мижгонлар новакини ёлаб қил.  
Ҳақ мураббии ҳолинг, кеч ғами мураббодин,  
Тарбият тилар бўлсанг, тилға шаҳди ёраб қил.  
Зулм одат этмишсен, қилма тарки одатни, 4  
Мирий ҳам қилибдур хў, жавринг ўйнаб-ўйнаб қил.



Агар лутф эт ва гар зулм, айла, сенсен севгулук ёрим,  
Будур қасдим мени, бу маънида кўп берма зинҳорим.  
Ғаминг — айшим, висолинг орзуси — матлабим яъни,  
Бу янглиғ сарф этмиш умрни жони ситамгорим.  
Тушқбдур куфри зулфингдин кўнгул бўйниға савдоким,  
Бараҳманға хижолатлар етушгай кўрса зуннорим.  
Жаҳон бору йўқидин йўқ ғамим ёди висолингда,  
Сену ёдинг ҳузур — мажлисим, тенгдур йўқу борим.  
Хирад аҳли жунунимни кўруб ор этса, тонг эрмас,  
Биёбони жунунда телба хайлиға етар орим.  
Либоси ҳуш нобуд ўлди ишқинг ибтилосида,  
Хирад кетти элимдин, майға марҳун ўлди дасторим.  
Фалак қасри қорарса дуди доғимдин, ажаб эрмас,  
Жаҳонга солди рустохез ҳар дам шўри идборим.  
Таним туфроқ этиб, кўюгда уйрулсам, қуюн янглиғ,  
Эшигинг гардиға шояд қўшулгай бу тани зорим.  
Биҳамдилаҳки, Мирий боғи шавқингда наво топти,  
Хаёлинг бирла ранго-ранг гуллар кўрсатур хорим.

\* \* \*

Қайси бир узвимни ўз журмимға айлай муттаҳам,  
Шўр идборимдин ўлмиш ҳар бириға минг ситам,  
Кўзға десам, нега боқдинг хўблар рухсориға,  
Кўргач ул гул, жон қуши толпинди, тортиб дарду ғам.  
Ашк ўрниға тўкуб қон, тутти домонимни берк,  
Фикри чобукхезинг этти-ўқ хаёли ул санам.  
Чун хаёлинг орзуси эрди ул юз жилваси,  
Бу азиматда мени ўзига қилди ҳамқадам.  
Йўқса мен поснда кирпичлардин айлаб панжара,  
Тушмасун бир юзга деб, маҳкам тутардим дам-бадам.  
Фикр айтур, кўнгул отлиғ роздону мунисинг,  
Ҳам сени овора, беором этмиш мени ҳам.  
Ҳар замон, ҳар дам югуртургай насимосо мени,  
Гоҳ гул юзида шабнам, гаҳ кийик кўзида рам.  
Кўнглум айтур, оре, мендин бу насиб ўлмиш санга,  
Шукр қилғил, чиқса тандин жон бу матлаб бирла — кам.  
Ишқ водисида эмди жон берай, эй дўстлар,  
Дафтари шавқимни Мирий қабриға айланг алам.



Гадомен, шайъалиллах деб солай кўюнгда ошубим,  
Дуо қилмоқ, букулмоқ, ҳар не сендин келса, матлубим.  
Қабулу раддига йўқтур ишим, йўлунгда ўлсам, бас,  
Эшикинг — сидра, гарди — сурма, ҳар бир хоридур тубийм.  
Висолинг Юсуфи Мисри кўнгулларга азиз ўлмиш,  
Жамоҳири орзуси кўр қилди чашми Яъқубим.  
Не муҳлик дардларга мубталомен нотавонлиғда,  
Кўнгул бесабру тан бетоб, ўларга етди Айюбим.  
Ҳавас-ғолиб, тамаъ — роғиб, талаб авҳоми ботилда,  
Ҳама нокомлиғлар ичра қолмиш жони мағлубим.  
Муҳаббат шарту жонон шавқида жон ўйнамоқ — комим,  
Бу матлаб ичра, ё раб, айлагай фируз маҳлубим.  
Биҳамдиллаҳ, муҳаббат гулшанин соҳибнавосимен,  
Эшитгач қумри афғонимни, беҳол этти услубим.  
Қадингдек сарв йўқ, гулшанда рухсоринг киби гул йўқ,  
Чу мендек йўқ ғаминг тортарга, Мажнундур лагадкўбим.  
Маломат Мири (й) мен, Хўқанд амирида бу шавкат йўқ,  
Қалам — ханжар, рақам — лашкар, ҳамният дўстдин тўбим.

\* \* \*

Етуштум жонға, етмас ёнима бир лаҳза жононим,  
Туман армони бепоеён била чиқғай асир жоним.  
Улар вақтим етушти, кўз учидин бир табассум қил,  
Қутултургил, ачир жон шиддатини айла осоним,  
Кўзумдур манзилинг, кўз мардуми манзилгаҳинг, эй шўх,  
Қадам қўй, интизори мақдамингдур барча меҳмоним.  
Дединг:— Дардимға сабр эт, етса сендин дард эмас, ҳошо.  
Фамингдур роҳатим, ошуби ҳажринг келди дармоним.  
Пушаймонмен, паришонлиғ била умрумни ўткардим,  
Паришонлиғда қўйма, қилма зоеъ бу пушаймоним.  
Юзинг гулзориға айб этмагил, ҳар неча солсам кўз,  
Қадингдур сарви боғим, оразинг зебо гулистоним.  
Фироқ ичра балниятлар билан бесабру сомонмен,  
Демассен, дедурур аҳволинг, эй бесабру сомоним.  
Паришон кокулин ториға жон сайдини банд айлаб,  
Паришонлиғда қонимни тўкар кокул паришоним.  
Висолин ваъдасин ёлғон десам, чин солди қошиға,  
Карам қил, солма чин қошингға, чин қилгил бу ёлгоним.  
Азал субҳида кўрсатдинг тажалли аҳд шартида,  
Кўнгул ул барқға парвона, маҳкамдур бу паймоним.  
Жунундин гаҳ қуюн, гаҳ дуд кўк тоқиға чирмашти,  
Нетонг, гаҳ турку тожик шўр солса, Мирий, девоним.





Кўзумдин ёлқиб эрдим, ўйла мижғони таримдин ҳам,  
Кўнгул ранжуридурмен, толеъи бадахтаримдин ҳам.  
Кўзум кўргач, оқузди ашк мижгон дарди муҳликдин,  
Бало гирдоби бесомон, жафо шўру шаримдин ҳам.  
Қутулмоқ мумкин эрмас ул санамни доми зулфидин,  
Тутуб Кунгул қушин, берк ушламиш болу паримдин ҳам.  
Қиёмат шўришин ошуби ҳижрон солди бошимға,  
Фамим йўқ даҳрдин, бир зарра парво маҳшаримдин ҳам.  
Ёвуқма ёнима, эй шайх, дасторингға солгай ўт,  
Дами оҳим шарорангиздур, қоч пайқаримдин ҳам.  
Ёрилди хома бошидин, тўкуб ашким сиёҳидин,  
Рақам таҳрир этар афғон, чиқар ун дафтаримдин ҳам.  
Тушуб рашк ўти жонимға рақиби шумдин ҳар дам,  
Не ғам, номус кетмиш, айру туштим дилбаримдин ҳам.  
Мувофиқ ёр истаб, топмадим ёри мувофиқни,  
Халилосо умедим қать қилдим Озаримдин ҳам.  
Қалам эрмас элимда, хирасарлар жисмиға пайкон,  
Фазихат аҳли бесомон тилимдин, ханжаримдин ҳам.  
Қадаҳ тут, соқнё, бергил ривожим телбахўлиғда,  
Демон, Жамшид ўтубдур, йўқ нишон Искандаримдин ҳам.  
Фароғат мулки беҳудликдадур, бир жом ила маст эт,  
Қутулгай Мирийи ошуфта бу карру фаримдин ҳам.



Шукр, шавқинг биладур онча сарафрозлиғим,  
Бўлмади зоеъ эшикингда бу жонбозлиғим.  
Кўз қароси киби кўз ичра тузатдим ватанинг,  
Эй қаро кўз, кўз аросида ватансозлиғим,  
Бош нисори қадаминг, жисмим эрур хоки рақинг,  
Тушмади, оҳ, писанд улча сарандозлиғим.  
Дўстни қўйки, тамиз этти адув дўстлиғим,  
Ёру агёр аро йўқ олдингга мумтозлиғим.  
Йўқ тилим шарҳи малолим дегали ёнингда,  
Бўйла хислатму ҳариминг аро дамсозлиғим.  
Оллоҳ-оллоҳ, кеча шаҳноз ила шаҳ ноз этгач,  
Шоҳларға етушур таънаи шаҳнозлиғим.  
Шоҳбозе кеча сайд айлади кўнглум қушини,  
Мунча ожизлиқ ила турфа бу шаҳбозлиғим.  
Сўзу созимдин эрур чарх қулоғиға садо,  
Оҳ, еткурмас анга толеъи носозлиғим.  
Қилғали шарҳи фиरोқинг, деди сўз тожиклар,  
Мирнй ўзбак тили — туркийда хуш овозлиғим.



Кима шарҳ этай ғами фурқатинг, санга етмас оҳу садоларим-  
Ки, бу бенавони кишиси йўқ, карам эт, эшит бу наволарим.  
Не ғарибмен, не ғариби ғам, бу ғариб ҳолима раҳм этиб,  
Ярашур<sup>ф</sup> бу ғамда қўлин тутуб, сўрасанг ғами ғураболарим.  
Тилагим — ҳаёти абад сенга, талабим — камоли мадад сенга-  
Ки, рафиқ — лутфи самад сенга, не ажаб, етушса дуоларим.  
Манга йўқ жафое рақибдинки, ҳимоят этмаса дўст кам,  
Туман ибтило ани жониға, не жафо етурди вафоларим?  
Қаро бўлди субҳи уммедим, оҳ, қаро кокулни хаёлида,  
Қарамас фиғон ила додима кўзи қора, зулфи қароларим.  
Кўзу кўнглум иккиси толпинур, чу гадо висолинг уммеднда,  
Эшикингдин айлама ноумед, карам эт, боқиб бу гадоларим.  
Ғаму фурқатингга фидо кўнгулки, хаёли васлингга вола жон,  
Боши ғурбатим, тани кулфатим бу фидоларингга фидоларим.  
Мени нолишим сенга берса завқ, менга кўп ғаминг била  
завқу шавқ,

Карам эт бу телбани ҳолиғаки, кам айлама бу жафоларим.  
Буки ҳусн мулкини тахтадаки малоҳат авжин амирисен,  
Чу мен ишқ шаҳрини Мири(й)мен, ғаму дард эрур фуқароларим.

\*  
\* \*

Пари теккан кишидек ўт чекар ҳар лаҳза фарёдим,  
Демас, кимдур, даме ул тош кўнгуллик паризодим,  
Ўтуб йиллар, ёмон ҳолат била ҳажрингни тортмишмен,  
Сен, эй бадмеҳр, бу ҳолим кўруб, бир қилмадинг ёдим.  
Суъубатлик ситамлар бирла келдим, подхоҳим деб,  
Агар етмас сенга арзим, дегил, кимга етар додим.  
Муриди хизмати пири муғонмен, мову ман ташлаб,  
Ичиб тут, маст қил, соқийки, сенсен пири иршодим.  
Маломат хайли модарзодимен, тонг йўқ, жафо тоши  
Етар ҳар лаҳза, гўё доғи муҳликлардур авлодим.  
Не келса, шодмен сендин, десам ғам ўртамай ғамдин,  
Ғамингдур ишратим, дардинг чекарға асру муътодим.  
Умедим — дўст коми, орзуи хотирим будур,  
Дуои дўстдин, Мирий, мусаххар мулки ободим,

\* \* \*

Ғаминг султонидин тан топти парчам,  
Келиб ўтриси, жон дер:— Хайри мақдам.  
Қарам қил, мақрамат қасрида сен шоҳ,  
Малоҳат бўстонида муқаррам.  
Йиқилган халқ аҳволини сўрмак —  
Бийиклардин бағоғ ажри аъзам.  
Талабдин қолма, олим, касби илм эт,  
Парешондур вали — омилдур аълам.  
Амални соғари илм айнидин мул,  
Ғар эрмас амми жаҳдинг, кўрсатур ғам.  
Очиб кўз қалби илминг ламъидин нур,  
Димоғ ул шамъ зайлидин тотиб шам.  
Мағар бу шамъдин жамъ ўлса хотир,  
Тутуб айнида Мирий маснади Жам.

\* \* \*

Иўлунгда ҳар неча шармандалиқ қилур кўнглум,  
Кўснгда ёлборибон, бандалиқ қилур кўнглум.  
Ризо тарийқини ночор сарфигандасимен,  
Ниёз бирла сарафгандалиқ қилур кўнглум.  
Иўқ оғзинг этти шакарханд ноз боғида,  
Умеди бирла шакархандалиқ қилур кўнглум.  
Ёрутти жилваи оинасидин оламини,  
Бу ламъадурки, фурузандалиқ қилур кўнглум.  
Карам қуёшиға бердинг бу навъ нуру фуруғ,  
Бу нур эрурки, дурахшандалиқ қилур кўнглум.  
Иноят ойини афлоки лутфдин очдинг,  
Иноят айнида то бандалиқ қилур кўнглум.  
Бу кўҳна дайрда Мирий қафасдағи қушдур,  
Туман каманд аро фархундалиқ қилур кўнглум.

\*  
\*  
\*

Ғамингни танда магар жонму деб, гумон этдим,  
Хаданги захмини дармонму деб, гумон этдим.  
Кўзумга зулфи парешонин очти субҳи насим,  
Мени ғамимда парешонмў деб, гумон этдим.  
Етиб эдим яқин ўлмакга, келди ёр етиб.  
Жафо ишига пушаймонму деб, гумон этдим.  
Биҳишт чашмасидин вонз этти шарҳи лазиз,  
Худ они чоҳи занахдонму деб, гумон этдим.  
Лабингни даврида кўп хизр хат падид ўлмиш,  
Сафода чашман ҳайвонму деб, гумон этдим.  
Қошинг хами сари кофир кўзинг қўюбдур бош,  
Бу каъба ичра мусулмонму деб, гумон этдим.  
Қаро кўзум деди, борғум ҳарими хилватингга,  
Мени юзи қаро, ёлғонму деб, гумон этдим.  
Келиб юзум қаро қилғилким, оқ кўнглум, бу  
Юзум қаросига аймонму деб, гумон этдим.  
Қазони маҳкамаси узра Мирий тутти ватан,  
Гувоҳи даъвиси девонму деб, гумон этдим.

\*  
\* \* \*

Васлидин ком истабон, ваҳ, ўзни ноком айладим,  
Кундуз айлаб кеча, умрим субҳини шом айладим,  
От чиқарсам деб, саодат жабҳасин қилдим қаро,  
Муҳри нангу ном отим бирла бадном айладим.  
Ер кўйин тупроғидур Каъбаи ҳожат менга,  
Ҳожии нодонга азми Каъба инъом айладим.  
Қоши миҳробии бу дамким саждагоҳимдур мени,  
Бу ҳарамда муҳтарам тут, улча ихром айладим.  
Тойири кўнглумки истаб дона, тушмиш домға,  
Дона холидин асири чашми бодом айладим.  
Хом савдолар била кўп-кўп тамаъ хом айлабон,  
Елға бердим умру савдо судини хом айладим.  
Мунглуғ аҳволимни ёниға десам ғамхор йўқ,  
Ўтлуғ оҳимдин, не тонг, кўйиға пайғом айладим.  
Кўнглум олди чеҳра гул, бир сарв қад, андом гул,  
Новаки захмида ҳар узвим гуландом айладим.  
Ул дилоромим ватан майхона қилмиш, эй фақиҳ,  
Телбараб айб этма, гар мен анда ором айладим.  
Ваҳшин шавқиға толибдур бировким жони бор,  
Мен бериб жоним, биҳамдиллаҳ, ани ром айладим,  
Мирий Жомий шафқати бирлан навопарвозмен,  
Ким, Навоий илкидин илкимда бир жом айладим.





Кўюнгга, эй юзи гул, бенаво бўлуб келдим,  
Наво умедида булбул наво бўлуб келдим.  
Тамаъ ҳаромдур, аммо ҳалолдур сендин,  
Висол тўшасин истаб, гадо бўлуб келдим.  
Ажаб, кўруб мени дерким, не мубталосисен,  
Боқиб кулар, десам, эй гул, сенго бўлуб келдим.  
Ғариб ҳолима раҳм эт, кўюнгдин этма жудо,  
Диёру ёрларимдин жудо бўлуб келдим,  
Висол умедида бегона бўлдум оламдин,  
Хирадни елға бериб, ошно бўлуб келдим.  
Худо ҳақи, қара мунглуғ юзи қароларга,  
Сочинг қаросиға юзи қаро бўлуб келдим.  
Етар жафо неча сендин, вафосин айла насиб,  
Вафо умедида беҳад жафо бўлуб келдим.  
Овуч кўлумға солиб файзи жилва, гул ясадинг,  
Қаромат иксиридин кимиё бўлуб келдим.  
Умедим улки, ҳазин Мирий айламас навмед,  
Ҳарими лутфиға қадди дуто бўлуб келдим,



Ул ойни дарди танимга даво экан, билдим,  
Жафоси зор кўнгулга вафо экан, билдим,  
Рақиб оллида бегонавор, юз минг шукр,  
Ниҳон бу телбасиға ошно экан, билдим.  
Кўнгулдин асру тарийқи талабда мен масрур,  
Каманди кокулиға мубтало экан, билдим.  
Қаён югурса ҳавас, майл этар вале андин,  
Самими сидқида худ дилрабо экан, билдим.  
Ғубори кўйини кўз мардумиға жой этай,  
Бу кўй туфроғи худ тўтиё экан, билдим,  
Юзини ойинасидин кўнгулни тўтиси  
Ҳадис топти, фуруғи сафо экан, билдим.  
Амири ишқ не ҳукм айласа, ризодурмен-  
Ки, Мирий мулки ризо кимийё экан, билдим.

\*  
\* \* \*

Еди лаълинг бирладур кўнглумда айши жом Жам,  
Боғи шавқингни шамимидин эрур ноком кам,  
Сирри оғзингдин яқин хайлида беҳад ваҳму зан,  
Бир табассум бирла бердинг елға ул авҳом ҳам.  
Очмайин ораз ниқобидин, кўнгулдуру воласи,  
Ҳажридин васл ўлди ҳосил, еткуруру пайғом ҳам,  
Ул дилоромим, ажаб, тан ичрадур ороми жон,  
Гарчи бор ороми жон, жондин қилур ором рам.  
Боғи ҳуснунга кўзумни жўйборидур ариғ,  
Равза эрмас, чашмасиз қилмиш равон айём ям.  
Наргисингга садқа жоним, мағзи бодоминг тилаб,  
Наргис, ўздин кетма тур, ҳаддинг тутуб, бодом, дам.  
Оми лутфунгдин баса мамнуну миннатдормен,  
Эй баҳори илтифотинг элғадур инъом эм.  
Даҳр золи бевафо, топсанг ҳаёти Золи зар,  
Марг жомидин лабинг талх этгуси, эй Сом сам.  
Нангу номус, ибтилоси бирла Мирийдур асир-  
Ким, хижолат хаййиндин юз қилди бу бадном нам.



Ақлимни ёр олди, қилай кимга нолишим,  
Йўқ мунисим демакка, ўзум бирла қарғишим.  
Эй ҳажр, лутф айлаб, оёғига сол мени,  
Қилғил фидо оёғи учун, олғил олқишим.  
Киш бўрки эгри бошида, боқмас кишига ҳеч,  
Бу нотавонни ҳолидин айтурға йўқ кишим.  
Эй порсо, недин отасен таъна тошини,  
Таънингга ор менда, сенинг бирла йўқ ишим.  
Агёр умедим ўлса, етушмай муродима,  
Сенсен ҳама умедгаҳим ёз ила қишим.  
Кўюнгни туфроғини насиб айла ҳар нафас,  
Сарв қадинг хаёлидин эт нахли хоҳишим.  
Лаълиға захм бўса хаёлида срдди тиш,  
Мирий, қазо адиби суғурди магар тишим.

\*  
\* \* \*

Улус хуш, янгги ой ноз уйқудин абрусин этгач хам,  
Муборак тун, муборак кун, муборак соати байрам.  
Мени жонимға новаклар эрур ҳар лаҳза, ҳар соат,  
Ул ой байрам учун агёрлар бирла бўлур ҳамдам.  
Агар мен бўлдум ул ой воласи, айб этма, эй носих,  
Фалак ойн бўлуб ошуфтаси, тирнар юзин ҳар дам.  
Ўқунг оҳимга қувватдур, асо бемор топгандек,  
Ғаминг жонимға роҳат, ёраға қўйған киби марҳам.  
Кулуб жонимни олдинг, оллоҳ-оллоҳ, кулгулук бошим,  
Сўруб қонимни, тўкдинг шарбати лаълинг, очиб мубҳам.  
Қабои нозанинлиғ ичра раъно қоматинг якто,  
Ливои хўблиғда фарқи покинг шавкати парчам,  
Бошингдин ўргулай, бошингдин айлантур бу мунглуғни,  
Кўрунг, беморидин бу маънида ўргулса Мирий ҳам.

\*  
\* \* \*

Эй сарв, малолинг неча девоналиғимдин,  
Эл кулгуси бўлмоқлиғу афсоналиғимдин.  
Сен шамъға парвоналиғ этсам, ажаб эрмас,  
Ор айламагил қўп мени парвоналиғимдин.  
Мастона чиқиб, ноз ила сармаст келурсен,  
Не айб менинг телбау мастоналиғимдин.  
Ошиқлиғ агар журм эса, қоним биҳил этдим,  
Жон садқа санга, қўйма бу фарзоналиғимдин.  
Улсам сени ишқингда, равон кетса йўлингда  
Мирий, не дейин шавкати шоҳоналиғимдин.



Вой, бир шўхи ситамгар бевафодин доғмен,  
Бевафо, бедодгар, бир маҳлиқодин доғмен.  
Бўлмасун худ шиква, изҳори ниёзу ажз эрур.  
Нолалар айлаб десам, сен дилрабодин доғмен,  
Ғам юки қилмиш алиф қаддим камон янглиғ дуто,  
Тонг эмас, десам, париваш қоши ёдин доғмен,  
Асраёлмон жаҳд ила юзи қаро кўнгул, нетай,  
Жонға юз ғам солди, ул юзи қародин доғмен.  
Ғар жафо душмандин ўлса, жонға худ душмандур ул,  
Оҳким, мен зор ҳар дам ошнодин доғмен.  
Тиш тўкулди, лаззати неъмат ҳам ўлди бартараф.  
Нафсдин озурдау зўр иштиҳодин доғмен.  
Жоҳил ҳар иш айласа, жаҳлиға ҳамл имкони бор,  
Масканат қасрида шайхи порсодин доғмен.  
Ғар қазо қилмиш насибам, худ қазоға чора йўқ,  
Бу қазо шукридамен, ҳукми қазодин доғмен,  
Ағниё не қилса дунёлиғда улдур дастрас,  
Тугма тўнлик, сурма кўзлик бенаводин доғмен.  
Савми фарзи ҳақни савми қарзга айлаб бадал,  
Қурси маҳни қарз ўқуб, жинси дағодин доғмен.  
Турфа расми тозалар халқ ичра бўлмиш ошкор,  
Тугма таҳсин, баҳя чин, рангин қабодин доғмен,

Фўта зар, заррин камар гулгун бедов, олтун жилов,  
Киса холи, халқ молиға балодин доғмен.  
Қайси доғим сенга айтай, тушти доғ устига доғ.  
Гаҳ вафосиз ёрдин, гоҳи жафодин доғмен.  
Менда дунёлиғ ниҳоятсиз эрур камёб хор,  
Ганжлар омода қилган ағниёдин доғмен.  
Мирий, ўз ҳаддингни бил, мен доғ сендин ҳар неча,  
Тухмат истаб, дема, чархи бевафодин доғмен.



\*  
\* \* \*

Не ажаб, ул шамъи рухсоринг учун парвонамен,  
Уйла бепарвомен: ақлу ҳушдин бегонамен,  
Ҳар машаққат жонға етгай, шодмен жононадин,  
Ҳар балият етса жонондин, кўрармен жона мен.  
Қиблаи ҳожат қошинг, кўюнг десам байтул-шараф,  
Бўлмағил озурда, шавқинг бирла бас девонамен.  
Сухбатимдин ҳуш хайли ор агар қилмиш, не айб,  
Менда худ номус алардин бор, ажаб афсонамен,  
Гоҳ шаҳру, гоҳ саҳроға нишман айладим,  
Васлинг истаб, масканим обод, гаҳ вайронамен.  
Боғласам уммед сендин ўзгага, навмед ўлай,  
Ушбу паймонда ажалдин сибқарай паймонамен.  
Бок эмас, бебоклиғ азмиға Мирий қилса жаҳд,  
Сарви бебокимни кўргач, масти бебоконамен.

\*  
\* \* \*

Қариган чоғда бир маҳваш паривашни асиримен,  
Қариб бўлдим, қариб, бебоклар хайлини биримен.  
Қариб тан, суст эрур тоатга аммо журму исёнга  
Тавономен, шарорат аҳлини гўё далиримен.  
Эсиз, умр ўтти-ю етти ёвуқ муҳлаг замони, вой,  
Ёмонлиғ хайлини сархайли, нодонлиғ назиримен.  
Оқарди сочу тушти тиш, емак-ичмакда лаззат йўқ,  
Йигитлардин ҳамон шарманда, беномус пиримен.  
Йигитда ҳурматим йўқ, менда худ йўқ нангу ҳам номус,  
Хижолат мулкини шармандаси, мен жонини серимен.  
Йигитга суҳбатим ёқмас, йигитлар ҳолима боқмас,  
Буким шармандалиғ мулкини султонин вазиримен,  
Бу кишвар ичра гар султон эмон, бовар мунн қилким,  
Ҳама шармандалиғлар тахтгоҳи узра Мири(й)мен.

\*  
\*   \*  
\*

Ичимга тушди сонсиз дард маҳвашлар жафосидин,  
Қадимга тушти хам ул бевафолар қоши ёсидин.  
Юрогим ичра қондур, эй пари, лаъли лабинг кўргач,  
Қаронғу рўзгорим бўлди зулфунгни қаросидин.  
Латофат кишварини шоҳи сенсен, хўблар чокар,  
Муҳаббат водисини мен эрурмен мубталосидин.  
Муносибдурки, биздекларга эҳсонингни ёр этсанг,  
Мени саргаштадурмен баски кўюнгни гадосидин.  
Рақиби шумларни суҳбатиға борма, ўлтурма,  
Ҳазар қилмоқ ёмондин, яхшилиқ йўқ ошносидин.  
Алифдек қоматинг жон бўстони ичра жо тутмиш,  
Тараҳҳум бирла солғил кўз учидин, боқ қиёсидин.  
Даме лутф айласанг ҳолимга, эй озода, нетқунгдур,  
Қутултурсанг мени андуҳи фурқатни балосидин.  
Жудо сендин, нетай, эй сарв, бу фоний нашотини,  
Ғамим йўқ, васлинг ўлса, хонумонимни жудосидин.  
Умеди бодаи лаълинг била сархушдурур кўнглум,  
Сафо топти кўнгул миръоти рухсоринг ҳавосидин.  
Не боисдин мени қилдинг бу янглиғ ишқ расвоси,  
Ҳазар қил ишқ элин ўтлуғ дами бирла дуосидин.  
Наво бўстонида номи била Мирий наво топтим,  
Қутулдим, шукрлиллаҳ, қумрию булбул навосидин.

\*  
\* \* \*

Не тонг, гар озғурур ул сарв қадду гандумгун,  
Фироқ даштиға одамни солди гандум учун.  
Дема, недурки, равон бўйла таъби мавзунинг-  
Ки, чиқамиш нафасе ёди ул қади мавзун.  
Ғамингда етти фалакка егушти фарёдим,  
Бу — турфа, сен демадинг, кимдин ўлди бу шавқун?  
Ёвуқма ёнима, эй булҳаваски, куйдургай,  
Шарори оҳима ондин тамуғдурур учқун.  
Фироқ оқшоми кўз ашк ёмғурин тўккач,  
Булут эмаски, фиғоним фалакка солди тутун.  
Фидо гар айлади Фарҳод жону Ширин ҳам,  
Вафон Лайлига Мажнун қачандурур мамнун.  
Навойи шафқати, Жомий ҳимоятиндур-  
Ки, хома Мирийни девонида ёзар мазмун,

\*  
\*   \*   \*

Менга боқғач парируём ғазабдин,  
Улус ташларлар ўзни ўнгу чапдин.  
Хаданги нозиға ким бўлди қурбон,  
Ҳинно қон айлар илкига тарабдин.  
Ялай холи лабинг: бежо тушубдур,  
Еридур нуқта охир тушса лабдин...  
Кўнгул бетоби ишқичг, тоб кокул,  
Айирма гарданим бу тобу табдин.  
Дедим:— Қасдимға ёлабсен ўқунгни,  
Деди:— Ул захмға дору бу лабдин.  
Риёлиғ шайх суннатдин дам урғай,  
Адаб шартида ғофил мустаҳабдин.  
Тиларсен дўст, ўзлук қайдидин ўт,  
Кўнгулни равшан эт шамъи адабдин.  
Ману мо бутларин, Мирий, ушотғил,  
Эшит пандим бу байти мунтаҳаб дин.

\*  
\* \* \*

Айладим мунглуғ кўнгул ҳолаш ба он сиймин бадан,  
Аз сари нозу итобам гуфт:— Мунглуғ санмусан?  
Дедим:— Оре, мен эрурмен хаста аз бедоди ту,  
Гуфт бо сад ноз:— Озорингни мен қилдим қачан?  
Дедим:— Эй ширин зақан, имрӯз коми дил бидеҳ,  
Аччиғ-аччиғ заҳрханд айлаб бигуфто:— Дам мазан.  
Гуфтам аз жаври ту омад жон ба лаб, ўлгум яқин,  
Гуфт: Боке нест, ҳозирдур сенга гўру кафан.  
Гуфтамаш:— Мирам, маро гўру кафан ҳожат эмас,  
Итларинг олдиға сол, аз ман маранжон гўркан.  
Шарбати жондин эрур ширин лаби ширини ту,  
Кўҳи ғам қазмоқни аз ман ёд гирад Кўҳқан,  
Сарви қаддат ҳар ки бинад, тубийға солмас назар.  
3-оби ҳайвонаш намеғўяд сухан лаълинг сўран.  
Сабзаи хат аст гирди чашмада ё сабзалар,  
Ё ба гулзори жамолат барг очмиш ёсуман?  
Гуфтам:— Эй, зулфи ту савдойи қилибдур хотирим,  
Гуфт:— Танҳо нести, савдозадамдур минг туман.  
То кужо хоҳам кашид ишқингда меҳнатлар?— делим,  
Гуфт:— Шарти ишқбоз ин аст, бўлгил мумтаҳан.  
— Риштаи зулфингмудур, жони маро занжир кард?  
Гуфт:— Бар жони ту қуллоби муҳаббат; йўқ расан.  
— Оғзинг асрорида музтармен, чунон ёбам нишон?  
Деди:— Бу сирдин Масиҳо ҳам немеғўяд сухан.  
Турку тожик ишқингга ошуфта, чун шарҳаш кунам,  
Телбалардек Мирий ҳам гаҳ турку, гаҳ тожик даҳан.

\* \*  
\* \*

Не дилрабо, не ажаб сарв қад санавбарсен,  
Не нозанин, не ажаб нахли нозпарварсен.  
Кўруб қадингни таҳайюрда боғбон айтур:  
Қаю чаман гулисен, жон билә баробарсен.  
Малохат авжида эъжози ҳусн кўргуздинг,  
Хати — Хизр, лаби — Исо нафас паямбарсен.  
Фидои риштан зулфунгга торп жоним этай-  
Ки, руҳбахш, не хуш кокули муанбарсен.  
Нетай, не чора қилай, кимга сендин айлай дод,  
Бу нозанинлиғ ила не бало ситамгарсен.  
Риёи зарқ била шайх елга берди вараъ,  
Сўзум агарчи қатикроқ етар, не нархарсен!  
Бошингни ерга солиб, эл фирибини ўйлаб,  
Фусуну ҳийла учун не бало фусунгарсен!  
Либосин оқ этиб, кўнгли тийра тундин ҳам,  
Фусуну ҳийла била тил чиқарган аждарсен!  
Замона шайхларидия ториқти хаста кўнгул,  
Қазога сабр қил, эй Мирийи муҳаққар, сен.

\*  
\*   \*  
\*

Даҳрдин озурдамен ҳам нафси нофаржомдин,  
Халқ мендин — мен бағоят музтариб айёмдин.  
Суҳбатимдин ҳеч кишига етмагай хушнудлиғ,  
Ончаким учқун киби қочгай мени бадномдин.  
Сўзласам, мақбулу мардудниға эл солмас қулоқ,  
Балки ёлқитгай қулоқимни улус дашномдин.  
Тилда ёлғон ваъда — қўнгида туман минг ибтило,  
Аждари афсун бари бемарҳабо пайғомдин.  
Мен алардин ҳам алар мендин эмас масруру шод  
Бир мадоро шарти деб, комим тилар нокомдин.  
Нафъи дунёлиғда бўлмиш дўстлиғ сармоysi,  
Гар Азизи Мисрдин сен, тийра юзсен Шомдин.  
Ё раб, ўз лутфунгни мунис қил ғариб аҳволима-  
Ким, бу ёлғузлуғда ёрим айла лутфи омдин.  
Вой, бу давронки, номардумлиғ ўлмиш одати,  
Қўрсатур оғози мардумлиғни ноанжомдин.  
Неча гардундин фиғон этмакки, кажрафтор деб,  
Ҳар жафо Мирийға воқеъ оҳи беҳангомдин.



\* \* \*

Келса ёри дилнавозим, тер оқиб рухсоридин-  
Ким, хабар олмоқ учун мен хаста ҳоли зоридин.  
Бодбезимдин ани рухсориға етсун насим,  
То насиме етса мен маҳзунға мушкин торидин.  
Бодбез айлай сенга мижгонларим келсанг агар,  
Риштаи ул бодбез айлай яна жон торидин.  
Ваҳ, нечук ёлғон дейниким, хокрўбингдур сани,  
Телбараб сўзлар деюрмен шавқини бисёридин.  
Гарчи озор ўлди ишқ аҳлиға андин ҳар даме,  
Етмасун, ё раб, анга бир дам жаҳон озоридин.  
Икки оламда висолингдур манга мақсуду бас,  
Варна ғам йўқтур менга бу даҳр йўқу боридин.  
Ёр васлини топиб, айшу нашот айлар неча,  
Дарду ғам олмишму Мирий ишқни бозоридин.

\*  
\*   \*  
\*

Истамон бир ўзга ёре, ҳар неча ночор мен.  
Ҳар неча ночор мен, сенсиз демасмен. ёр, мен.  
Сендин ўзга истасам дилдор, ўлай ғамхорсиз,  
Ёр, сендин ўзгани десам, ўлай ғамхор мен.  
Ёр сен, дилдор сен, ғамхор сен, будур сўзум,  
Бу сўз ила турмасам, ғамдин ўлай бемор мен.  
Ҳарзахўликда такаллум ғайрдн қилсам ҳадис,  
Илтифотинг кесма, андин айлай истиғфор мен.  
Ўзгадин уммед қилсам, лутф этиб навмед қил,  
Яъси дилни раҳбарим қил, то билай ағёр мен.  
Нотавон жонлиқда гаҳ-гоҳи қилур нафсим ғурур,  
Лутфунг ул дам ёрим эттил, то бўлай ҳушёр мен.  
Зор мен ҳам хор мен, гар бўлмаса лутфунг рафиқ,  
Бўлмас ар лутфунг рафиқим, зор мен ҳам хор мен.  
Ҳар неча мен жаҳд этсам, нафсни жаҳди фузун,  
Нафс илкида асиру мубалою зор мен.  
Нафс туғёни элимдин олди нақди ихтиёр,  
Ҳар ёмонлиғ, ҳар табаҳхўлиқлар ичра бор мен.  
Ҳайф, нодонлиғ аро кетти тавонолиғларим,  
Кетти қувват, тушти тиш, ҳоло табаҳ кирдор мен.  
Лутф агар сендин эмас, не дей забун аҳволима?  
— Мирийн музтар, бадахтар, хирасар, бадкор мен!

\*  
\* \* \*

Қасри гардунда қуёшдур, дема, олтундин лаган,  
Хони шафқат меҳмон олдиға тортар ҳар қачан.  
Ой эмас, гардун аноси тутмиш эмчак миҳрини  
Тифли мавжудот огзиға қарам пистонидан.  
Анжум эрмас, тугмаи шафқатдурур зинат учун,  
Тунни мовий хилъатин айларга зеби анжуман.  
Субҳ эмастур, тийра тун ранжини нобуд этгали,  
Чодари зулматни йиртиб кўрсатур кофур тан.  
Сабза эрмас, сабзхатларни олиб ер қўйниға,  
Тил чиқорур гоҳ гул, гоҳ сабза, гоҳи настаран.  
Нилуфар гул дема, ер мотам либос айлар аён.  
Неча барноларки ер тутмиш, бўлуб хушин кафан.  
Лола эрмас, лола рухлардин нишоне кўрсатур.  
Даҳр золи деб: вафосизлиқда бас мен мумтаҳан.  
Қаҳқашон эрмас, фалак жайбиға тушмиш чоклар.  
Ким, қуёши ерга киргач, пора этмиш пираҳан.  
Кечалар учқун киби гўё фалак анжум сочар,  
Ҳодиса тоши ёғар оламга гардун томидан.  
Булбул эрмас, нағмаи шавқингни оғоз этгали,  
Нола айлар гулшан ичра қумри бўлсун, гар заған.  
Шохи гулга бу тароват боғбондинму эмас?  
Найшакарга нўши лутфингдур, шакар боғлаб тикан.  
Чашма эрмас, дийда гирён ишқ аҳлин ҳолиға.  
Гоҳ ширин, гоҳ ачиғ тутмиш азои кўҳкан.  
Кибриён ҳазратингға хурдадонлар етмагай,  
Мирийи нодонға бу даргоҳ нечук бўлғай ватан!

\*  
\*   \*  
\*

Қаро кўзум, келу кўз мардумида айла ватан,  
Кўзумни мардумисен, мардумак сенга маскан.  
Кўзумни мардуми мардумлиғ айлабон изҳор.  
Гуҳар ериға сочар ашкини, чу дурри Адан.  
Паривашим кўру Лайли юзин тамошо қил,  
Фироқ даштида Мажнун демиш мени кўрган.  
Сочингни ҳалқаси Мочин юзиға солмиш чин,  
Шамими нофасидин мунфаил Хитову Хўтан.  
Аласт оқшоми шарти вафо — ҳадиси балн,  
Бало чу сендин эрур, боғи шавқ очти суман.  
Жалоли кунгири зотингға ақл эрур ожиз-  
қи, шамъ нисбати парвонаға эмас равшан.  
Фуруға ҳуснини ойинаси паривашлар,  
Сафои файзини осоридин ёриб гулшан.  
Санамни саждасин айларга кимки эгмиш бош,  
Самадни жилваси солмиш санам юзиға шикан.  
Кўзумдадур қаро сувлар, қаро кўзунгни тилаб,  
Буким кийиб қаро бўркингни, эгри қўймишсан.  
Қаро-қаро варақи ҳуснинг узра тушмиш хол,  
Еридурур яласам, хатға бир нуқат аҳсан.  
Пари рухумни дединг, Мирий, ҳусн аро ками йўқ,  
Бале, сўзунг ками кўбтур, эрур бу важҳи ҳасан.

\* \* \*

То чиқаргач аждари кокулларин қалфоғдин,  
Хусни ганжи забтиға тушти йилоне тоғдин.  
Эл кўзи ул аждар афсунин тафаҳҳус айлагач,  
Телбалардек ҳар сари борди, чиқиб қишлоғдин.  
Бормоғим кўюнгга бесомон кўнгулдндур, нетай,  
Аҳд бармоғин тутуб, ҳеч қолмади бормоғдин.  
Эй муаллим, ҳарф кўрсатмай тараф туштунг маъга,  
Тифли нодонимни безор айлама шаллоғдин.  
Мардуми кўз дарси шавқингда гуҳар ериға ёш  
Сарф этар, инжилма муллобаччан қашшоғдин.  
Бир алиф таълимин этмай, алфдин сарф ўргатур,  
«Бе» га бормай, «те» тили ой кўрсатур тирноғдин.  
Менки худ девонадурмен, соғлардин ҳол сўр,  
Телбалик қонунин истарсен, бориб кўр соғдин.  
Раз қизи гар мастлиқдин элни маст айлар, не тонг,  
Турфа буким, лутфи кўрсатгай шакар ёнтоғдин.  
Маърифат маъзиға тоши сидқ илкиннга керак,  
Маъзи маъни бемашаққат чиқмағай янғоқдин.  
Соч оқардию кўнгулни зулмати аммо фузун,  
Доғлардур хотири афгор аро бу доғдин,  
Булбули жон гулшани шавқинг нишиман айлагач,  
Мирий янглиф қатъи уммед этти сайри боғдин.

\*  
\* \* \*

Хушмен, ҳар неча етар жавру жафо ёримдин,  
Ўзгани лутфича бор жавр ситамкоримдин.  
Ҳар не сендин эса Мансури ризодур кўнглум,  
Хуш думоғ айла мени, қўйма хижил доримдин.  
Мену ҳар жинс ғаминг, жонға етар судимдур,  
Қилма кам ҳар неча бор қофиласолоримдин.  
Панд эшит, берма кўнгул маҳваши бозорийға,  
Ед ҳеч айламагай хотири бозоримдин.  
Кўзларим сочти сиришкини ғубори раҳингга,  
Қилма қатъи назаринг бу дурри шаҳворимдин,  
Ишқ бозорини савдосиға кўнглум мойил,  
Кўргали тутма дариғ улча харидоримдин.  
Бору йўқим берайин, ёди висолинг айлаб,  
Муддао васлидурур, Мирий, йўқу боримдин.

\* \*  
\* \*

Не деб нопослик қилсун кўнгул, онинг гадосимен,  
Бихамдиллаҳ, наво хайли ичида бенавосимен.  
Ити сониди жо топсам, эрур бу рутбаи фойиқ,  
Ани кўйида итлий, етти кишвар подшосимен.  
Сочинг шоми муродим, субҳи рухсорингга йўқтур сўз,  
Қошинг меҳробига кам нақди жон, қилсам баҳосимен.  
Эсиз, умрингки, зоҳид, сарф қилдинг зуҳди яғмоға,  
Ўзунг инсоф қил, бу хайлни ошуфта росимен.  
Харобот ичра жамъи риндлар солғач алолони,  
Фалакка шўриши афғон солур, онинг фидосимен,  
Ани шавқида ўлсам, итларига туъма тан айланг,  
Қафан ҳожат эмас, бори шаҳиди қоши ёсимен.  
Ичиб соғарни тутгач, муғбача қутқарди ўзлукдин,  
Сен, эй зоҳид, дема, бу йўлни шайхи порсосимен.  
Бақо мулкини истарсен, қутул ўзлукни қайдидин,  
Фано бўлмай, дема, шойистаи мулки бақосимен.  
Вафо туфроридин Мирий кўзига тўтиё истар,  
Жафо ҳар неча сендиндур, ани соҳиб вафосимен.

\*  
\* \* \*

Ярашмиш не ажаб ул юзга зулфи анбарин, таҳсин,  
Назокатлиғ юзингда тушти чин устиға чин, таҳсин.  
Назокат баҳридурсен, нозанинлиғда мусалламсен,  
Латофат бўстонисен, бўлубсен нозанин таҳсин.  
Кўруб ҳуснунг парилар, офарин дер хатту холингга,  
Ажаб йўқ, деса хомам васфингга, ноз офарин, таҳсин!  
Кўнгулда доғи шавқинг хотами муҳри Сулаймоним,  
Вухуш аҳлиға мажнунлиғда мен соҳиб нигин таҳсин.  
Дединг:— Чин ошиқимсен, сўрмадинг ҳолимни ёлғондин,  
Не муҳлик ибтилоға солди бу ёлғону чин таҳсин.  
Кунум тун бўлди, тун нобуд ҳижрон ибтилосида,  
Хирад барбод бўлмиш, қолса эмди нақди дин, таҳсин.  
Жунун даштида бир Лайливаше ақлимни совурди,  
Ҳазин Мирийға юз ошуб ародур мунча кин, таҳсин,



\*  
\*   \*  
\*

Оғзингни нистасида шақкар нисор кулгу,  
Ё қоматинг ниҳоли очмиш баҳор — кулгу.  
Гулбарги оразингни юз ранг жилваси бор,  
Ё кўрсатур бу хислат боғи узор, кулгу.  
Шаҳди такаллумингни оби ҳаёт ким дер,  
Жоҳил сўзи кетургай беихтиёр кулгу.  
Жоми табассумингни кайфиятига қулмен,  
Тут шарбати лабингдин, мен бас хумор, кулгу.  
Кулгу қил, эй шакарлаб, бемори ишқларга,  
Доруи себи ғабғабдур интизор, кулгу.  
Хушдур лабингда кулгу, ноз уйқуси кўзингда,  
Мен кўздин очиб уйқу, бўлсам дучор, кулгу.  
Эй шайхи порсоваш, кулгу ҳаром дерсен,  
Куфри ниҳон, ҳалолинг, де, қанча бор, кулгу?  
Зоҳид риёий зуҳдин ринд аҳли билди ўхшар,  
Булғаб ридони майға, қилмиш қатор кулгу.  
Кулгач аруси дунё, алданма кулгусиға,  
Чандон эрур вафосиз, нопойдор кулгу.  
Маҳбуби порсодин пайғоми жон — шакарханд,  
Маъшуқи беҳаёдин дўзах шарор кулгу.  
Гулғунчадек лабингдин изҳор қил табассум,  
Мирийни завқи ортар, бу эътибор кулгу.

\*  
\* \* \*

Бир илки сунбулида, бир илкида нозбў,  
Боқмас асирларга, дегил, қайси ноз бу?  
Лаълида нозбў киби саф тутти хатти сабз,  
Гўё ҳаёт чашмаси кўрсатти нозбў.  
Етти қаламрав ичра юрутмиш ҳукуматин,  
Иқлими ҳусн ҳокими, қайси уёз бу?  
Даъвни ишқингга неча бемаҳзар ўлтурай,  
Очғил узор маҳзариниким, саёз бу.  
Қамту келу ўтур ёнима шаръи ишқда,  
Икки кўзунг гувоҳ қилай, ҳаққи фароз бу.  
Гар кўзларинг гувоҳлигин айласанг қабул,  
Жоним фидо қабулиға, айлай ниёз бу.  
Ҳукм этки, ишқ аҳлини қонидурур ҳалол-  
Ким, дини ишқ ҳукмиға жон берсам, оз бу.  
Жон ўйнамоқ бу жодани эрмиш таҳорати,  
Номус ташла ишқда, эрмиш намоз бу.  
Гар истасанг ҳақиқати матлаб тариқатин,  
Кўзгуға кўрма ўзники, фикри мажоз бу.  
Ҳар дилнавоз ишқига алданма, йўқ вафо,  
Ҳар дилнавоз қайда эрур, дилнавоз бу.  
Гар нозбўға Мирий, нетонг, боқмамишким, ул  
Хуш айламиш димоғини бир сарви нозбў.

\*  
\*   \*  
\*

Қоматинг нахлиға ўхшатмиш ўзин озода сарв,  
Рост қолмиш лей аросиға тушуб афтода сарв,  
Рост қаддингда малоҳатлар ниҳоятдин фузун,  
Ул яғочедур самарсиз, деса бўлғай, хода — сарв.  
Гунчай оғзингдурур ул нахлини гулғунчаси,  
Нуктаи шаҳди сўзингдиндур, баса бевода сарв.  
Оразинг ул нахл кўрсатган гули раъносидур,  
Мунча хўблур бор қадингда, улдур аммо сода сарв.  
Сарв қадларни сенга ташбеҳ этарлар, басдурур,  
Рост айтай, бил ўзунг қаддингни, тутғил жода, сарв.  
Қоматинг нахли ушотмиш сарвлар бозорини,  
Боғбон бедодидин гўё келибдур дода сарв.  
Телба Мирий телбаликдин ҳар на айтур, топма ранж,  
Қоматинг фикрида таскиндур дили ношода сарв.

\*  
\* \* \*

Гул эмас, нуктаи ниҳондур бу,  
Гулрухимдин магар нишондур бу,  
Гунча эрмас бу нусхаи мавҳум,  
Ер оғзиъ гули, аёндур бу.  
Зулф даври рухингда ҳалқаму ё  
Ганжи ҳуснунг уза йитондур бу.  
Сарв қаддингга тенг эмас, аммо  
Деса шамшод қад, ялондур бу.  
Оразинг Қаъбасиға меҳробинг  
Тоқи абруси имтиҳондур бу.  
Сафи мижгон хаданги ноз чекиб,  
Ул алиф жойи анга жондур бу.  
Жоним айлай ҳадаф камонингга,  
Қўйма муҳлатга, бадгумондур бу.  
Ҳажр шомию кокулунг қароси  
Гўйё тифли тавъамондур бу.  
Турфа жаллодсен ситамгора,  
Лутф қил, Мирийи нотавондур бу.

\*  
\* \* \*

Чиқса гулгун хилъат айлаб, ул бути гулгун жилов,  
Остида гулгун бедов, илки тутуб олтун жилов.  
Фили гардун паст аёғиға бўлур гулгунини-  
Ким, қуёш қуллар қаторида тутар ҳар кун жилов.  
Фўтаси гулгуну устиға кийиб гулгун либос,  
Чеҳра гулгун, бода гулгун, маст ўзи, мафтун, жилов.  
Чиқти ул Лайливашим сархуш сабуи ноз ила,  
Эй хирад аҳли, чиқинг йўлдин, келур Мажнун, жилов.  
Ашҳаби шеъримга эргашмакға нодонға не ҳад.  
Чиқма ўтру, тутмагил, эй фикри номавзун, жилов.  
Гоҳ кўзни садқасимен, гоҳ қаддин воласи,  
Табъи гулгунимға гоҳи қошидур мазмун, жилов,  
Шавқ толиб, ишқ ғолиб, телбадин сўрманг уёт,  
Бошқарур ҳар ён жунунда Мирийи маҳзун жилов.

\*  
\* \* \*

Десам ҳажр ўртади, кўнглум дегай, ошиқға мансуб бу,  
Десам мижгон ўқидин ранж топтим, дерки, матлаб бу.  
Гажакму деб, буноғушида зулфидин гумон этдим,  
Кўнгул сайдиға, дер, шаҳбози ҳусн илкида михлаб бу.  
Десам наҳли қадингда очти гул себи занахдонинг,  
Кўнгуллар Юсуфин беркитгани, дер, чоҳи ғабғаб бу.  
Десам авроқи ҳуснунг узра хат, холе ярошибдур,  
Дегай афлоки рухсоримда мушкинфом кавкаб бу.  
Ҳаёти тоза топтим, ёди лаълинг айлагач кўнглум,  
Десам ҳайвон суйидинму экин, дер, шаккарин лаб бу.  
Яшил янглиғ ўтуб, бағримга доғ устига қўйдинг доғ,—  
Десам дер, доғ эмас, кўксунгга қўйган наъли маркаб бу.  
Китоби ҳажру ғам авроқида бас музтариб жонмен,  
Бу ранжи номукаррар фаҳм этолмас тифли мактаб бу.  
Тилаб йўл ишқ маънисига, аҳволимни фош этдим,  
Деди, жон ўйнамоқ ёр оллида, ваҳ қайси мазҳаб бу:  
Хабарсиз шайх ишқ асроридин таънимға тил очғай,  
Башар хосиятидин беҳабар, бебаҳра тавлаб бу.  
Юзингда қатра-қатра сувмудур, Мирийга изҳор эт,  
Деди ҳуснум урарда жўш, зоҳир айлаган таб бу.

\* \* \*

Ушалким қасди жоним этти жононимму, жонимму,  
Бўлурға тоза жон эски тан ичра меҳмонимму?  
Муяссар фатҳу нусрат дори хўблиғ қасрида мансур,  
Малоҳат маснади авжида шўҳи комронимму?  
Жафо ҳар неча қилсанг, роҳат анлар жони беморим,  
Чу ғам сен ёрдин ишқ ичра топган иззу шонимму?  
Яқин ўлмакға етдим, ҳажру ғам қилмиш ўлум ҳолат,  
Бу янглиғ дард аро овора жисми нотавонимму?  
Бало майдонида туфроғлар қўзғалди ҳар сори,  
Туман ошуб аро саргашта жисми бенишонимму?  
Узоринг боғи ҳуснунг хирмани юз ранг гул очти,  
Суғормоққа ариғ кўздин оқузмиш деҳқонимму?  
Кеча тонг отғуча кўюнгда ёлбордим, фиғон тортиб,  
Демассен, ошиқи бечора Мирийи ёмонимму?

\*  
\* \* \*

Кўзларим даврига мижгондин ясаб мен панжара,  
Узгани ҳуснини истаб, бўлмайин деб масхара.  
Хўблар базмин саросисен саройи даҳр аро,  
Дилраболарни саросар ҳар неча қилдим сара.  
Еш йигирма, юз йигирма ёшлар индурди бош,  
Миср Азизи хирмани ҳуснунгга бордур посара.  
Қасри васфингга етушмас ақл, бас бордур рафнъ,  
Мидҳатинг шарҳида ожиздур бу килки қосира.  
Дарбадармен боғи васлингни тиларда ою йил,  
Телбалардек гоҳи гулшан сори боргум, гаҳ дара.  
Фўтаи шавқинг тутуб, ушлай яланг бош олдинга,  
То белинг боғлаб, баногаҳ сунсанг илкинг ханжара.  
Фўта гулгун, чеҳра гулгун, вой, ғурбатлиғ бошим,  
Эй ҳимоят хайли, шафқат кўргузунг бу музтара.  
Ғурраи ҳуснунг ҳилоли бошима солмиш ғурур,  
Эй ҳилол абру, ниқоб оч, жонга қўйдунг ғарғара.  
Ишқ таъмири учун Миррий тилар меъморлик,  
Шавқ қасрига фигон тарҳидин истар кунгура.



\*  
\*   \*  
\*

Уч ой ўтуб кўзима тушмамиш бир ой мени,  
Магарки ҳабсга ишқ этти ҳукм уч ой мени.  
Бир ой фурқати бирлан уч ой ўткардим,  
Ажал ҳам этмади ҳолимга лутф, вой, мени.  
Уч ойдурки, кўзум тўрт эрур бир ой учун,  
Боқармен олти жиҳат, етди олти ой мени.  
Фироқ уч куни уч ой ғамидин афзундур,  
Десам не айб, ғамимдур ул икки ой мени.  
Вафо чу сенда йўқ, эй бевафо, саломат бўл,  
Ғариб ҳолима раҳм айласун худой мени.  
Қачон куч ила кўнгулни ғамингга топшурдум,  
Юзунгни Каъбаси худ қилди жабҳасой мени.  
Жафо ҳабибдин, оре, вафо сулукига хуш,  
На мунча зулму ситамдин қилиб гадой мени.  
Жунуни шавқ била қўрқарамки, тортиб оқ-  
Қи, телба хайли аро солса ҳўю-ҳой мени.  
Нетай, не чора, ёзилмишму килк тақдири-  
Қим, ишқ арсаси ичра берурга жой мени  
Яқинки, оҳим ўти дуд чекса гардунга,  
Ҳазар қил, айлама кўп мунча телба рой мени.  
Юзингда ҳусни азал тобидин топиб Мирий,  
Бу кўзгу тўтидек этмиш ғазалсарой мени,

\*  
\*   \*  
\*

Лабингни тишладим, эрди кўзунгда уйқу сени,  
Боқиб дер ачиг-ачиг ул санам:— Сениму сени!  
Дедим ёнида ани ёлбориб:— Дегил гунаҳим,  
Деди:— Бало етурур хаста жонингга бу сени.  
Дедим:— Нетайки, муяссар бировга айлаб ганж,  
Не навъ асрағай оғзи арода кулгусини.  
Дедик, ишқни сиррига тан эмас маҳрам,  
Ул эрди Қофи бало узра, тутти кўзгусини.  
Дедимки, ишқ аро шарманда боши тутмиш ер-  
Ким, айна ишқ узра топтим кўзунгни жодусини.  
Деди: — Вафо қуши ноёб ишқ Қофида,  
Кўзингга солмадим кукулум қаронғусини.  
Дедим:— Сочинг юзинг устида риштаи меҳрим,  
Очибмудур қаро бахтим солурга ёғдусини.  
Бошига эгри қўюб бўркин ул санам чиқғач,  
Қуёшидин кўз очиб чарх,— у тутти тулкусини.  
Дедим:— Не завқ эди, бўлсам тишинг дуррига фидо,  
Деди:— Ахир етар бошинга бу инжу сени.  
Деди:— Ерига қўй ул бўсан занахдоним,  
Даме қўй, эй ажал, айлай адои ёрғусини.  
Қазо тишингни суғурмиш тиларга подошин,  
Кўзиға Мирий қилибсен ҳаром уйқусини.

\*  
\*   \*  
\*

Чу ёр ёрим эмас, ёрсиз диёр нетай,  
Жаҳону аҳли жаҳон бўлса тору мор, нетай.  
Нигору ҳушдин ўлдум йироқ, нигор тилаб,  
Жунун овут ўзингга, ҳуши бенигор нетай.  
На хонақоҳ, на майхонадин очилди мурод,  
Қаро кўзум гар эмас, кулбаи хаммор нетай.  
Фигон кўп айлама, мутриб, қулоғима ёқмас,  
Чу дарди ёрсиз оғзингга ёр-ёр нетай.  
Насиҳат аҳли тутуб мўътабар ўзин, дер панд,  
Амома зинатиға худ йўқ эътибор, нетай,  
Замона шайхларин зеби гирудорига боқ,  
Фано тарийқида бесарфа гирудор нетай.  
Хулоға шукр, очилди мурод Мирийға,  
Фидоси бору йўқумдурки, йўқу бор нетай.

\*  
\*   \*  
\*

Кокулин қатъ этти, ҳуснин қилгали гўё пари,  
Шамъ учин кесган киби бўлмиш жамолоро пари.  
Хўблиғда сарв қадлар ичра истисно эди,  
Қилди мустасно мени ҳажрида мустасно пари.  
Ишқ илмидин хабарсиз эрди шайхи порсо,  
Айлади расво улусға шайхни мулло пари.  
Қилди тасбиҳу мусаллосини зоҳид майға раҳн,  
Бир табассум бирла май тутгач қадаҳ паймо пари,  
Нозанинлар зеби ул зебо пари рўюмдурур,  
Оллоҳ-оллоҳ, ул сиҳи қад кўрсатур зебо пари.  
Бўлмағай зоҳир пари хайли башар авлодиға,  
Эй мусулмонлар, чиқибдур қасдима тарсо пари.  
Эй пари, мен телбага заҳмат учун кўп чекма ранж,  
Ул парихонимни кўрсанг, бўлғасен шайдо пари.  
Бир пари савдоси қилмиш жон қушин беболу пар,  
Айрилиб болу паримдин, қилмишам савдо пари.  
Тўтти табъимға кўзгудур юзи ойинаси,  
Мирий килки не ажаб булбул наводур, ё пари!

\*  
\*   \*  
\*

Кеча ўтру бир санама келиб, ватанимни жилвагар айлади-  
Ки, висол шамъини ёрутуб, қаро шомими саҳар айлади.  
Яқин эрди ҳажрида ўлмагим, ўларим замони етушти ёр,  
Лаби хизри хатти нажот очиб, рақами вафо магар айлади.  
Юзи шарҳи хома айирди тенг: бош — аёғ, аёғ бошин этса ҳам-  
Ки, қазо адиби этиб нигун, юзиға қаро асар айлади.  
Кўзи фитна фитнага кўрсатур, сочи ҳалқа ҳалқага ўргатур,  
Мени фитна, ҳалқага банд этиб, нарироқ туриб назар айлади.  
Не дей, ул ниҳол камолға ярашур, ниҳоли — камолға,  
Кам эрур жаҳон хату холиға, қади нахли бу самар айлади.  
Гуҳариға жавҳари жон садаф, мижаи новакиға кўнгул ҳадаф,  
Ани баҳри шавқида бу шараф менга бас, қабул агар айлади.  
Тиши дурридур дурри бебаҳо, дурри бебаҳосиға жоп баҳо,  
Не баҳо дурр, анга ҳариф ўлуб, дурри жонидин гузар айлади.  
Қоши эгрисида эгилмишам, не ажабки, тоқи мурод эрур,  
Бу ҳарам умеди сужудида кўнгул ўзни дарбадар айлади.  
Бошим ул санамни фидосидур, кўнгул ўйла они ҳавосида-  
Қи, камина Мирий гадосидур, бу карамда муфтахар айлади.

\*  
\* \* \*

Сабо, еткур мени жонимға ҳайронлиғ паёмимни,  
Тамом айғил ани олиға шавқи нотамоимни.  
Ер ўпгил, тур йироқроқ, бандалиғда кўргузуб одоб,  
Ани кўйидағи итларга еткурғил саломимни.  
Деса ким, сен дегил, бир нотавон жондин паёмим бор,  
Мураххас айласа, изҳор қил ўтлуғ каломимни.  
Йиқил кўйини тупроғиға, бош қўйғил аёғиға,  
Ҳама нокомлиғлар ичра зоҳир айла комимни.  
Бир айтиб қўйма, қайтиб-қайтиб изҳор эт ёмон ҳолим,  
Вале озурда қилма хотирин ул некномимни.  
Дегайсен, бир ғариби мустаманде саъб ҳолатда,  
Қоронғу рўзгоримни, аён эт тийра шомимни.  
Шикор этмак учун ўтгач, яшил янглиғ етуш сен ҳам,  
Йўлида хоки раҳ бош айлаин гулгун хиромимни.  
Ризо, не келса сендин, хотиримда улдур уммедим,  
Сенга топшурмишам ҳар ишда нақди эҳтимомимни.  
Ўтуб йиллар, саҳоби шафқатингдин шоду мамнунмен,  
Тилармен: оқибат маҳмуд қилсанг моҳи оимини.  
Узоринг — Каъба, холингдур ҳажар. ўпмакға ҳаддим йўқ,  
Йироқдин телмурур кўз, айла мақбул истиломимни.  
Агар ўлсам йўлунгда Мирийи мулки бақо топғум,  
Бу маъни бирла шояд ёзған ўлсун нақши номимни.

\*  
\*   \*  
\*

Фироқ маҳкамаси фитна бирла топти ривож,  
Бақони раҳравидурсен, фано фазосига қоч.  
Ерилди хома тили шарҳи иштиёқингда,  
Кўзумни қон ёшидур арзи ҳол учун тилмоч,  
Лабингни қанди учун божгирмен, не ажаб,  
Табассум айлаки, қанду шакарға чиқмиш бож.  
Юзунгни машғаласи ланфаи муродимдур,  
Ерут кўнгул уйини, бурқаъингни юздин оч.  
Кўнгул зироатига кокулунг танобин сол-  
Ки, деҳқони ғамингмен, эрур бу расми хирож.  
Нетай, не чора қилай, тилі роф пайғомим  
Етушмади: неча оҳим йўлунгда қурди ёғоч;  
Кўнгулни шишасига сими меҳринг этдим рост,  
Паёму нола таноби эрур қулоч-қулоч.  
Ҳарими Қаъбаи кўюнғадур кўнгул фофур,  
Шарори шавқ била толпинай начук ҳажжож.  
Фироқ шомида шавқинг йўлида оҳ чекиб.  
Ерутдим олти жиҳат ланфани ерида сирож.  
Насорий насрни дини учун чолур ноқус,  
Тарийқи ишқда афғону ноладур минҳож.  
Физои васлингта очкўз гар ўлдум, айлама айб,  
Кўз оч, бу Мирийи маҳзундурур, басе кўзи оч.

\*  
\* \* \*

Эй нутқи руҳпарвар, чарх иқтидор қилдинг,  
В-эй килки шаҳду шаққар, дурлар нисор қилдинг.  
Лафзига вола жонлар, не жонки хурдадонлар,  
Ҳар рамз ичра конлар, соҳиб иёр қилдинг.  
Ҳар мисраъи мусалсал, ҳайвон суйи оқиб бал,  
Ҳар байтида мукаллал гавҳар қарор қилдинг.  
Жонони табъи мавзун, қилсун худо муборак,  
Саргашта минг Фалотун, сеҳр ошкор қилдинг.  
Ваҳ-ваҳ, не сеҳру эъжоз, ҳар бир сўзингдин оғоз,  
Бўлсун Масиҳ дамсоз, ғам тору мор қилдинг.  
Етгач бу сафҳаи шавқ, тан топти руҳи тоза,  
Келгач бу муждаи завқ, беихтиёр қилдинг.  
Найлай, нетайки, тақдир кўп қайд ичида занжир  
Қилмиш, йўқ анга тадбир, ошуфтавор қилдинг,  
То бор танда жоним, васлингдур ормоним,  
Эй дўсту ёри жоним, не турфа кор қилдинг.  
Айшимдадур халал кўп, бошимда юз минг ошуб,  
Васлинг кўнгулга марғуб, не дейки, зор қилдинг.  
Гаҳ-гоҳ суҳбатингни кўнглум қилур таманно,  
Лекин муяссар ўлмас, бас интизор қилдинг.  
Умре имом қавми қилмоқ салоту савми,  
Қайда фароғ навми, оҳим шарор қилдинг;



Тутмоқда пося хотир. ақвом үчун хавотир,  
Меҳроби муддаода беэътибор қилдинг.  
Мирий дуои жонинг кўсиға берди оҳанг,  
Иқбол ёвар ўлғай, ёд ушбу зор қилдинг.

Миря



Эй моя жунунум, девонавор қилдинг,  
Кетти хирад қўлумдин, беихтиёр қилдинг,  
Десам кўзингни оҳу, мижгонларинг — балоҷў,  
Оғзингда тиш чу инжу, лўълў қарор қилдинг.  
Ул юзму, юзда кокул ё барги гулму сунбул,  
Ул барг уза ёзилмиш мушкин нисор қилдинг.  
Қаддингни қайси нодон дер, сарви боғ, эй жон,  
Бор ул алиф намоён жон ичра ёр қилдинг,  
Лабму, десам, Масихо анфоси анда гўё,  
Сўзлаб Масихосо, умрум дубор қилдинг.  
Қайси шакар лабингдек, йўқ себ ғабғабингдек,  
Йўқ чарх ашҳабингдек, ой доғдор қилдинг.  
Нозик белингни тори жон риштасиму бори,  
Дер кўнглум, ори-ори, ваҳ-ваҳ, не тор қилдинг,  
Оғзингни ҳуққасидин ёлғон десам, эрур чин,  
Йўқлуқда борму эркин, сўзларда зор қилдинг.  
Улмоқға етти ҳолим, ғам қилди поймолим,  
Эй сарви навниҳолим, мажнун шиор қилдинг,  
Ишқ ичра юз минг офат жонимға етса миннат,  
Ғамзанг бағирга роҳат, эй нобакор қилдинг.  
Кулбам сари қадам қўй, жаврингни, эй санам, қўй,  
Улгум, қадам бу дам қўй, кўп интизор қилдинг.  
Неча ғамингда ўлгум, эй офати замона,

Ур тийг ила, қутулгум, жон бемадор қилдинг.  
Ишқ аҳли қонидинму бўлмиш қўлингда зоҳир,  
Бўлсун ҳино муборак, зеб ошкор қилдинг.  
Зоҳид, не беҳаёсен, дерсенки, ишқ тарк эт,  
Сен худ дегил, бу мазҳаб не, турфа кор қилдинг,  
Ишқингда хаста Мирий, бордур ғаминг асири,  
Эй хублар амири, андинму ор қилдинг.

\*  
\* \* \*

Эй саодат чархининг авжида меҳросо юзинг,  
Тонг эмас, десам бу маъни бирла, меҳр оро юзинг.  
Хотиринг аблағ, тилинг афсаҳ, сўзинг акмал десам,  
Йўқ ажаб ҳар навъ комиллиғ била пайдо юзинг.  
Муфтии шавқим берур фатвоки, йўқ сендек биров,  
Қўрмагай юз қози, ҳукмум (дур) буким, илло юзинг,  
Беш жузвим ахтарурда истадим олти жиҳат,  
Назми «Раъно»ни тиларда айладим туғро юзинг.  
Беш жузвимга мадад еткурса беш оли або,  
Хамса услубида беш тарҳ айлайн иншо юзинг.  
Беш кундин беш эмас дунё мадори, эй фақиҳ,  
Авли улким, боқмай анга, тутсанг истигно юзинг.  
Шиддати шавқинг била бу шуққани қилдим равон,  
Бўлса манзуринг, кўр онча Мирий ҳам гўё юзинг.



Тушубдурур не муносиб юзунгда ул кўзу қош,  
Умед бу менга: ул учга садқа қилсам бош.  
Ишорат айлау ғамзанг ўқи билан ўлдур-  
Ки, ийд вақтида қурбон қилурга йўқ кенгош.  
Шаҳиди нозинг эрурмен, кафанга йўқ ҳавасим,  
Итингга туъма бўлурдин умеди бу тани лош.  
Чаманни найлайину ҳурни нетай, эй шайх,  
Мену ҳабиб ғами, сенсену чаманга талош.  
Ўқунгни жону кўнгул ўзда асраринму тилаб,  
Алар аросида бор юз талошу минг пархош.  
Не деб қилай сифати тош бағринг, эй бад меҳр,  
Жафоу зулмда сен бирла чарх кўкалтош,  
Ғамингда Мирийи овора ўлгудек, эй муғ,  
Бу дарди муҳлика қўймай, бошини олсанг кош.

•  
\* \* \*

Биҳамдиллаҳки, олам сабззор ўлдию равшан ҳам,  
 Кетиб дай шиддати, найсони раҳмат қатраафкан ҳам.  
 Очиб гул баргини, ашжорлар бўлди тароватбахш,  
 Ҳам андоқ руҳпарвар ғунча ақдин очти гулшан ҳам,  
 Паривашлар юзидек очти рухсорини шохи гул,  
 Сиҳи қадларга ўхшатмиш ўзини сарву савсан ҳам.  
 Фиғон булбулга тушти ишқ эли янглиғ ҳамоноким,  
 Чекиб фарёдини, булбулга гул бўлди нишиман ҳам,  
 Ки чун наврўзи олам келса бордур расми дерина,  
 Тарабангез ўлуб, сайр этгусидур мард ила зан ҳам.  
 Нашот асбоби(ни) омода айлаб ҳар наким бўлғай,  
 Қилурлар неча кунлар айшу ишрат дўсту душман ҳам,  
 Сари сол ўлдию бўлди ҳамул расми қадимий фош,  
 Муҳайё нуқлу шарбат тақяда, базм ўлди якфан ҳам.  
 Уруб шамёнаю хиргоҳини Мирзо Зариф андоқ,  
 Ҳамоно рубъи маскун ичра тарҳ этти мусамман ҳам.  
 Қавий ҳайкал йигитларга берибон тўну сийму зар,  
 Худ ўлса паҳлавон, инъом ила қилди таҳамтан ҳам.  
 Мутеъи бахт ўлуб, иқболи давлат ёрлиғ қилғай,  
 Карамдин элни хурсанд этти андоқ Каллиқўрғон ҳам,  
 Хумои саъдни ҳақ айласун онинг мададкори-  
 Ки, тўлдурмиш гадо жайбини эҳсонида доман ҳам.  
 Сиҳи сайру зиҳи ишрат, начук васфини қилсун тил,

Тамошосини они қилмаган армонда, қилган ҳам.  
Не дей ул айшу ишратхонани васфидаким, бори  
Эрур жаннат назокатлик, тамошосида хозан ҳам  
Қурулган чодару шамёна беҳадду ниҳоятдур,  
Фалак деб офарин бу сайр учун, оғзида аҳсан ҳам.  
Муғаннийлар тузуб танбуру ғижжак нағмасида рост,  
Алалосини кўкларга солиб андоқки дафзан ҳам.  
Жавонлар дастафшон ўйнабон, халқ айлади вола,  
Қизил гул баргидек рухсори, кисват юз мулавван ҳам.  
Мусаххар айлаган масхаралик мулкени Раҳмонқул,  
Бағир қотмоқ сўзидин элга, кулгулук анга тан ҳам.  
Чунон айшу нашоту базм ила эл бўлди манярғаб,  
Қилиб келса қўлидин, келмаган ишни буюрган ҳам.  
Самовор анда ҳар сори туман жўшу хуруш айлаб,  
Тамошосида чарх ойи қуёшдин очти равзан ҳам.  
Қизиб ҳар сори аҳли нашъани базми тарабгоҳи,  
Сузулган бир сари кўкнору бир сориди гулхан ҳам.  
Илоҳий, икки оламда мусулмонларни хушнуд эт,  
Ҳумои саъду иқболингни қилғил сояфкан ҳам.  
Тамошо сайрини қилмоқ учун кетти ҳама аҳбоб,  
Не бўлғай, Мирий, борсанг дўстларни кўргали сен ҳам.



Эй нури чашм, Абдулжалили хужаста фол,  
Айлай сўзумни бир неча, сўз қилмайни кашол.  
Мен ҳужрадин сиз ила қилиб маслаҳат баса,  
Сулҳида сизададур неча бир шўҳи хурдсол.  
Гар шўҳларни суҳбати хотирга хушдурур,  
Мен қари суҳбатини унутманг, наку хисол.  
Гар истиқомат айласа ул сарвлар ҳавас.  
Қилмоқда боғи мадрасани жаннатул-мисол.  
Ул ҳужраким, аларга бурун номзад эди,  
Қилсун алар нишман ани, будурур савол.  
Рухсат гар ўлса, мен кириб ўлсам анга муқим,  
Ҳам Сизга, ҳам менга эди бас ҳадди эътидол.  
Мирийни кўнгли қуфлига мифтоҳдек бўлуб,  
Очиб беринг, очилди замирим, будур хаёл.





Эй тангри зотинг асрасун ҳар дам заводдин,  
Тутсун ўзи паноҳида доим малолдин.  
Улким, ишидурур фуқароларға лутфу адл,  
Топсун ҳамиша лутфи таборак таолдин.  
Бир туҳфа бирла кўрмоғим эрди ҳавас ани,  
Йўқ, туҳфае бўлак манга дандонхилолдин.  
Пои малакки, мўр Сулаймонға боркаш  
Қилган киби, бу туҳфа мени бемажолдин.  
Гул химчаси била киши қилса хилол чўп,  
Очгай лабини ғунча киби беҳаёлдин.  
То бор гул жаҳонда жаҳон бор бу сифат,  
Етсун ҳаёти умринга гулдек камолдин.

\*  
\* \* \*

Қор ёғиб, олам юзин оқ айлади,  
Ёру дўстлар кўнглини чоқ айлади.  
Еғса қор, оламда бор бир расми хўб,  
«Барфий» ташлар дўст дўстларга юруб.  
Бу жиҳатдин «барфий»ни қилдим равон,  
Сиз зиёфатни қилинг бу дам чунон:  
Қайлалик ошу карамлик шўрбо,  
Ширбиринж, санбўсаи қандин яно.  
Тарсалик бўлсун палов қўй ёғидин,  
Ошпаз бўлсун хабарлик доғидин.  
Кун совуғида накў базми исиг,  
Мандин эрмас, бурноғидин бу қилиғ.



Чиққан уйини шамъи шабистон жилоси бор,  
Ушшоқ жони нотавониға чиққан балоси бор.  
Чиққан балосин олдиға чаққон ёвуқлама,  
Эй шавқи суст, ўтруда чиққан балоси бор.  
Чиққан бало яшилдек ўтар жилвалар қилиб,  
Қавси қузаҳ қошу мижадин ўқу ёси бор.  
Афлок ҳусни барқи балодин сочиб шарор,  
Ўт сочи раъд, оҳим ўти минг садоси бор.  
Оҳим шарори чарҳи муҳаббатни барқидур,  
Чиққан балони ёмғури ашким ҳавоси бор.  
Чаққонмен онча, гарчи қазони асиримен-  
Ким, шаръи ишқнинг мунидек иқтизоси бор.  
Гардун, йўлумни тутма; қуёш, бўлма ҳамқадам,  
Бу навъ кимни сарвқади дилрабоси бор!  
Бу турфа, бўйла ажз ила чаққонмен ишқида,  
Чиққан балони шавқида жон дағдағоси бор.  
Инсоф тут, ул ой била, эй ой, тенг ўлмағунг-  
Ким, осмон ҳуснини чиққан атоси бор.  
Эй, мусҳафи юзингда сафо ҳақ каломидин,  
Шукр айла, кимга тангрини бу навъ атоси бор.  
Мирийға қурби васл насиб ўлмамиш, вале  
Истаб дуои жонинг, узоқдин дуоси бор.

\*  
\* \*

Ростлиғи пеша қилғил, бўлмағил зинҳор каж,  
Барҳам айларлар қачонким, бўлса ҳар девор каж.  
Нуктан ҳуснию тоби зулфияға қолманг ажаб,  
Аҳли маъни бирла бўлғай вазъи дунёдор каж.  
Эй мусулмонлар, бўлунг воқиғки, ул кофир чиқиб,  
Қўзғолон солмиш жаҳонға, боғлабон зуннор каж.  
Порсоваш худнамо зуҳҳодлардин алҳазар,  
Ҳалқаи тазвир янглиғ боғламиш дастор каж.  
Тонг эмас, тобеъ шиори бўлса андоқ кажравиш-  
Ким, мунингдек бўлса вазъи шайх, бархурдор каж.  
Е раб, ўз пандимға ожизмен, берурман элга панд,  
Бер ўзинг пандимни, ташлай ҳар неким атвор каж.  
Панд эшитмай, элни пандини тиларсен, войким,  
Чарх кажравдурки, Мирий, сўзлама бисёр каж.

\*  
\*  
\*

Ин марқум аз барои ҷавоби манзумае, ки бародари аржуманд шеъре ба ин мазмун ба ин фақирин камина равона намуда буданд ва чанд дӯстонро дарҷ намуда буданд, ин камина низ инчунин шеъри номулоим ба мувофақаташон намудам.

Азизим, тая аро то жон ғанимат,  
Сура кўргил, эрур даврон ғанимат.  
Жаҳонни лаззатидин комёб ўл-  
Ки, бул фонидадур жонон ғанимат,  
Езибсен руқъа ичра ёру дўстинг,  
Бале, бу амри бепоён ғанимат.  
Мулла Холбек ўшул оҳу боқишга,  
Сўзи ширин, лаби хандон ғанимат,  
Фироқ ўтига куйган Жўрабоя  
Тегиб захму тўкилса қон ғанимат-  
Ки, Аҳмад, Хушмурод онинг била чуқ,  
Ўшул тунда давон-ҳайрон, ғанимат.  
Авез улким эрур қаллоб жаллоб,  
Анга бозор аро ёлгон ғанимат.  
Қалам тортса Низомиддин маҳдум,  
Туну кун олдиға қуръон ғанимат.  
Берибдур таъби шеър Очилдиға ҳақ,

Қилиб шукрин ани девон ғанимат.  
Аё эй ёри жоним, ишқ дарди-  
Ки, хурду резага яксон ғанимат.  
Яна ул Абдувоҳид Калтамир чун  
Ки қилса жонини қурбон ғанимат.  
Бир — Жумъаназардур, жамъимиздин  
Топилса анга Холбекжон ғанимат.  
Муҳаммадёр имоме бўлса оне,  
Ҳамага жон, ангадур нон ғанимат.  
Мулло Қурбону Эшмат ўртасида  
Омонқори эрур чандон ғанимат.  
Жўрабек, Шоқулибеклар ёнида  
Қиличу найзаю қалқон ғанимат.  
Гўлахтию қиморбозларга, билсанг,  
Етиб ҳаммом аро урён ғанимат.  
Аё эй меҳрибон, кўтоҳ қисса,  
Эшонға ҳарнаким олғон ғанимат.  
Ўратеппада шоир бўлса ҳар ким,  
Румузу нуктау ёлғон ғанимат.  
Қозоқу қирғизу қалмоқларга  
Уруш майдонида жавлон ғанимат.  
Қиёту қўнғурот, дўлон элига  
Агар берса йўлида жон ғанимат.  
Қали Аҳмад, Жўра шайтонларингга  
Эрурким тийри бепайкон ғанимат.  
Нечук айтайки пушти аҳмақингдин,  
Аларни ўлдириб товон ғанимат.<sup>1</sup>  
Аё соҳиб тамизим, сен эшитгил,  
Сени бу ҳолинга зиндон ғанимат.  
Олиб қўрғон, минибсан маснадиға,  
Мунингдек сайр этиб юргон «ғанимат».  
Уруб қамчин, қўя кўр аркига от,

---

<sup>1</sup> Шу байтнинг орасига: яъни Оқил хўжа чойфуруш, деб ёзилган.

Нединким, аркига киргон «ганимат».  
Бу қўрғонингни бесоҳиб этибсен-  
Ки, ҳар қўрғон аро бир хон ғанимат.  
Бу янглиғ ташлама қўрғони кўҳна,  
Гаҳи мундин хабар олғон ғанимат.  
Зану фарзандни айлаб кўзин тўрт,  
Дегайму кимса бу қилғон ғанимат.  
Ҳама дўстлар сени йўлунда боқиб,  
Кела кўр, барча бир юргон ғанимат.  
Дедим бир неча сўз густохлиғдин,  
Буюргил ақлни ҳар ён, ғанимат.  
Агар чандеки Мирий шеър ланги,  
Муни ҳолиға ҳам эҳсон ғанимат.  
Оёғ лангию ашъоримни ланги  
Ғаниматлар аро чандон ғанимат.

\*  
\*  
\*

Таажжубкям, лақабдин ҳар кишида бир нишонедур,  
Маломат яхши эрмас, не учунким осмонийдур.  
Ва лекин улки изҳори муҳаббатни этар зоҳир,  
Неча ашъори бемағзимни кўрмоқ имтиҳонидур.  
Ани поси замирини тутуб, ночор жазм этдим,  
Ва гарна йўқ менга тоқатки, десам бу фалонийдур.  
Аёғи тўрт, шохи якки, қўйруғлиғни дерлар мол,  
Ажабким, одамийда моли бешохи самонийдур.  
Лақаб Мол ўлса, тонг йўқ, ҳирс эди жисмида моло-мол,  
Ҳам андоқ молу ашёси ани беҳадду сонедур.  
Бўлубтур ушбу асноларда пайдо неча Эчкулар,  
Юрар ҳар сораға секраб ва лекин бечўпонийдур.  
Таажжуброқ будурким, Абдурахмон баччагардур От,  
Бу янглиг оту лек ўз кўнглида пили дамонийдур.  
Куюб ўртанди дунё фикри бирла Мўмин куюк,  
Еши тўқсонга — минг йиллиқча қайғурмоқ замонидур.  
Агар чандеки етмиш ёшга кирмиш — оти Гўсола,  
Хўкуз ҳеч бўлмади ул гови маврий, ем товонидур.  
Яна бу турфороқким, нечаларга исмдур Чўпчак,  
Оти Чўпчак — чиёндек элга нишидин зиёнедур.  
Эрур бу расм: чўпчакни ёқиб, роҳат тилар ҳар ким,  
Бурунроқ учқуви куйдургай, алҳақ, бегумонийдур.  
Яна бир нечани отига бўлмиш Пашшадин шухрат,



Кўрарда пок суратлик чунонча нуктадонедур  
Ва лекин ботини буғзу адоватдин бўлуб мамлу,  
Ҳамоно пашшадек хўрок анга одамни қонидур.  
Не дей Тўқмоқдин, пурсавлате юз карру фар бирла,  
Не дей Савлат сўзинким, бурди йўқ ҳайвони нонийдур.  
Оғиз очмам Бузовдин, жони чиқди ўт исин кўрмай,  
Ҳамоно нон исидин жони чиқди, армонийдур.  
Эмас бу барчага бу қилганим таъну маломатдин,  
Баридур воқеий, қилманг гумон шоир ёлонидур.  
Бировким дўстлиқ лофин уруб ҳукм этди Мирийга,  
Вагарна айбжўлиқ айни нодонлиқ нишонидур.

## ҒАЗАЛ ДАР ЭЪТИЗОР

Мени юзи қарони қозилиғда кўп қўйманг,  
Ажалсиз элни бўғуб, тийғсиз улус сўйманг.  
Юзум қаросидин эл кўнглини қаро айлаб,  
Кўзумни ўйди бу ғам, эл кўзини кўп ўйманг.  
Ўзумни куч била урдум, алавға куйдурдим,  
Бу ўтни ёлқуни бирлан яна си(з)лар куйманг.  
Тўюбмен, оҳ, бу янглиғ ҳаёти ҳарза аро,  
Бу шумлуғумда сизлар худ ҳаётдин тўйманг.  
Бу зишт хўюм ўрус кўрса айлағай номус-  
Ки, фитратимдин эрур шармсор ҳинду фаранг.  
Қазо бисотида минг карру фар билан тақу туқ,  
Фириб бобида шайтон ҳам ўлмағай ҳамсанг.  
Кўнгул қуёшини муҳрона меҳри тийра қилиб,  
Юзум қаро худ эмас, муҳр жабҳасиға қаранг.  
Гаранг айлаб улус ҳукм чоғи, нақд истаб,  
Ясаб ўзумни, чу муҳрона тегди қўлға, гаранг.  
Ғаний мурофнасини сўрарда юз тадбир,  
Фақир оғзини очғач, қўюб отин данг-данг.  
Ғаний муроди учун бенавоға ачиг-ачиг  
Деб они хангги эшак, носазоу бефарҳанг.  
Қўюб мулозими тадбирдону чобук ҳуш,  
Ғариб ҳолини гаҳ телба деб, гаҳи калфанг.

Сиёсат ила гаҳи қўркутуб, гаҳи алдаб,  
Фириб халтасидин лаҳза-лаҳза юз найранг.  
Гаҳи авахта пайғомидан қулоғиға савт,  
Гаҳи навозишу эҳсонлар ичра айлаб анг.  
— Неча бу хастан и юз қиймалаб, нечук саллох,  
Бу нотаваон деб анга ёлборурки, қиймаламанг.  
Олурға нақд тилаб хидматона, муҳрона,  
Ғанийға деб, анга лозим, буларни сиз берманг.  
Қаранг юзум қоросиға, қаро юзумга боқинг,  
Ғаний бу нашъа била масту менда дудан банг.  
Тараҳҳум айламайин ҳоли нотаваонларга,  
Тазаллумини эшитмай, бошиға юз харсанг.  
На шамъи илм кўнгулдин кўтарди зулмати жаҳл,  
На айни илм қуёши била фуруғоҳанг.  
Етушти муҳлати умрим, яқинлиғин билдим,  
Саодат оламидин мен баъид юз фарсанг.  
Рақиб таъясидин танда гийри боронлар,  
Сиз, эй ҳабиб, яралиғ танимни тирналаманг.  
Кўтарди бошини муфсид, фасоди ҳаддин кўп,  
Фасоналиғ рақамимни ўқурда ўпкаламамг.  
Бошимға сояи шаръи шарифинг эт жовид,  
Агарчи ваҳдати зотингга йўқ раво кўлаганг.  
Қазони арсаида филтанлар ожиздур,  
Ўзумни лутфунгга топшурмишам, чу Мирий ланг.

## ШИКОЯТНОМАИ МАРҲУМ МИРИИ КАТТАҚУРҒОНИ АЗ ПИРОНИ ЗАМОНА.<sup>1</sup>

Урди кўнгулга нафси бадимни ёмонлиғи,  
Қабзи табиат айлади эл бадгумонлиғи.  
Мундин бадтариға бу алам ичра зормен,  
Билмай ўзин, авомни қилган эшонлиғи.  
Илму ҳунарға қолмади қадру насабда ҳам,  
Ғарбаччаларни куйдурур асрордонлиғи.  
Аъроб лафзидин хабари ҳеч бўлмайин,  
Бир неча итни лоба била нуктадонлиғи.  
Қоним қурутдию сўнгагимни ушотди, оҳ,  
Ул шайхларки, силсиласин бенишонлиғи.  
Кўп бетаҳорат элни йиғиб, юртни куйдуруб,  
Бидъат тузуб, жанобни шайхи замонлиғи.  
Тангрини бирлигию расулнн ҳақлиғин  
Билмай, ўзини шайх тузуб, роздонлиғи.  
Фаҳм айламай фаройизу вожиб маротибин,  
Масжид ичинда шўр солиб нағлхонлиғи.  
Бу барча бир сарига, бу жамъи фахур кеш  
Гумроҳлиғда халқ ичида ғайбдонлиғи.  
Улса биров, дуон пирим деб бу шумлар,  
Туққанни дер, жаноби пирим меҳрибонлиғи.  
Қайси ишеки, суннати Аҳмадга йўқ дуруст,

---

<sup>1</sup> Бу шеър Маҳди баёзидин олинди. (1914 й. Тошкент, 121 бет.)

Ул иш ривожига ғазалу байтхонлиғи.  
Танбўру даф била берибон суҳбатиға ранг,  
Ул нағма телба айлагач, оҳу фиғонлиғи,  
Бу барча бир тарафга, ҳамул нағма, соз учун,  
Яхши либосу дирҳам ила комронлиғи.  
Билмай муники, нағма учун сарф топғани,  
Маҳшар кунида минг тилу тишлик ёлонлиғи,  
Истаб мурид, жаҳр солиб кўю кўчада,  
Эл молини таларда бўлуб шодмонлиғи.  
Нисбатни еткуруб яна Ғавси замонаға,  
Мулки фанони тахти уза қаҳрамонлиғи.  
Ул муршиди замонагаму эрди бу сулук-  
Ким, ҳар мурид уйиға емак нону жонлиғи.  
Ваҳ-ваҳ, бу сулук силсила йўқ ул «азиз»га,  
Яъни тамаъ ҳаромдурур, йўқ ниҳонлиғи.  
Кўрган кишини судраб олиб, қўлларин берур,  
Назрини юз қаролиғию нотавонлиғи.  
Қўю қўзини гўштиға бир нечалар озиб,  
Ортидин эргашиб, яна ман-ман фалонлиғи.  
Мирий, бу барча беҳуда афсонани унут,  
Гўё будур аломати охирзамонлиғи.

# МУХАММАСЛАР



Сарвинозим ўйнаб-ўйнаб, анбарафшон этти соч,  
Гоҳ тишлаб, гоҳ ушлаб, қўлга печон этти соч,  
Зор кўнглум ушбу савдода паришон этти соч,  
Кўз қаросидин қаро қон мавжин Уммон этти соч,  
Ушбу маъни бирла кўз ашкени тўфон этти соч.

Ералиғ бағримға ҳижрон ҳирқатидин қўйди доғ,  
Дардлиғ тан дуди фурқат бирла куйди лоғ-лоғ,  
Ақл торож ўлди, қилсам муждан васлин сўроғ,  
Йўқ бировким, ҳолатим шарҳ айласам, солғай қулоғ,  
Ишқ даштида мени машҳури даврон этти соч.

Дема, қоши ёсидиндур хотиримда юз шиканж,  
Ақд ақди зулфидин кўнглумдадур юз дарду ранж,  
Махзани ҳуснунгда зулфунг аждаридур тоби ганж,  
Гул юзунг гўё топибдур ганжи хайли нуктасанж,  
Гўйё ул ганж атрофини пинҳон этти соч.

Масту бобок ул пари чиқғанда, эй оворалар,  
Рустахез айлаб, тутунг саф ўтрусида, волалар,

Кўрсатинг олдиға тийғи фуқратидин ёралар,  
Пора-пора хотиримдин кўрсатинг парколалар,  
Кўзи сеҳр оғоз этиб, шавқимни тугён этти соч.

Рост қаддинг сарв ила шамшоддин олди шиккеб,  
Пок лафзингдин хижолат ичра қолмиш андалиб,  
Боғи раъноси агар чандеки бордур дилфиреб,  
Лек раънолиғда ҳеч ким сендек эрмас жомазеб,  
Гулшани ҳуснингни андоғ субулистон этти соч.

Истадим ул лаъл лабдин бўса, дашном айладинг,  
Илтмоси ком қилдим, улча ноком айладинг,  
Чун ки қатъ этгач умедим, тоза пайғом айладинг,  
Бу таманно бирла умрум субҳини шом айладинг,  
Ваҳки, шоми ғурбатимни байтул-аҳзон этти соч.

Доғи шавқинг бирладур кўксумда сонсиз доғлар,  
Ғам биёбонида тутти доманим бутроғлар,  
Мирий, Фарҳоди фироқинг кетти дашту тоғлар,  
Ғайратидин теша юз қайтарди-ўқ тирноғлар,  
Гўйё ғам тоғин они кўзиға кон этти соч.



Ул шўхки, ойини жафони адаб этмиш,  
Ойини жафосини менга бесабаб этмиш.  
Бебок рақибим била айшу тараб этмиш,  
Мен ҳажрида, ул шум ила суҳбат ажаб этмиш,  
Бетоб танимға не бало тобу таб этмиш.

Эй сарв, қадинг садқаси шамшоду санавбар,  
Истар қадаминг ўпмоғини сарви суманбар,  
Қолмиш аёғи лой аро бечорау музтар,  
Эй ҳусн саририни шаҳи, қул сенга шаҳлар,  
Ваҳ-ваҳ, не бийик поя, не олий насаб этмиш.

Бир кўрдуму кўнглум ани девонаси қилдим,  
Жонимни ҳамул шамъға парвонаси қилдим,  
Девона кўнгул телбалиғ афсонаси қилдим,  
Кўргач лабида хол, бу қуш донаси қилдим,  
Кўнглум қуши, ҳайҳот, не олий талаб этмиш.

Беморингга кўп бўйла раво кўрма ситамни,  
Тан ҳажр ўтига куйди, дейин кимга бу ғамни,  
Кўрсам эди, ё раб, яна ул шўх санамни.



Солсам йўлига тан, қўюб устумга қадамни,  
Гулгунига маҳмиз солиб, ўнгу чап этмиш.

Ишқ оятидин ҳушу хирад хайли муаттал,  
Тафсилени истаб, дема сўз қиссаи мужмал,  
Жон моясидин ўтмак эрур пояи аввал,  
Дунёни талоқ эт, кечиб уқбо ишидин бал,  
Мирий не ажаб нукта буким, мунтахаб этмиш.

\*  
\* \*  
\*

Жунун водисида чирмашти кўкка оҳу афғоним,  
Жаҳонга кўзголон еткургудек ошуби тўфоним,  
Совурди ғам ели сабримни, нобуд этти сомоним,  
Бу муҳлик дард ичра, оллоҳ-оллоҳ, чиқмаган жоним,  
Эшит ҳоли дилимни, севдугум, давлатлу султоним.

Муқаввас қошларингдурму ва ё қавси қузаҳ ёси,  
Ниҳоли қоматингни воласи — фирдавс рағноси.  
Ўлукни тиргузур, сўзларда оғзингни Масиҳоси,  
Лабинг эъжозиға ожиздур, алҳақ, Хизр анфоси,  
Кўнгул боғида сенсен севдугум, давлатлу султоним.

Ёмон ҳолим кўруб, бир лаҳза оғози мурувват қил,  
Укуш ғам гўшасида қолганимни тингла, шафқат қил,  
Қадам қўй кулбам ичра, лаҳза гулзори саодат қил,  
Тамошо айлайин наврас ниҳолингни, ижозат қил,  
Гулистони ҳаётим, севдугум, давлатлу султоним.

Латофат гулшани нахли қадингдин топти овоза,  
Жамолинг қиссаи Юсуфни қилди даҳр аро тоза,  
Мени расволиғим Мажнун юзиға вўсмау роза,  
Жунун хайлида мен — сен хўблиғ қасрида мумтоза,  
Қилай маълум: сенсен севдугум, давлатлу султоним.

Чаман сарви қадингға банда, рухсорингға гул вола,  
Ҳадисинг орзуси бирладур булбулға минг нола,  
Юзингни ҳасратидин тоғ аро тутмиш ватан лола,  
Ғазолингдин бўлуб шарманда оҳу музтариб ҳола,  
Ғазоли сарвинозим, севдугум, давлатлу султоним.

Ичиб тут бодани, гар ошиқингни истасанг шайдо,  
Дема, май телба қилмиш ақлни, шавқинг қилур яғмо,  
Жаҳон асбоби ошиқлар ёнида хасча йўқ пайдо,  
Сену дарди ғаминг, йўқ мундин ўзга матлабим, ҳошо,  
Сўзум — бу, ҳошалиллаҳ, севдугум, давлатлу султоним.

Не дей ҳолим сенга, Фарҳод ила Мажнун назиримен,  
Маломат қайдиға вобаста кулфатни асиримен,  
Кўнгул исёнға мойил, маъсият мулкин амиримен,  
Қабул ар этмасанг, эй Дўст, нодонлиғда Мири(й)мен,  
Узунг лутф айла, сенсен севдугум, давлатлу султоним.

\*  
\* \* \*

Айладинг ишқим фузун, ҳуснунг намоён айлабон,  
Қаддим эгдинг кўй аро, ортуқси жавлон айлабон.  
Улдуурсен кунда юз мендекни, қурбон айлабон,  
Мен ҳазин хотирни ҳам Мажнуни даврон айлабон,  
Борҳо ағёрлар базмин чарогон айлабон.

Юзларинг ойинаи сунъи худованди жаҳон,  
Сарв қаддинг — тубийю фирдавси олий — ошён.  
Кўзларинг айнан тусаммо салсабилдиндур нишон,  
Лабларинг ёқути жаннатдур, қошинг — қавси камон,  
Уртанурмен бўйла ҳақ сунъиға, дил қон айлабон.

Лабларингдур зеббахши чашмаи оби ҳаёт,  
Наргиси бечораға жоду кўзингдин минг уёт,  
Дафтари ҳуснунгни кездям, борму деб хатти нажот,  
Топмадим мақсуди дилдин анда жуз қатъи ҳаёт,  
Гарчи ул девонға кўшишни фаровон айлабон.

Мастлик чоғида лозим ўйнамак, эй сарвиноз,  
Бал хусусан мажлис ичра бода ичмак кўпу оз,  
Шамъдек бўлсанг қаро кулбамға бир дам жилвасоз,  
Шодликдин тўксам ул дам дийдадин ашки ннёз,  
Сен тэбассум зоҳир этсанг, бўйла эҳсон айлабон.

Расми ошиқлиғни Фарҳод ила Мажнун билмади,  
Ишқ сирридин хабар ҳар қайси вожун билмади,  
Ишқ аҳлин қадрини ҳар қадди мавзун билмади,  
Ишқ аро содиқ менингдек чархи гардун билмади.  
Доманин ҳар шом қон бирла намоён айлабон.

Ўтлуғ оҳимни шарори бузғудек афлокни,  
Кўрмади гардун кўзи мендек дили сад чокни.  
Неткуси, сўрсанг даме мен дийдаи намнокни,  
Соқиё, жомим аро тўк бодаи тарёкни,  
Тортайин бир дам ани, машғули даврон айлабон.

Доғлар қўйди юракка ҳар дам ул бебокча,  
Ҳар куюк бағримда зоҳир айлади афлокча,  
Дарл аҳлин олдиға дунё эмас хошокча,  
Бир неча шеърини қилмиш Мирийи чолокча.  
Юсуфи Мисрий ани ҳолиға эҳсон айлабон.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР НАВОИЯ

Ваҳ, не хуштур, Юсуфин ёдин Зулайхо айласа,  
Лайли ёди бирла Мажнун ўзни шайдо айласа,  
Ошиқ улдур, ростлиғдинким бу даъво айласа,  
Кўнглум ўртансун, агар ғайрингга парво айласа,  
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.

Сен, сени ишқинг ҳавоси, ғайр ила йўқтур сўзум,  
Ўзгалар ҳарфидин иншо айласам, синсун қўлум,  
Ғайр фикрин айласам, ғам бошима солсун ҳужум,  
Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснунг тамошо айласа.

Васфингга, эй шўх, ҳар дам хуш мақол ўлсун тилим,  
Мидҳатинг айларга ҳар дам минг хаёл ўлсун тилим,  
Сўзласа ағёрлардин, бемажол ўлсун тилим,  
Ғайр зикрин ошкоро қилса, лол ўлсун тилим,  
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Чиқса ул наврас ниҳолимким, солиб оламга шўр,  
Ламъан ҳусни билан айлаб жаҳонни ғарқи нур,  
Қирса бўстон ичра, ваҳким, мен ғарибу зору ур,  
Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,  
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Улки, ишқинг бодасидин журъае нўш этти май,  
Ҳури жаннатдин хабар еткурса, они қўлмағай,  
Йўқ кишиким, оғзинг асроридин олган бўлса пай,  
Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,  
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

Ишқ қўйида не хуштур ринду расволиғ фани-  
Ким, бу гавҳарға қачан бўлғай муносиб ҳар даний,  
Телба кўнглумнинг муроди — бодаи мардафканий,  
Офият жонимға етмиш, эй хушо муғким, мени  
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Булҳаваслар қилса аҳли ишқлар атворини,  
Фурқат ўтиға солиб куйдургулук харворини,  
Англамай сўз дер бировким ишқнинг асрорини,  
Куйдуруб бир дамда гардун қўймағай осорини,  
Кимки, аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.

Токи ишқингдин мени овораға бўлмиш насиб,  
Телбалиқдур мансабу жоҳим яқин бил, эй ҳабиб,  
Дўстлар, мажнунлиғим дафъин нетарсиз ахтариб,  
Келтиринг дафъи жунунумға парихон йўқ, табиб-  
Ким, ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Қилма ҳар гулчеҳрадин, Мирий, вафо тэпмоқ насим,  
Бу замон айнуқса бўлмас топса бу дурри ятим,  
Мендин ар йўқ боваринг, фаҳм эт муни бевахму бийм,  
Даҳр шўхиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

## МУҲАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР НАВОИЙ

Еманг ғам, ўлсам ул кокул паришоним сўроғинда,  
Не ишрат, жон фидо қилсам ул ой зулфин тузоғинда,  
Не давлат, ул пари май ушласа ишрат аёғинда,  
Не хуш бўлғай, иквлон маст бўлсак васл боғинда,  
Қўлум бўлса ани бўйнидау оғзим — қулоғинда.

Қучуб нозик белин, солсам ўзумни ёрим эғнида,  
Лабидин тишлаб ул шўхи шакар гуфторим эғнида,  
Сиришки шолмонлиғдин дурри шаҳворим эғнида,  
Дами васл ичра волиҳлиғ била рухсорим эғнида,  
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.

Кўруб ноз уйқуда, очсам юзидин бурқаъин, ҳайҳот,  
Узори сафҳасидин шавқи шахсига тилаб миръот,  
Очиб гоҳи гулиетонин, муяссар айласам ҳожот,  
Тутуб гоҳи занахдонин, мукаррар айласам бот-бот,  
Кўруб гуллар очилған ёриниғ рухсори боғинда.

Биҳишти васл аро бу навъ ишрат мажлисин қургач,  
Не дей мен, не сўрарсен васл аро бу навъ ўлтургач,  
Зиҳи ишрат, зиҳи фурсат, бу янглиғ комким сургач,  
Шимиб ютсам, гаҳи ҳайвон суйидек, завқдин кўргач  
Тарашшух бодадин, гул япроғи янглиғ дудоғинда



Элим тиграб, ғамим бутраб, танимдин оқса тер тим-тим,  
Замоне телбараб ёнида, гоҳи кўрсатиб таъзим,  
Мудассар кимга бўлмиш бўйла ишрат: мавж уруб шавқим,  
Ғаҳе кўз суртаримда, оқса ҳар ён шодлиғ ашким,  
Гул узра қагра шабнамлар киби сиймин сақоғинда.

Жунун даштида мажнунлиғни гутсам, не ажаб, расмин,  
Вафо қонунида лайливашим тутмиш тараб расмин,  
Ғаҳи девоналиғ қилсам, нетонг, билмон талаб расмин,  
Ғаҳи беҳудлиғимдин, сесканиб, тутсам адаб расмин,  
Белига чирмашурда шўхлиғ ифроти чоғинда.

Бийиклардин, бале, ожизга ойини карам хушдур,  
Йигитлик мавсумин шукрини тутмоқ муғтанам хушдур,  
Зиҳи фурсат, зиҳи дам — ёр васли, дам — шу дам, хушдур,  
Не келса, тонгла келсун, бир тун усрук ётса ҳам хушдур,  
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.

Қачон ҳижрон раво бу навъ хилвағни менго кўргай,  
Ажаб эрмас, раво бу навъ шафқатни худо кўргай,  
Менга ҳақ лутфи ўлғач, бўйла суҳбат дилрабо кўргай,  
Қачон даврон менга бир бўйла ишратни раво кўргай-  
Ким, ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.

Сен, эй Мирий, неким лутф айламиш ҳукмига чобук ет,  
Деса, кел, шукрин эт, кўйидин айрилма, йўқ эрса кет,  
Талаб йўлида собит қил кўнгул бу жодага беркит,  
Навий, сен ким-у ишрат, муни билмасмусенким, ит  
Агар қон ичса ҳам, боши керакдур ўз ялоғинда.

## МУҲАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР НАВОИИ

Етушти васл шоҳи, лашкари ғам иҳтисоб айлаб,  
Қаро шомимни равшан қилди, гул юз моҳтоб айлаб.  
Эшит, эй Дўст, дермен сенга айшимдин хитоб айлаб,  
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин оқ юза хайдин гулоб айлаб.

Қўюб бошига тожи хўблуқдин зеб учун афсар,  
Солиб оламга юз минг рустахез ул шўҳи ғоратгар,  
Етушти бошим узра, секратиб раҳшинни жавлонгар,  
Чекиб мижгонни шабравлар киби жон қасдига ханжар.  
Белига зулфи анбар торидин мушкин таноб айлаб.

Танимдин хаста жон ҳар қил йўлидин очти бир равзан,  
Тамошо ҳолатим қилмоқга келгач шўҳи сиймин тан,  
Қаро шомимга субҳи ишратим кўрсатти юз гулшан,  
Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,  
Менга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Не толеъдур менгаким, ёр иҳсониде ер берди,  
Нечук бахти ҳумоюн, васл айвонида ер берди,  
Адашган булбули зориға бўстонида ер берди,  
Келиб ўлтурдию илким тутуб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади, ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Деди:— Ҳажримни тортиб, нотавон, не бўлгулугдурсен,  
Фироқим ўтидин бағрингда nopайдо куюкдурсен,  
Менга изҳор қилғилким, тирик ёхуд ўлукдурсен,  
Ки эй зору балокаш ошиқим, менсиз начукдурсен,  
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Кўзум ҳижронида кўр ўлгай эрди — тўтиё қўйди,  
Мурувват соғарига бодаи меҳру вафо қўйди,  
Кулуб дилжўйлиқдин, базми айшимға сафо қўйди,  
Чиқарди шишаи май, доғи бир соғар тўло қўйди,  
Ичиб тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.

Тутарда юз табассум бирла, шаккарлар сочиб сўздин,  
Ҳамонл илки бўйнуи узра, бурқани олиб юздин,  
Деди:— Ичкил муни,— юз ғамза бунёд айлабон кўздин,  
Ичиб, фарёд эгиб туштум аёғига, бориб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи ани масту хароб айлаб.

Йиқилдим ончаким, ер бирла кўк ёнимда бўлмиш тенг,  
Не водидур жунунким, неча юз йиллик жаҳондин кенг,  
Кулуб ҳолимға дерким, оллоҳ-оллоҳ, жонға миннат денг,  
— Ки эй мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг,  
Тақаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб.

Муҳаббат водисида айлагил, Мирий, замиринг оқ,  
Етар васлига ният пок бўлса ҳам риёзат — шоқ,  
Қачон уйқуға кўз майл эгусиким, топса истигроқ,  
Аниким, элтгай васл уйқуси ишрат тунни мундоқ,  
Навойдек негар<sup>1</sup> то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

---

<sup>1</sup> Текстда: ётар.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР НАВОИЙ

Не ярошур юз уза ул дилбари тарсоға соч-  
Ким, кўрунгай яхшироқ тарсоға ё шайдоға соч,  
Ҳусн бозорин қизит, судимни бу савдоға соч,  
Турра марғулин очиб, рухсори маҳсимоға соч,  
Тун саводи анбарин меҳри жаҳонороға соч.

Ҳамдулиллаҳ, толнғим ёр ўлди бу дам, эй сипеҳр,  
Хидматимда қўл қовуштур, қил қадинг хам, эй сипеҳр,  
Ою хуршидингдин эткил фарши кулбам, эй сипеҳр,  
Ёрдур шамъи шабистоним бу оқшом, эй сипеҳр,  
Ахтарингни дуррларин бу базми меҳророға соч.

Телбаликларни қўюб, қил ўзни ҳушёр, эй насим,  
Атрбез айла дамнинг, сеп мушки тотэр, эй насим,  
Ташла ғофилликни, бас бўлғал хабардор, эй насим,  
Сарви гулрўюм қилдур гулгашти гулзор, эй насим,  
Дам-бадам сориг, қизил гул ул гули раъноға соч.

Гарчи йиллар фурқати бирла эдим озурда жон,  
Шукрилиллаҳ, муждан васлидин ўлдум шодмон,  
Ғам ема, ҳажрида қолдим деб, эй жони нотавон,  
Йиғлама, эй кўзким, ул ой бўлғусидур меҳмон,  
Гар сочарсен юз гуҳар, ул гавҳари яктоға соч.

Ишқ элига лутф гўё айладинг, эй муғбача,  
Айш асбобин муҳайё айладинг, эй муғбача,  
Бир қадаҳдин ҳуш яғмо айладинг, эй муғбача,  
Зухд элин май бирла расво айладинг, эй муғбача,  
Журъаи ҳам нетти, раҳм айлаб, мени расвоға соч.

Войким, ул кофири худроға бўлмиш барча сайд,  
Мубталои доми зулфи ичра тушмиш Амру Зайд,  
Зухду ислом олди элдин, кўрсатиб юз макру кайд,  
Дайр аро дин аҳлини бўйниға зулфи бўлди қайд,  
Бульжаб зуннордур ул дилбари тарсоға соч.

Жоҳ аҳли суҳбатидин то тириксен, ўзни йиғ,  
Фақр аҳлин эҳтиром айлаб, қил анга хўблиғ,  
Эҳтиёж аҳлин қўлин тутким, эрур нафъи аниғ,  
Ташнага бер файз, эй абри карамким, не асиғ  
Гарчи сув юз қатла дарёдин олиб дарёға соч.

Чарх кажравлиғ била кўрсатти ҳар дам минг дағо,  
Ким вафо уммел қилгач, кўрди андин минг жафо,  
Гулшанидин истама роҳат, гулида йўқ бақо,  
Йўқ бу дунёда вафё, эй сарсари боди фано,  
Гарди нисён совуруб, дунёву мофиҳоға соч.

Қайси гулда гулшани ҳуснунгча бўлғай рангу бў,  
Ғунчада бўлғайму оғзинг ғунчасидек гуфтуғу,  
Мирий янглиғ они кўйин маскан эт, қил жустужу,  
Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу,  
Бас, жаҳонни нақдини ул лаъли руҳафзоға соч.

## МУҲАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР НАВОИЯ

Сихи қадо, мени кулбам келиб, чаман қилғил,  
Қадам қўюб, қаро туфроғ уза суман қилғил,  
Кўзум ҳадиқасин эт манзилинг қачан қилғил,  
Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил,

Юзунгни боғ десам, қоматингни — сарви чаман,  
Будурки, тенг демак бўстон гулиға тикан,  
Тилинг Масихни анфосидин эрур равшан,  
Юзунг гулиға кўнгул равзасин ясаб гулшан,  
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Даме тасаввур этиб кўр югурмоғим, эй чарх,  
Бу дашт пўясида бўлмонг ўртоғим, эй чарх,  
Қазо бу дашт аро қилгач кўмулмоғим, эй чарх,  
Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб, яна бир тоза Кўҳқан қилғил.

Муҳити ишқинг аро айлагил ғариқ мени,  
Муҳаббат ўтиға қил дам-бадам ҳариқ мени,  
Хаданги нозиға жон берсам, эй сиддиқ, мени,  
Юзида терни кўруб, ўлсам, эй рафиқ, мени,  
Гулоб ила юву гул баргидан кафан қилғил.

Риёзи даҳрни йўқтур вафоси, филвоқеъ,  
Гулида ранги вафо йўқ, нечаки бор ломеъ,  
Бақэ эмас анга жовиду тарбият нофеъ,  
Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монeъ,  
Бу боғ томига гар игнадин гикан қилғил.

Итинг яросига гар истасанг, даво боғла,  
Бу хаста кўнглини парколасин анго боғла,  
Кўзум ҳалиқасидин нязли бодпо боғла,  
Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расаа қилғил.

Даме, не бўлғусидур, жавр тарҳини бузсанг,  
Қилиб вафоу мурувват, жамол кўргузсанг,  
Бу хаста Мирийга жонсен, ерики тиргузсанг,  
Навий анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бешоғлиқ ўқин шамъи анжуман қилғил.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР НАВОИИ

Ҳаёт боғида бир сарви сиймбар топтим,  
Лабида чашмаи ҳайвонни жилвагар топтим,  
Ситамни ёлқининдин тан аро шарар топтим,  
Висол тухмини эқтим — фироқ бар топтим,  
Вафо ниҳолини тиктим — жафо самар топтим.

Бу йўл азиматида гоҳ телба, гоҳ мажнун.  
Ситамни ханжари бўғзимда, кўзларим Жайҳун,  
Фироқ иситмаси бирлан бошимга чиқти тутун,  
Муҳаббат ўтини ёқтим висол шамъи учун,  
Ўзумга оқибат ул ўтдин-ўқ шарар топтим.

Сочингни чиниға қимат гар айладим Мочин,  
Қулуб-кулуб солур ул ой қабоғи устиға чин,  
Сен эй пари, мени ушшоқ хайлидин билгин,  
Мен ашк бирла ювдим ғайр нақшини кўздин,  
Ва лек ғайрға-ўқ ёрдич назар топтим.

Муҳити ишқ аро жаҳд заврақин сурдум,  
На амн соҳили, не қаъридин нишон кўрдум,  
Кўзумда ашк, фиғонимни кўкка еткурдум,  
Умед баҳрида ҳар неча ғўтаким урдум,  
Садаф кўзумдину кўз ёшидин гуҳар топдим.



Румузи ишқни билмас ҳаким тафсирин,  
Савол айлама зоҳиддин они тақирин,  
На мавлавий қила олғай бу нукта таъбирин,  
Дедим:— Бу рамзни англай, вале хирад пирин  
Ани ўзум киби беҳушу беҳабар топдим.

Ғаминг аро ману мо афсарини қилдим қатъ,  
Висол умедида карру фарини қилдим қатъ,  
Фироқ тоғидин оштум, борини қилдим қатъ,  
Чу дарди ишқ биёбонларини қилдим қатъ,  
Адам вилоятидин нори юз хатар топдим.

Мени фиғоним учун, эй фақиҳ, сўрма сабаб,  
Узори, ҳолу хатидин танимдадур юз таб,  
Қуёш юзига қараб, Мирий йиғласа, не ажаб,  
Навоиё, кеча-кундуз хату юзини тилаб,  
Шабона навҳа била нолаи саҳар топтим.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР НАВОИЙ

Чирмашиб ул зулфи сумансо мени,  
Айлади ошуфтау расво мени,  
Телбаи даҳр айлади гўё мени,  
Оҳким, ишқ айлади шайдо мени,  
Солди жунун кўйиға савдо мени.

Лаълмудур, йўқ эса ёр — ангабин,  
Писта гумон айладим оғзин яқин,  
Жонға тааб солди бу ёлғону чин,  
Соқни гулчеҳрадин озурламен,  
Демаки, маст айлади саҳбо мени.

Лола масаллик санами сабзпўш,  
Маст чиқиб, майкадаға солди жўш,  
Ерга йиқилдим, чекиб андоғ хуруш,  
Дашт аро мажнунлиғима кўп вухуш  
Келдилар, айларға тамошо мени.

Жом элида маст юруб, гаҳ кулуб,  
Ер егушти, мени ҳолим сўруб,  
Пири муғон кўйиға озим бўлуб,  
Дайр аро масжид йўлидин озгуруб,  
Солди буюн бир бутн тарсо мени.

Донаи холи юзила берди нур,  
Хаста кўнгул кўйини топ, тез югур,  
Чекса қилич, эй ажал, ўзни етур,  
Кўзи гар ўлдурса — сўзи тиргузур,  
Йўқса қачин кўрса Масиҳо мени.

Эй, ажал анго бўлубон муттафиқ,  
Қатлима гўё бўлубон муттафиқ,  
Олғали жон то бўлубон муттафиқ,  
Ишқ ила савдо бўлубон муттафиқ,  
Айладилар даҳр аро расво мени.

Назмим отинг гулшаниға топти йўл,  
Дўси муроду талаби эрди ул,  
Ғам ема, Мирий, талаб ўлди ҳусул.  
Ер Навойини тилар, эй кўнгул,  
Ё сени ўлдургусидур, ё мени.

\*  
\* \*

Юзи деграсида зулфи не ажаб муносиб ўлмиш,  
Хату холи аҳли динлар ишига муҳосиб ўлмиш,  
Санамим сужуд айлаб, бу ажаб, мувоқиб ўлмиш,  
Бути наврасим намоза шабу рўз роғиб ўлмиш,  
Бу надиндур, оллоҳ-оллоҳ, бута сажда вожиб ўлмиш.

Диши субҳасина инжу гуҳар этдуғи ҳаволат,  
Юкунуб қошина меҳроб дўна-дўна бинг хижолат,  
Ярашурки, шукрин этсам, бу қиёму қадду қомат,  
Асари қабули тоат анга вермиш ўйла ҳолат-  
Қи, қулуби аҳли ҳола ҳаракоти жозиб ўлмиш.

Нечаким жалюли ҳусни ҳавасимни комил айлар,  
Бу ажаб, рақибни шумим била завқ ҳосил айлар,  
Анга вердум ихтиёрим, йўқ ишимни шомил айлар,  
Фараҳим кўруб, жафосин ҳасанота дохил айлар,  
Не малакким, ул парининг амалина котиб ўлмиш.

Ситамингдин, эй юзи гул, яқин ўлдугум муқаррар,  
Ўкуш орзуда музтар, дагул орзу мусаввар,  
Гунаши юзунгдин, алҳақ, ўла хотирум мунаввар,  
Не ажаб, гар ўлса ғамдин дунуму кунум баробар,  
Назаримдин ул юзи гул неча кунки гойиб ўлмиш.

Нўла боқмоғунг вафодан, боша тушти ҳажр тавқи,  
Карам эт, сақин жафодая, бу эрур мурад фавқи,  
Неча Мирий ғусса тортар, юрагида тири шавқи,  
Ғами ҳажрдурки, ортар алам ила ишқ завқи,  
Ғалат айламиш Фузулийки, висола толиб ўлмиш.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ ВОЛА

Қўзумга тушти ул маҳваш туман минг иҳтишом ичра,  
Бошимга солли юз ошуб, минг савдои хом ичра,  
Унутмиш кабк рафторини, чу кўргач бу хиром ичра,  
Ешурмиш оразин ул ой ниқоби мушкфом ичра,  
Ниҳон бўлган киби кўздин қуёш рухсори шом ичра.

Хаданги етса, миннат бирла андин ўйрулур кўнглум,  
Ҳамоно нотавон жисм ичра жон деб, соғинур кўнглум,  
Емон ҳолимға гоҳи йиғлабон, гоҳи кулур кўнглум,  
Ададсиз захмлик тан ичра андоғ голпинур кўнглум,  
Ҳаводис зулмидин тушган ўшал қушдекки, дом ичра.

Қўзининг ғамзасидиндур хижолатда ғазоли Чин,  
Юзинг гулзориға фирдавс ила ризвон қолур таҳсин,  
Хабарсизларға қилманг ул қуёшни ишқидин талқин,  
Оғиз таънимға очмас эрди ҳаргиз зоҳиди худбин,  
Ани гар кўргай эрди лутф аро ҳусни тамом ичра.

Мени гардун ул ой ишқиди то кай имтиҳон айлар,  
Ситам хунобасидин шарбатим ўрниға қон айлар,  
Ул ой ҳуснин таманносиви хайли осмон айлар,  
Қуёшни партави кўзгуга тушгандек гумон айлар,  
Киши гар кўрса ул ой акси рухсорини жом ичра.

Таним заъф ичра ўлгай эрди, қувват топти ишқидип,  
Жаҳон савдосидин кўнглум фароғат топти ишқидин,  
Жунуним рустахез айларга рухсат топти ишқидин,  
Мени мажнуулиғим оламга шуҳрат топти ишқидин,  
Нечукким, ул париваш васфи ҳусни хосу ом ичра.

Жаҳон каж, кажравнишлар бирла кўпрак мунису ҳамдам,  
Тамиз аҳли била жоҳил қачон бўлгай даме маҳрам,  
Эрур ҳар жинс ўз жинсиға мойил, айши доно кам,  
Фигон бу чарх зулмидинки, доно қон ютар ҳар дам,  
Ичар нодон тараб жомини базми эҳтиром ичра.

Скандар қўйди-ю кетди мусаххар айлабон олам,  
Солиб юз навъ рустохезини, не бўлди жоми Жам,  
Гулидин истаманг ранги фароғатни, исидин ҳам,  
Кўрунур гарчи даврон гулшани, эй дўстлар, хуррам,  
Вафоу меҳр исин андин умед этманг машом ичра.

Биҳамдиллаҳки, толеъ ёру завқи мустадомим ҳам,  
Умедим субҳдин топти қуёш нурини, шомим ҳам,  
Муродим шишасидин мул бўлуб ҳар лаҳза жомим ҳам,  
Не ким истаб кўнгул, бўлди муяссар, улча комим ҳам,  
Умедим боғи рангоранг гул очти бу ком ичра.

Нечаким меҳр ул ойдин истадим, ҳар лаҳза деб, ё раб,  
Демас кимдур бу афғон этгучи ул шўҳи ширин лаб,  
Десам Мирийи маҳзунингдадур ишқ ичра тоби таб,  
Жаҳон боғида умредурки, бир гул васлини истаб-  
Ки, айлар Вола булбулдек наволар ҳар мақом ичра.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР

Сиҳи қалдингға таҳсин, сунбулистонингға салламно,  
Юзингға офарин, шамъи шабистонингға салламно,  
Улус кўргач мени, дер, пири Қанъонингға салламно,  
Деди Юсуф кўруб ёримни, жононингға салламно,  
Ани ишқида тоқат айлаган жонингға салламно!

Юзунгдин мужда бердинг, кўз тўкар ёш интизоридин,  
Кўнгул зулфинг хаёлин қилгач, айрилди қароридин,  
Табассум зоҳир айлаб, олдинг ақлим ихтиёридин,  
Лабингдин ваъда қилдинг бўсае, ўлдум хуморидин,  
Агар чин айғанинг бу бўлса, ялғонингға салламно!

Дариғо, мунча хўблуг бирла йўқтур аҳду паймонинг,  
Яқин, ўлдурса васл уммедида ҳар лаҳза ялғонинг,  
Бағирға захмлар кўрсатти сонсиз тийри мижгонинг,  
Қошинг ёси уза чин кўрди-ю, жон ўлди қурбонинг,  
Янги ойинг кўруб таслим, қурбонингға салламно!

Муҳайё кўзларимдур, мақдамингдин нур анга тегур,  
Жамолнинг партавидин байтул-аҳзонимға солғил нур,  
Жаҳон гулзорида сендек париваш нозанин йўқтур,  
Жинон боғига кирсанг, ҳуру филмонлар кўруб айтур:  
Ики норинг билан себи занаҳдонингға салламно!



Раво, эй сарвинозим, кўрма, бу бир неча ғамгинлар  
Қуюб фурқатда ўлғай, хўб эмас сендин бу ойинлар,  
Таолаллоҳ, қалнинг нахлидин очмиш ғунча насринлар,  
Билолмам, гул юза шабнамдурур ё иқди парвинлар,  
Буноғўшингда зулфунг, даври рухсорингга салламно!

Ичиб ағёрлар базмида май, эй ваъдаси ялғон,  
Мени жонимни олдинг, ғайр базмида бўлуб жонон,  
Бериб жон фурқатингда, бўлдум-ўқ ишқингда беармон,  
Жафолар дилраболардин кўруб тарк этмадинг, эй жон,  
Вафосизларга қилган аҳду паймонингга салламно!

Десам, кўнглум муроди сенсен-у дарди ғаминг, ҳошо,  
Фироқинг — мунисим, васлинг — муродим, матлабим аъло,  
Латофат боғида шарҳи жамолинг сафҳаси — туғро,  
Гулистони назокатсен баҳори ҳуснда гўё,  
Жаҳон ўлди муаттар хатти райҳонингга салламно!

Агарчи васлидин бебаҳрамен, жон дер ани фикрим,  
Ҳадис айларда они орзуси бирладур зикрим,  
Юзин кўрганда ўлсам, они кўйида қилинг қабрим,  
Сени кўрган маҳалда кетти ҳушум, қолмади сабрим,  
Будур гар субҳи васлинг, шоми ҳижронингга салламно!

Отинг ёдин қилурда, Мирий фикри соф ила айди,  
Жаҳонни жавҳари жонингга кам, сарроф ила айди,  
Тишингни дурр деганда, демагайсен, лоф ила айди,  
Қошинг бирла юзинг кўргач, Амир инсоф ила айди,  
Янги ойинг била хуршиди тобонингга салламно!

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИР

Котиби қудратни чеккан нақши паргорин кўрунг,  
Хуси аро машшотаи сунъ этган изҳорин кўрунг,  
Танға ул паргор кўрсатган намудорин кўрунг,  
Жон аро юз доғ ила кўнглумни озорин кўрунг,  
Сўнгра они хатту холу лаъли рухсорин кўрунг.

Оҳ — ҳамдам, нола — маҳрам, кўз ситам хунобида,  
Мунисим ғамдур, рафиқ — афғон, етуштум бобида,  
Истарам кўнгул қушин ром айламак қуллобида,  
Ҳалқаи зулфунг тилаб кўнглум, қошин меҳробида  
Анкабутедурким, они чирмаған торин кўрунг.

Мен неча қилдим фиғон, бир йўл кулуб уйрулмади,  
Ҳар неча додим фалакдин ошти, бир кўз солмади,  
Оғзи йўқлик, бели нозикликда, фикрим олмади,  
Ер белу оғзидин сомону сабрим қолмади,  
Йўқу боримни совурди, йўқ ила борин кўрунг.

Лоладек минг доғлар тоғи фироқингда манго,  
Кўз қароси оқ ўлуб, тушмас анга оқу қаро,  
Йиғларам ҳижрон қаронғусида мен, йиртиб яқо,  
Эй насиҳат аҳли, аччиғ йиғларимға ҳажр аро,  
Эътироз этманг, ани лаъли шакарборин кўрунг.

Жон саводин ишқ шоҳи қилди савдо бирла лой,  
Сабрсизлиқ бирла сомон этти яғмо бирла лой,  
Дурди майдин ё сабуи бода поло бирла лой,  
Дайр пири қилди туфроғимни саҳбо бирла лой,  
Айлади таъмир бу вайрона деворин кўрунг.

Эйки, ишқингда мени ҳар лаҳза қилгунг имтиҳон,  
Имтиҳонинг эмди бас қил, қолмади тобу тавон,  
Бир тақаллум қил: ҳадисингдур менга руҳи равон,  
Бир табассум бирла юз жон олдинг, эй ороми жон,  
Бир йўли лутф этмади, юз қатла озорин кўрунг.

Номан шавқим ўқурда, гул терарсен ногузир,  
Дўст коми шарбати исмингдин ўлгай баҳрагир,  
Кишвари ашъор Мири (й) мен, мен оллингда вазир,  
Ишқ иқлимини тасхир этти иқболим Амир,  
Хусраву Жамшиду Искандарни осорин кўрунг.

**МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ  
АМИРИ ХУҚАНДИЙ**

Қўюгда не деб тилай ҳарамни,  
Бас ёди рухинг, нетай эрамни,  
Меҳроб ила, зоҳид, урма дамни,  
Қошиға етурмагил қаламни,  
Бу хат била бузмагил рақамни.

Эй лола узори моҳ сиймо,  
Не деб қилайин гамингни иншо,  
Ислом элиға етушти ғавғо,  
Бутхоналар ичра ҳеч тарсо  
Бир кўрмади сен киби санамни.

Меҳмон менга ул ситамгар ўлса,  
Ваҳ-ваҳ, ватаним мунаввар ўлса,  
Бошим йўлунгга баробар ўлса,  
Нақши қадаминг муяссар ўлса,  
Найлай бу жаҳонда жами Жамни.

Лаълингни очиб табассум этгил,  
Беморингга боқ, такаллум этгил,  
Токай менга бу тазаллум этгил,  
Ошиқларингга тараҳҳум этгил,  
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Жон волаи анбарин шамининг,  
Тан телба мизожи долу жиминг,  
Олди хирадим даҳони миминг,  
Қўнглум қуши тойири ҳариминг,  
Сайд этма кабутари ҳарамни.

Овораларинг кўп этма музтар,  
Маҳшарда бу қилганинг сўрарлар,  
Бутратма асирларни, дилбар,  
То беватан ўлмасун кўнгуллар,  
Зулфунгдин айирма печу хамни.

Найлай, на қилайки, оҳ, ўлдум,  
Ҳажр илкда бегуноҳ ўлдум,  
Кел ёнима, бўл гувоҳ, ўлдум,  
Йўлунгда губори роҳ ўлдум,  
Бошимға етургасен қадамни.

Юз шукрки, ишқингга асирмен,  
Иқлими талабда беназирмен,  
Густохмен, олдингга далирмен,  
Сен ёрдин ўзга кимга дермен,  
Қўнглумдаги дард ила аламни.

Жаллод аёғи — қаҳр қони,  
Лаъл оғзи — ҳаёти жовидоний,  
Туткил қадаҳ, эй Жалоли соний,  
Бир коса шароби арғувоний  
Помол қилур ҳужуми ғамни.

Эй Дўст, бу халқ биридурсен,  
Ҳақ шафқатини назиридурсен,  
Ҳуш боргаҳини Мири (й) дурсен,  
Иқлими вафо Амири (й) дурсен,  
Эй шаҳ, бу гадоға қил карамни.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ АМИРИ ХУҚАНДИЯ

Элим тут, ишқ аро расвоу нодондурмен, эй соқий,  
Не нодон, телбалик даштида қолғондурмен, эй соқий,  
Лабинг саҳбосини истаб, бағир қондурмен, эй соқий,  
Элимда соғари саршору гирёндурумен, эй соқий,  
Хуморолудаи ул лаъли хандондурмен, эй соқий,

Не ҳожат қатл ишиға тортмоқ ханжар қуёшини,  
Ниқоб оч, қон тўкар бўлсанг, рухи анвар қуёшини,  
Кетурғил раз қизин, базм ичра тут асфар қуёшини,  
Чиқар хум машриқидин даҳр аро соғар қуёшини,  
Бу кўзгуда юзунг — ойна, ҳайрондурмен, эй соқий.

Сен ул олий гуҳарсен, етмас ўлсун ҳар гадо илки,  
Айирма доманингдаин софдил, соҳибдуо илки,  
Бағир қон ўлди, туткач кокулунг ҳар носазо илки,  
Чаманда сунбулингни тор-тор этти сабо илки,  
Бу қайғу бирла зулфунгдек паришондурмен, эй соқий.

Ерутдум тушда бир кўрмак хаёлинг бирла мажлисни,  
Сафо бердим, келур деб, эҳтимолинг бирла мажлисни,  
Келиб сен нур бер, наврас ниҳолинг бирла мажлисни,  
Мунаввар айлагил шамъи жамолинг бирла мажлисни-  
Ки, бу оқшом харобот ичра меҳмондурмен, эй соқий.

Ичиб май дайр пиридин, унуттум ҳуш ила тамкин,  
Биҳамдиллаҳ, бу соат топтим ўхшар миллату оини,  
Сен, эй зоҳид, менга кўп айлама кавсар сўзин талқин.  
Бугун пири муғон тақрир қилди жоми май васфин,  
Бурунги зуҳду тақводин пушаймондурмен, эй соқий.

Қачан ҳашмат менга матлуб эрур, Искандаро, Рай тут,  
Унутғил салтанат; фақр аҳлидин, Ковус эсанг, кай тут,  
Хумор ўлдургудекдур, соқие, бот бўл, асиф май тут,  
Лабо-лаб айлабон, бир неча соғарни паё-пай тут,  
Хумор андуҳидин бесабру сомондурмен, эй соқий.

Қачонким илтимос этдинг, тафаккур заврақин сурдум,  
Ҳазин овора Мирий фикратин ҳар сори чоптурдум,  
Биҳамдиллаҳ, муродим ончаким бор эрди тиндурдум,  
Юзунг хуршедини то жоми майда жилвагар кўрдум,  
Амири оламу Жамшиди даврондурмен, эй соқий.

\* \* \*

Ситам қилурсен агар, айлама неча таъхир,  
Нединки, хайрга таъхир ила эмас тадбир,  
Юракда неши гамингдин етушти кўп тавфир,  
Ниҳоний дардларим зоҳир этти бетақсир,  
На ҳадди он ки, забонам кунад варо тақрир.

Яме зи ҳар сари мижғони ман намудор аст,  
Рамида дил зи ғамат, чанд волау зор аст,  
Ба жону дил шабу рўзам туро харидор аст,  
Тараҳҳуме бинамон варо сазовор аст,  
Ки ногаҳ оҳим ўти қилмасун сенга таъсир.

Дегил, недур сенга мақсуд, эй бути Жамжоҳ,  
Рамида хотирима ҳар замон етар икроҳ,  
Бу хаста ошиқи зорингни айлагил огоҳ,  
Тонуғ десанг, кетурай икки кўзларингни гувоҳ,  
Қасам ба зулфи ту, эй шаҳриёри оламгир.

Хуш аст, жони манат ҳар замон фидон ту бод,  
Сари азизи ман ҳар лаҳза хоки пой ту бод,  
Зиҳи саодат он тан, ки дар жафои ту бод,  
Шаҳаншаҳон ҳама дар хидматат, гадои ту бод,  
Хаданги ноз ила оламини айладинг тасхир.



Видоъи зуҳд ила тақво мани шиоримдур,  
Хирад фасонасидин дема сўзки, оримдур,  
Қуюндек уйрулубон ҳар қаён гузоримдур,  
Демаиғ қуюн, мени саргаштани ғуборимдур,  
Ба ҳар кужо ки бубини чунин ғубору нафир.

Асири қомати дилчўи туст сарви равон,  
Бинафшаро зи хати мушкини ту расида хазон,  
Ба чашми наргиси масти ту оҳувон биръён,  
Зи хандан лаби лаъли ту ғунча шуд хандон,  
Каманди зулфа кўнгулларни айладинг занжир.

Чаман таровати рухсори бокамолингдин,  
Хумори бода лабинг шарбати зулолингдин,  
Биҳишт нашъу намоси қадинг хаёлингдин,  
Тараҳҳум эт мангаким, ўргулай мисолингдин,  
Нишастаанд ба роҳат ҳама сағиру кабир.

Ҳавои васли ту дар ҳар дилеки жо дорад,  
Сари умед зи чархи даний ҳаво дорад,  
Жаҳон зи оҳи заифони ту жило дорад,  
Фалак зи хуни шаҳиди ту рангҳо дорад,  
Сен они дема шафақ, солди даҳра миҳри мунир.

Жафоси зор кўнгулларни дардиға дору,  
Ачиғ сўзи ёралиғ бағрима ёқар чу сабу,  
Демангки, неши ғамидин юракда қондур бу,  
Нишонни ишқи учун тақмишам неча лўълў,  
Зи баҳри қатли ман ҳар гаҳ ки аз ту ояд тир.

Адои наргиси масти ту ҳушёрон аст,  
Фидои ҳар қадамат жумла кажкулоҳон аст,  
Асири ғамзаи нози ту хубрўён аст,  
Ғубори кўчау кўи ту шаҳсуворон аст,  
Гадоу хоки раҳингдур ҳама амиру вазир.

На ҳусн кишвари қолди, на илм офоқи-  
Ки, тангри фазлу ҳунар ичра айламиш тоқи,  
Замири покинга маҳфуз тангри авроқи,  
Етиб эмди жонни нисор айламоқда муштоқи,  
Қамина Мирии овора камтар аз қитмир.



Шакарсўзлик тилингдин булбули хушхонлар айлансун,  
Не булбулким, масалдур, лавҳи ширин жонлар айлансун,  
Баҳори оразингдин боғ ила бўстонлар айлансун,  
Не боғу қайси бўстон, жаннату ризвонлар айлансун,  
Бу мавзун қоматингдин ҳур ила филмонлар айлансун.

Юзунгни ою қаддингни демакда сарв, борму ҳад,  
Юзу қаддингга ою сарв мактабхон эрур абжад,  
Жамолинг сафҳасида икки қошинг, ваҳ-ваҳ, икки мад,  
Бу мусҳафларни тавфи мақсадимдур, қилмағил сен рад,  
Муаллимлар фидо андоқки, абжадхонлар айлансун,

Рами оху кўзунгдин шаммае бўлмиш намудори,  
Қачон оҳуда бўлмиш мунча жодугарлиғ изҳори,  
Тараҳҳум қилки, бўлмишмен бу жоду кўзни бемори,  
Езиб юзу кўзинг васфин, қилай бўйнымға тумори,  
Бу туморингдин, эй бадмеҳр, ҳирзи жонлар айлансун.

Мен ул юз мубталосименки, дардимни иложин қил,  
Фироқинг ўтиға ўртанди жисми зор ою йил,  
Ниҳоятсиз ғамимни сенга изҳор этса, қони тил,  
Аё эй сарви сийм андом, лутф айлаб, ўзинг келғил,  
Тилингдин садқа тўти, ҳур ила филмонлар айлансун.

Ҳаромилар билан бўлма мусоҳиб, жондин ортуқсен,  
Ҳалоким вақтидур, бот келки, худ дармондин ортуқсен,  
Масиҳо манзилатсен, ругбада осмондин ортуқсен,  
Аторуд юзли, ширин сўзлисен, кайвондин ортуқсен,  
Зухал садқанг бўлуб, эй чеҳра гул, кайвонлар айлансун.

Маломат гардини юқтурмагил домонингга асло,  
Бу ҳусни хулқа илму фазл касб эт, хатни қил имло,  
Тилар бўси каноринг, эй париваш, омию мулло,  
Хирад аҳлини жисми ичра жон бўл, давлати узмо,  
Хирад аҳлида сўз йўқ, ҳуши йўқ нодонлар айлансун.

Демон, эй муғбача, Мирийни бир дам меҳмони бўл,  
Етушмиш лабга жони, қайтадин жисмига жони бўл,  
Фироқу ҳажр муҳликдур, келиб руҳи равони бўл,  
Ғаминг нешида қолмиш, бот етушгил, нўши жони бўл,  
Сўзингдин мужда еткургилки, нўши жонлар айлансун.

## НАВОИГА МУХАММАС

Гар узотсам сўз, хаёл андин паришон ўлмасун,  
Орзу гар зоҳир этсам, тарҳи ёлғон ўлмасун,  
Эй умедим сарви, сенсиз менга бўстон ўлмасун,  
Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон ўлмасун,  
Сен бўлубсен тубийю фирдавси ризвон ўлмасун.

Мардуми дийдам ҳарими хизмата маҳрам қилинг,  
Гарчи улдур беадаб, лекин бу ҳурматдур менинг,  
Ҳар на сендин келса, жоним узра миннатдур, билинг,  
Деб эмишсен, куйдурай, деб доғ ила кўнглин анинг,  
Ҳар нечук доғ ўлса ўлсун, доғи ҳижрон ўлмасун.

Эй кўзумни мардуми, хунобалиғ ғамдин қутул,  
Меҳри кўнглум кулбасига қилди маскан, шод бўл,  
Эй муродим шахси, қўл қовуштириб ҳар дам букул,  
Ул пари кўнглумда меҳмон ўлмиш, эй жон, воқиф ўл,  
Оҳ ўти дуд этмасун, захм ичра пайкон ўлмасун.

Эй кўзумни нури, кўз нури кетибдур ғам аро-  
Қим, ғами нури кўзумдин қолмишам мотам аро,  
Қил вафодин шод, йўқ сендек манга одам аро,  
Даҳр боғининг вафоси йўқ эмиш олам аро,  
Айтинг, ул гул ҳусниға мағрур чандон ўлмасун.

Сен, сену меҳринг садоқат бирла тамҳидим, соғин,  
Ҳожатимни қил раво, ҳижронга кўп ўртанмагин.  
Мирӣй, жонинг нақдини илкинга ушлаб тўхтагин,  
Деди:— Жон бергил, дағи ўпгил оёғим туфроғин.  
Эй Навоӣй, тезроқ ўлғил, пушаймон ўлмасун.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ ФУЗУЛИЙ

Дишмудур ёхуд дизилган дора имжулармидур,  
Икки дўлан оиму ё ул ики рўлармидур,  
Ул дағи икки ҳилол ё икки абрўлармидур,  
Гўшан абрўларингда чашми жодулармидур,  
Йўқса кирмиш ёя тирандоз ҳиндулармидур.

Оразингга сочти гавҳарлар, нисор айлаб салаф,  
Найшакар бош индуруб, чекти лабинг оллинда саф,  
Дутма пинҳон бандин онлар (ни), дегил, эй зий шараф,  
Иқди шабнамдур гули тар узра ёхуд ҳар тараф  
Қатра-қатра хайидин ё гул уза сувлармидур.

Офтоби оламоро солдиму оламға нур,  
Ё ниқобинг олдинг ораздан, эдуб ҳуснинг зуҳур,  
Билмоям, бул иккени иккиға бангзатдим, надур,  
Икки аждардурки, бир ганж узра бош қўймиш ётур,  
Ё мусалсал оразинг давринда гисўлармидур.

Нўвла фарёд этмайин ҳажрингда, бан йиртуб яқом,  
Етмоқ ўлмаздан гадо, сан бир шаҳи олимақом,  
Оғларам васлинг дилаб, жоно, эшитгил субҳу шом,  
Ашки чашмимдур сари зулфинг хаёли-ла мудом,  
Ё дизилмиш риштаи мушкина лўълўлармидур.

Гўрмади Мирий бу гулшан гулларидин ҳосиле.  
Ўлмади Фарҳоду Мажнун Лайли, Ширин мойили.  
Сонма, булбул гулни ҳажринда куюб, қолди кули,  
Санмусан онжақ, Фузулий, бўйла хўблар мойили.  
Йўқса ишқ аҳли қаму сандақ баложўлармидур.



## ТАРЖЕЪБАНДЛАР.

Соқий, карамни кесма, кетур тўлдуруб аёр,  
Беҳудлуғум замони етушти, топай димоғ,  
Ҳушу хирадни елға совур, лаҳза қўйма сор,  
Ҳеч кимсага вафосини қилмас бу кўҳна боғ,  
Кетти қўюб мени ғами оламға, тут қулоғ,  
Мен мунда доғ қолдиму ул анда қолди доғ.

Лайли ғамида айлади Мажнунни дарбадар,  
Номусу нанг ташлади беҳушу беҳабар,  
Лайли итини мақдамидин гар топиб асар,  
Бошини саждасиға қўюб дер эди магар:  
Кетти қўюб мени ғами оламға, тут қулоғ,  
Мен мунда доғ қолдиму ул анда қолди доғ.

Фарҳоди нотавон ғами Ширинда зор этиб,  
Ҳам шавкату ҳукуматини тору мор этиб,  
Мискин атосини кўзини жўйбор этиб,  
Дер эрди, барқи тешаи оҳин шарор этиб:  
Кетти қўюб мени ғами оламға, тут қулоғ,  
Мен мунда доғ қолдиму ул анда қолди доғ.

Байтул-ҳазанда ҳазрати Яъқуб этиб ваган,  
Юсуфга дарди доғ этиб ўз ағосидан,

Даврон ишига ақлу хирад зору мумтаҳан,  
Айлар бу нола турфа Зулайхои ишқ фан,  
Кетти қўюб мени ғами оламға, тут қулоғ,  
Мен мунда доғ қолдиму ул анда қолди доғ.

Афсус, даҳр золидин ўтмиш дами фароғ,  
Гуллар терилди барчаси, қолмиш қуруғ булоғ,  
Соғар шикаст топти, қолиб бодасиз аёғ,  
Шавқию Вола кетти-ю, Мирию кўҳна боғ,  
Кетти қўюб мени ғами оламға, тут қулоғ,  
Мен мунда доғ қолдиму ул анда қолди доғ,

\* \* \*

Жононага еткурай паёмим,  
Ул қўй итига қилай саломим,  
Эй мурбача, англағил каломим,  
Соқий, тут ичиб қўлумга жомим,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон.

Эй сарв қадингга садқа шамшод,  
Бир лаҳза асиринг айлагил ёд,  
Ҳажр ўртади, кимга айлайин дод,  
Раҳм айла қулунгга, эй паризод,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон.

Ваҳ-ваҳ, не бало, балон жонсен,  
Не офати жони нотавонсен,  
Бу турфа жафода имтиҳонсен,  
Ҳаққо, тани зорима равонсен,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон.

Ҳайвон суйидур лабинг булоғи,  
Қўрсатти шакар тилинг аёғи,

Қўнгул қушини сочинг тузоғи.  
Жон булбули дер, қилиб сўроғи:  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон.

Эй кўзларинг оҳудин олиб рам,  
Жодулиғ ишини тиндуруб ҳам.  
Қон тўккали кипригинг мусаллам,  
Ҳар неча отарсен, айлама кам.  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон.

Ўлдум ситамингдин, эй юзи гул,  
Не сабр кўнгулда, не таҳаммул,  
Афғонима қайда тоби булбул,  
Сен тоза жувонға мен қари қул,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон.

Ор этма бу зор хасталардин,  
Лутф этгилу ташлама назардин,  
Афғонлари холи йўқ асардин,  
Ўт зоҳир этар дами шарардин,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон.

Лаб нўшини жонима даво қил,  
Комимни бериб даме вафо қил,  
Йўқ тилки, ҳариминг ичра жо қил,  
Ул кўй итиға ошно қил,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзингга — гулу гулистон

Додим сенга зору хасталиғдин,  
Бечоралиғ-у шикасталиғдин,  
Фарёдим эрур бу телбалиғдин,  
Зулфунгга кўнгулни басталиғдин,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзунгга — гулу гулистон.

Девонани кимса айб қилмас,  
Оқил киши телбага қотилмас,  
Девона ҳам айб қайси, билмас,  
Оғзида недур сўзи ёнгилмас,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзунгга — гулу гулистон.

Ишқинг била шукрким, эмон соғ,  
Гоҳи заған олдима, гаҳи зоғ,       8  
Бир дам чаман ичра, бир замон тоғ,  
Мирий, тиларам ғами аро боғ,  
Сарви қадингга фидо этай жон,  
Раъно юзунгга — гулу гулистон.

## ТАРЖЕЪБАНДИ МУСАММАНИ ТУРКИ

Мужда берди манга бир сарв қаде, сиймбаре,  
Юзи — гул, писта оғиз, бир бути чобук назаре,  
Сарв қадди бош-оёғ боғи малоҳат шажари,  
Ҳусн афлокида маҳпора, қуёш жилвагаре,  
Лутф дарёсини бир нодира якто гуҳари,  
Ноз боғини назокатлу ниҳоли самари,  
Даҳр айвонида бир садрнишин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Деди:— Сенсен мени васлимни таманно этган,  
Нақди жон бирла ғамим жавҳарин оро этган,  
Ишқ бозорида Мажнун киби савдо этган,  
Нангу номус қўюб риндлиғ имло этган,  
Ўзини ишқни майдонида расво этган,  
Ваҳ, не маҳдур менга бу лутфни гўё этган,  
Даҳр айвонида бир садрнишин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Жонни бу муждага, эй Дўст, фидо қилсам хуш,  
Бу таманнода кўнгул комин адо қилсам хуш,  
Булбули жон чамани шавқингга жо қилсам хуш,  
Бенаво жисм навосини раво қилсам хуш,  
Хотири хастанни кўюнгга гадо қилсам хуш,

Жон бериб, сен киби дилдор дуо қилсам хуш,  
Даҳр айвонида бир садрнишин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Сен киби нодирадин хушдурур ойини вафо,  
Ярашур мен киби овора сенга бўлса фидо,  
Сендин улдурки, навосизга бериб васл ато,  
Бенаволарни сазовори дурур шарти ризо.  
Қади лутдунгга вафо хилъати, ваҳ-ваҳ, не сазо,  
Ул қаду ҳуснунг учун ишқ элиға авли дуо,  
Даҳр айвонида бир садрнишин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Гарди роҳингни супургуси сақолим бўлсун,  
Маркабинг наъли — кўз, эй қоши ҳилолим, бўлсун,  
Турсам, ўлтурсам, умедингда хаёлим бўлсун,  
Шарбати лаъли лабинг ёди зулолим бўлсун,  
Мусҳафи шавқи узоринг хату холим бўлсун,  
Ояти ҳусну жамолингда мақолим бўлсун,  
Даҳр айвонида бир садрнишин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Ўргулуб гирди ҳаримингда, не хуш, берсам жон,  
Куфри зулфунгни қаронғусида топсам иймон,  
Равшан этсам юзинг анворида байтул-аҳзон,  
Юсуфи шавқингга кўр ўлди кўз, эй руҳи равон,  
Айла, пирохани уммед очиб, нур аён,  
Умрлардур талаби васлингга пири Канъон,  
Даҳр айвонида бир садрнишин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Садқанг ўлсам, не ажаб, ҳур эмас ҳамқадаминг,  
Ўзгани шафқатидин хуш манга ошубу ғаминг,  
Ғайрни ҳурматидиндур манга хушроқ ситаминг,

Дилу жон, жону дил, эй ҳур, гадои ҳараминг,  
Еди васлинг мангадур бас, на қилай жоми Жаминг,  
Ҳар не сендин етар — улдур карами дамбадаминг,  
Даҳр айвонида бир садришин номваре.  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Сарв қаддингга сиҳи сарвни оворалиғи,  
Гул гулистони юзунг истаю бечоралиғи,  
Оғзинг асроридадур ғунча дил афгоралиғи,  
Моҳи рухсорингга афлокни маҳпоралиғи,  
Чарх юлдуздин очиб кўз сенга наззоралиғи,  
Карам эт, неча бу ғамхорани ғамхоралиғи,  
Даҳр айвонида бир садришин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.

Ҳошалиллаҳ, ики оламда дилоромимсен,  
Онг ичай мусҳафи рухсоринггаким, комимсен,  
Оразинг субҳи муроли саҳару шомимсен,  
Билдилар омки, мағлуби маҳу омимсен,  
Гули умрумсену маҳбуби гуландомимсен,  
Демадинг биргина йўл, Мирийн бадномимсен,  
Даҳр айвонида бир садришин номваре,  
Башар авлодини озодасию муътабари.





Соқий, пиёла тутки, қилай рафъи дарди доғ,  
Очилмади фалак ситамидин манга думоғ,  
Етдим деган замонима чарх айлади йироғ,  
Ул дилнавоз бир куниким қилди сайри боғ,  
Мен зори нотавонини қилмоқ учун сўроғ,  
Заҳробаи фироқ ила тутгач фалак аёғ,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда қолди доғ.

Оҳим шарори бирла фалак пора айласам,  
Ою қуёшини юзини ёра айласам,  
Юлдузларини бутратиб овора айласам,  
Бузсам фалакни қасрини юз пора айласам,  
Ғамхор хотирим киби ғамхора айласам,  
Оҳлар уруб юзини ани қора айласам,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда қолди доғ.

Эй чарх, бу ситамни менга нега айладиңг,  
Мендак ғарибу хастагаму етди ё ҳадинг,  
Ерим кўрай деганда, недур. бу сифат радиңг,  
Хушнуд бўлсун иккиси бир лаҳза демадиңг,  
Сайрингни қўймадиңг, ани сайрини боғладиңг,  
Сарви равонни боғ сорига юбормадиңг,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда бўлди доғ.

Доғимга доғ солдию ғамхор қилди ишқ,  
Ағёрларга дилбарими ёр қилди ишқ,  
Хайхот, кўп балоға гирифтор қилди ишқ,  
Они асири хонаи девор қилди ишқ,  
Мени туман жафога сазовор қилди ишқ,  
Иккимизни икки ера' ночор қилди ишқ,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда бўлди доғ.

Ул анда фурқатим била кўксиди доғлар,  
Мен мунда васл шавқи била тардумоғлар,  
Ул еткуруб паёмини гар учса зоғлар,  
Мен мунда ҳар сочим бошидин бир қулоғлар,  
Бот кел, мижамни зулфинга айлай тароғлар,  
Қўйма қалам ер узра: очуқдур қучоғлар,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда бўлди доғ.

Еггил ёнимга тез, тасаддуқгинанг кетай,  
Тўхтат инони марҳаматинг бир нафас, етай,  
Ҳамроҳи илларинг қил, ўзумни мен овутай,  
Токай ғаминг пиёласини тўлдуруб ютай,  
Қайси ғамингни қиссасини шарҳини битай,  
Е бер жавоб, бўйла юрушдин кечиб итай,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда бўлди доғ.

Жоним қилай тасаддуқи боқишгинанг сани,  
Дурри гаронбаҳому дейин тишгинанг сани,  
Бўлгум фидоу садқай нолишгинанг сани,  
Ҳажрим юкини тортмоқ эрур ишгинанг сани,  
Қўйнулда бўлса кошки фиш-фишгинанг сани,  
Не навъ ҳажр арода ўтар қишгинанг сани,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда бўлди доғ.

Дема, бу дард бир мени жисмимга солди доғ,  
Ут солди фурқатинг тани зоримга лоғ-лоғ,  
Туфроқға тенг бўлур ситамингивия, эшитса тоғ,  
Бир ердамиз иккимиз-у фурқат юз йилча чоғ,  
Қўрқармен эл маломатидин, тебрасам аёғ,  
Тутсам қўлунгни саҷратиб. андоғки арғумоғ.  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда қолди доғ.

Ишқинг жунуни гоҳ қилур масту беҳаёл,  
Дер. ақлу ишқ жамъида сўз йўқтур эҳтимол,  
Кеч ордин, ўзунгни бу лам телбаликка сол,  
Не навъ бирла бўлса, паривашни қўлга ол,  
Муфтни ишқ кимга берур фатвин убол,  
Маҳзар юзидин олгину муҳр айла хатту хол,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда бўлди доғ.

Қайси чаманни сарвинга бор қоматинг адил,  
Йўқ бўстонни гуллари чеҳранг киби жамил,  
Ким ўхшатур кўзунгга сени рамзи салсабил,  
Бир дамда жон берур, яна бир лаҳзада фатил,  
Йўқ боғи даҳрда санидек, худ ўзунг дегил,  
Инсоф айла, йўқ манидек ошиқинг залил,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда қолди доғ.

Фаттон кўзингни лойиқи наргисмудур?— эмас,  
Е себ ғабгабинг ила мунисмудур?— эмас,  
Дарси ғаминг мажоли муларрисмудур?— эмас,  
Ишқинг наҳанги батнида Юнисмудур?— эмас,  
Дурри лабингда дарри мажолисмудур?— эмас,  
Асрори оғзинг англағучи ҳисмудур?— эмас,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда қолди доғ.

Ғар шиквани фалак сари қилсам, эмас ажаб,  
Андин эрур таним аро юз печу тоби таб,

Мендек паривашимда ҳам айнуқса бор тааб,  
Чарх этмади ишимга мадоро учун сабаб,  
Астағфируллаҳ айғилу ҳам тут ўзинг адаб,  
Сўзда тилингни сақлаки, ҳақ этмагай ғазаб,  
Мен мунда доғ бўлдуму ул анда қолди доғ.

Ҳосил бу ишқдин менга доғ ўлдию алам,  
Мақсад йўлига мумкин эмас кўймоғум қадам,  
Минг қайд бирла сарви равоним кўрар ситам,  
Йўқтур иложи корим этарда бировда ғам,  
Тангри магар ишимга карам қилса, лутф ҳам,  
Мирий, сиёҳномада кўптур сияҳ рақам,  
Ман мунда доғ бўлдуму ул анда қолди доғ.

## СОҶИЙНОМА

\* \* \*

Кетур, соқинё, жоми гулгун менга,  
Ҳужуми ғам урмай шабихун менга.  
Хаводис туман минг, аду беадал.  
Рақиб ул иккидин ҳам афзун менга.  
Сучук тиллик аҳбоб бир сўз била  
Аловат йўлин ушлар ҳар кун менга.  
Қарам айла, май бирла еткур футуҳ-  
Ки, бўлмай туруб иш дигар гун менга.  
Жаҳон ҳодисотиға йўқ эътимод,  
Эрур имтиҳон бахти вожун менга.  
Бурун тифл эрдим, йигит айлади.  
Йигитликда юз шева шовқун менга.  
Алоло солиб, телбараб базм аро,  
Еруғ кун бўларди қаро тун менга.  
Бўлуб сарв қадлар аёғига паст,  
Элимда аёғ, ичкулук — хун менга.  
Қаро кўзни истаб қаро кечалар,  
Қаро хотирим остин-устун менга.  
Қарорим кетиб, ору номус ҳам,  
Олиб ёди бир қадди мавзун менга.  
Бўлуб васл Лайлисидин комжў,  
Туман шармсор эрди Мажнун менга.  
Пари чеҳра Ширин лабе ёдида,  
Хижил Кўҳкан, балки ҳомун менга.  
Пушаймонлиғ ичра эдим шармсор,

Қаро кўздин афзун қаро кун менга.  
Бериб бода, тутти қўлум муғбача,  
Муродимча уйрулди гардун менга.  
Ҳаримимда очғач юзидин ниқоб,  
Аёғига туштум, кўруб офтоб.

\* \* \*

Кетур, соқиё, майли табъим — шароб,  
Хумор этгудек хаста кўнглум хароб.  
Хумор илкида нотавон этма кўп,  
Элим тутки, ўлдургудек изтироб.  
Фарибу ситамкеш мен нотавон-  
Ким, ишқ ичра йўқтур менга хўрду хоб.  
Хиромон қадингдур хиромон тазарв,  
Хиёбони ҳуснингда юз обу тоб.  
Эшит нотавонлиғларимдин хабар,  
Эшит бори худ, йўқ сўзимга жавоб.  
Тараб базмидин гарчи туштум йироқ,  
Итинг сониди қил Итим!— деб хитоб.  
Бу мансабда гар бахтим этса мадад,  
Муродим сари худ эрур фатҳи боб,  
Қаро кўзу мижгонларинг садқаси,—  
Десам қонлу кўз, хам қад, этма итоб.  
Жамолинг муборак, камолинг не дей,  
Камолинг муборак, жамолинг — китоб...  
Юзингдин кўтар парда, эй нозанин,  
Қачон юзга бурқаъ тутар офтоб.  
Биҳамдиллаҳ, ул кўзларим мардуми  
Сўраб ҳолатим ул қуёш интисоб.  
Чу арзим қилгач анга бе ибо,  
Кириб келди айвонима беҳижоб.  
Ҳаримимда очғач юзидин ниқоб,  
Аёғига туштум, кўруб офтоб.

\* \* \*

Кетур, соқиё, гашла юздин уёт,  
Қалаҳ мэй била бер ғамимдин нажот.  
Уёт худ насбим мени даҳрдин,  
Юз андешада умри худ бесабот.  
Қаламдек сиёҳийға бошим нигун,  
Қаролиғда кўнглум нечукким давог.  
Ишим коғаз оқиға солмоқ қаро,  
Ўтуб бўйла беҳудалиқда ҳаёт.  
Очиб ҳарза сўзларга тилдек кўзум,  
Кўзумдек кезиб кўнглум олти жиҳот,  
Хаёл ичра юз навъ савдон хом,  
Ҳумо соясин истаб, урмоқ қанот.  
Уғуллиғдин айлаб ато мунфаил,  
Хижолатға мендин қолиб уммаҳот.  
Ману мо бути бирла мен бутпарасг,  
Ишим шармсор этти лоту манот.  
Адосида исёни жаҳдим баса,  
Қазо қилмайин деб тузаб минг адот...  
Кўнгул таҳ-батаҳ қонға тушса, не кам,  
Хато бениҳоят, гунаҳ қот-қот.  
Илоҳий, камимға карам айлабон,  
Равон айла айни атодин Фурот.  
Карам дилрабосини кулбам сари  
Вафо жодасидин кўзини қарот.  
Ҳаримимда очғач юзидин ниқоб,  
Аёғига туштум, кўруб офтоб.

# РУБОИЙЛАР ВА ҚИТЪАЛАР

\*  
\* \* \*

Хат сабзаси лаб чашмасидин жилванамодур,  
Ҳайвон суйин атрофида кўп сабз қабодур.  
Жон берсам эни шавқида, аҳбоб, еманг ғам,  
Жон олғучи, жон бергучи ул қоши қародур.

Ҳусни мардумлиғ истаса жоҳинг,  
Хома янглиғ кўтарма бошингни.  
Сарфароз аҳлидин тавозуъ хуш,  
Иста бу йўлдин интиошингни.

Эй, жонингга садқа жоним, жоним,  
Қон тўкма, фидо қонингга қоним, жоним,  
Мижгонларинг ҳар бири эрур бир ништар,  
Яъни ҳадаф эт анга равоним, жоним.

Хў қандға хў қанд қилиб, истама ком,  
Шаҳди тили ҳар лаҳза етургай дашном.  
Ширин дема — Фарҳодфиган; қадди дуто  
Ул зол киби тилида ёлғон пайғом.

Эй, кошки бўлсайди Бухоро ватаним,  
Хоросидин ошкор файзи чаманим;  
Туфроғида тўтиёни хосияти бор,  
Хоросида парварда гули ёсуманим.





Салом десанг, агар мавлавий жавоб демас,  
Қатиқ ҳадис била хотирини оғритма;  
Салом «син»идек оғзингда ҳар тишинг арра,  
Бу аррани яна маҳзун таниға беркитма;  
Қўнгулни соф қилиб, ушла эҳтиромин ани.  
Сучук тилингни нисор айла, кўнглини инжитма.

Оллоҳ-оллоҳ, бу чархи буқаламун  
Телбаси соғ-у соғи бошида санг.  
Чағир оғзида, субҳа илкида,  
Эй хирад хайли, бу балоға қаранг.  
Бўйла расволиғ ичра расволар  
Они банги дегай, муни данг-данг.  
Еринг эл олди, тифл эдинг берди,<sup>1</sup>  
Эй имоми замон, ачиғланманг.  
Елборурлар бу хайл орқангда,  
Сажда одобини бажо ушланг.

Гар тутарсен қулоққа панд, эшит,  
Бебаҳо дурр билиб, анга беркит.  
Дема отам фалони муллодур,

---

<sup>1</sup> Учириб қайтадан ёзилган бу мисранинг мазмуни аниқланмади.

Е фалон бек ёнида мирзодур.  
Осилур ҳар қўй ўз аёғи била,  
Англа пандим қўнгул қулоғи била.

Кимки ширин тилу пиёда сифот,  
Фил агар ўтру келса, айлар мот.  
Ҳар ширин тилға берма қўнглунг ҳам,  
Қўп ширин тил сафои қўнгул кам.  
Зарварақ тўндин истама роҳат,  
Далқи пашминадин тут амният.

Ақли комилни имтиҳон қилдим,  
Халқнинг айбидин сарафканда.  
Турфа буким, ҳаёси комилни  
Шармсизлар дер они шарманда.  
(Кети) очилганига бўлмай иши,  
Йиртуқ амомаға қилур ханда.

Ўзини билмаганга қилма ситез,  
Хоса шаллоқии шарорат ҳуш.  
Қизға фахр этса, ўғлига минг ноз,  
Кўзға иссиғ кўрунса меҳри кумуш,  
Анға яндашма, дема яхши-ёмон,  
Истасанг ор, қил ўзунг хомуш.

Бу замон — не замон, маозаллоҳ,  
Тоат аҳлида ҳақ ризоси эмас.  
Гар жамоат берурга жазм айлар,  
Фикрида ул сунан адоси эмас.  
Рўзи имсокида қилиб рўза,  
Хатм ройида жуз риёси эмас.

Мўъмин улдурки, нафъи ом истар  
Гоҳ тилдин, гаҳи аёғ била.

Яхшига кўрсатиб тамаллуқини,  
Йўлни эмин қилур чароғ била;  
Фитна хайли салоҳин истарда,  
Нафъ тил қилмади, таёғ била!

Эй бийик рутба, ожиз илкин тут,  
Бўлса қасдинг худо ризоси учун!  
Берганин шукрида ато айла,  
Сенга берганларин атоси учун!  
Бериё базл моли холисдин  
Айла инфоқ ани дуоси учун!

Оллоҳ-оллоҳ, бу чархи шаъбадабоз  
Ранг-баранг нақш ила фасона тароз.  
Тили ширини тўти айлаб асир,  
Шохдин шох зоғ этиб парвоз.  
Аҳли донишға еткуруб юз ранж,  
Жоҳили беҳунар бўлуб мумтоз!

Фоқадин улки, кўрмас илки дирам,  
Емасун, бедирам деб, илкига ғам.  
Гоҳ гул шохи мушт зар очилур,  
Мушт зар гаҳ хазон берур барҳам.  
Қил умединг қавийки, омдурур  
Офтоби инояти ҳама дам.

Бировки, дағдаға солди бошиға мардумлиғ,  
Ҳузури мажлисида хони лутфи ом керак.  
Кўтарса туғ бошиға меҳмонни хидматида,  
Ялов туғи киби рухсор очиб, қиём керак.  
Шакар тилнини ҳадиси била қилиб хурсанд,  
Белида фўтаи хидмат, элида жом керак.

Уч иш мусаллам эрур уч кишидин, эй оқил,  
Керак бу уч била тутса сулук одобин:  
Баланд мартабадин паст хайлиға шафқат,  
Ки бехирад кишиға ҳуш хайлидин тамкин.  
Ҳужуми феқа била улки жонға етмиш. аяга  
Ғанийдин ул ярашурким, узотса лутф қўлин.

Умед айлама бадасл, бенасабдин лутф.  
Ки, тарбиятда қачон андалиб зоғ ўлмиш.  
Анони қорнидин ул келди гунги модарзод.  
Умед қилма сўз андин, қачан қулоғ ўлмиш.  
Салом истама девонадин, эрусен соғ,  
Кишилиқ арзимағай, гэр садоси тоғ ўлмиш.  
Насибанг ўлди балоғат, сувдур балиғ ватани,  
Балиғи маърифат ул завқинга булоғ ўлмиш.  
Тақаллуф ила сақол оқини қаро айлаб,  
Тиши — тароғу очуқ оғзи ит ялоғ ўлмиш.  
Бурут бодига, ваҳким, бурун ясаб миқроз,  
Бу чангал ичра очуқ оғзи гўр-жоғ ўлмиш.

Дунё уйига келдику қўндуқ бир-икки кун,  
Лозиммудур карим қўноқдин ҳисоб олур?  
Чўпон таёқ ила уруб ўлдурса қўйни,  
Кимса дегайки, бой таёқдин ҳисоб олур?  
Тўкса аёғчи бодаси(ни) изтироб ила,  
Деса бўлурму, соқий аёқдин ҳисоб олур?

## ВОҚЕАБАНДЛАР

\*  
\* \* \*

Эй саховат элини сардори,  
Эй шижоат элин жилодори,  
Эй мурувватда кўҳ тамкиндек,  
Эй диёнат йўлида бекиндек,  
Ҳақ бу давлатни мустадом этсун,  
Дарғаҳингда жаҳон ғулом этсун.  
Айшу ишрат била ўтуб тун-кун,  
Офият бирла айласун мақрун.  
Эй йигитлиғ йўлини огоҳи,  
В-эй жувонмардлиғ шаҳаншоҳи,  
Ул китобеки, сизга тушмишдур,  
Меҳри ҳам ани бизга тушмишдур.  
Кўнглума ул азиз эли жондин,  
Йўқ эди лаҳза кўрмайин ондин.  
Донмо илким узра шоҳиндек  
Тутар эрдим чу дилбари Чиндек.  
Йўқ эди онсизин манга тоқат,  
Қайда тоқат эди манга соат.  
Сенки меҳринг кўнгулга тушмишдур,  
Очи меҳрин-ўқ унутмишлур.  
Истасанг бу камина шодлиғин,  
Қим, бу маҳзун кўнгул кушодлиғин,  
Они бир неча кун равон айла,

Юбориб, сўнгра имтиҳон айла.  
Олибон нусхаю равон этайин,  
Икки-уч кун аросига битайин.  
Шеър шоир кишигадур фарзанд,  
Кўнглидур они меҳрига пайванд.  
Гар ёмондур ва гарна яхшидур,  
Меҳри маҳзун кўнгулни нақшидур.  
Ким кўрар оғзи эгри ўглини бад,  
Будурур фаҳми хўбу яхши санад.

\*  
\* \* \*

Эй ёри азизи меҳрибоним,  
Жисмимни уйида балки жоним.  
Жондак сени ўзга ёр тутдим,  
Ҳам мунису дилфигор тутдим.  
Ул кун манга бир сўз этдинг изҳор,  
Чўқ ранж ила қилдим они тайёр.  
Келтурдим олиб ёнингга они,  
Олғил муни эмди, ёри жоний.  
Ҳар чандки туҳфалар ҳақири,  
Ман ҳам ҳама одами фақири.  
Шоҳаншаҳи муҳташам Сулаймон-  
Ким, мўрға бир кун ўлди меҳмон.  
Пои малахени қилди тортуқ,  
Андин мени қайси ерим ортуқ?

# ДОСТОНЛАРДАН НАМУНАЛАР

## ГУЛНОМА

Соқий, қадаҳинг мул эт карамдин,  
Қолмиш бу работ жоми Жамдин.

Ковус қани, не бўлди Ҳушанг?  
Кўкка чолиб онча кўси фарҳанг.

Маст айлаки, телбавор ўлай мен,  
Йўқлуқ аро бахтиёр ўлай мен.

Бу телбалик ичра онча қил фарқ,  
Бору йўқи даҳр қилмайин фарқ.

Соқий, қадаҳи нашот тўлдур,  
Бу бодаға чархни букултур.

Бу хамлиғ ила етолмайин чарх,  
Йўқ, дурдини ҳам тополмайин чарх;

Кундуз очибон қуёш нуқудин,  
Уй равзани демайин қопудин;

Тун бўлса, сочиб нуқуд юлдуз,  
Юрсун югуруб тун ила кундуз.



Соқий, тўла айла жому соғар,  
Қолмас киши, қони худ Скандар?

Баҳромга гўр манзил ўлди,  
Минг гўр қўлида бисмил ўлди.

Жонлар бари фоний — тангри боқий,  
Кўп мунча тағофул этма, соқий.

Аввал ичу сўнгра қил ҳавола,  
Гардун эса сибқарай пиёла.

Эй соқийи гулғузори гулрў,  
Эй кабк хироми, нозбў бў.

Эй қомати сарвингга фидо сарв,  
Қаддинг деса, бормудур раво, сарв!

Ваҳ-ваҳ, не ғалат хаёлдур бу,  
Ҳай-ҳай, не деган мисолдур бу!

Ул бир шажареки, меваси йўқ,  
Эл кўнглин олурға шеваси йўқ,

Ҳайҳот, бу қадки, сенда бордур,  
Ҳар яхши мушаббах ўлса ордур.

Қоматму десам — қиёмати бор,  
Жаннатму десам — худ офати бор.

Қад йўқки, малоҳати шажардур,  
Йўқ-йўқ, дегил офати назардур!

Оғзинг бу шажарни ғунчасидур,  
Кулгу анга, ваҳки, мевасидур.

Фарзан деса мева — кулгу воқеъ,  
Овозасиға йўқ, уйқу воқеъ.

Ширинлиғ аро гумондин ортуқ,  
Аччиқлиқ аро худ ондин ортуқ.

Ширин ва ачиқ — фидоси жонлар,  
Ул кулкуга садқа хонумонлар.

Эй тоза ниҳоли гулшани жон,  
Ҳар узвингга садқа боғу бўстон.

Менким гули нозбў экибмен,  
Меҳнатлар анинг учун чекибмен.

Жаъфар гулию гули ҳинолар,  
Ҳам тожихурус хуш жилолар;

Ҳам кошғарий гулини парво,  
Шому саҳар анда худ муҳайё.

Бир сатҳи чаманда ишқи печон,  
Чирманмоқ ўлуб иш анга ҳар ён.

Бу барчаси бу жиҳатму эрмас,  
Ишрат сари маслаҳатму эрмас.

Ҳар чанд фараҳфизо эрур гул,  
Қўп рамзга ошно эрур гул.

Ишқ ичра асиру мубталомен,  
Бир сарвга зору бенавомен.

Бир чеҳраси гул асиридурмен,  
Ғам кишварини амиридурмен.

Бир ғунча оғиз фитодасимен,  
Махмури висол бодасимен.

Ул тош кўнгулму, яъни сенсен!  
Фўлодға йўлму, яъни сенсен!

Кўнглунг қатигича бўлмағай тош,  
Қошинг қиличича кўрмағай бош!

Яндашса бу тош бирла фўлод,  
Кўрмас киши сен сифатни жаллод!

Ким они ҳавои ишқи бирлан,  
Масжидни қилиб ўзумга маскан;

Чархифалакеки, чархи гардун  
Тўкмай суйини бу навъ бир кун,

Масжид ариғига ўтқурубмен,  
Йўқ, кўз ариғи аро қурубмен.

Саргашталик анда кўп ўзумдек,  
Қундуз-кеча сув тўкар кўзумдек.

Эй зулфунг асири хўбрўлар,  
Ҳуснунгга фидо туман накўлар.

Юз фикр ила нозбўлар эктим,  
Меҳнат ани тарҳи бирла чектим.

Комим — бу десанги, кўргулукдур,  
Бир дам боришиб ўтургулукдур.

Тарҳидин агар савол этарсен,  
Васфин эшитур хаёл этарсен,

Дарвозага киргач ичкарироқ,  
Бирдам туру ўнг бирла сўл боқ.

Ўнг ёнида нозбўи чиний,  
Шармандаси Чин нозанини.

Зухд аҳли каби қиём айлаб,  
Қирган кишига салом айлаб;

Бошини эгиб қилиб тавозуъ,  
Илкинг сунарин этиб таваққуъ;

Қўл теккач, этиб абирсонлиғ,  
Фирдавс гулин иси нишонлиғ.

Минг ноз ила, бўи нозбў деб,  
Бошини эгиб, ниёз бу деб.

Хизри наби кисвати баринда,  
Баъзиси Билол талъатинда.

Кўк атласи баъзидин намудор,  
Тун турраси баъзидин падидор.

Баъзини атаб забони гунжишк,  
Шохи бўлуб ошени гунжишк.

Чумчуқ дема, булбул ошѐни,  
Чумчуқ сифат айламиш макони.

Атрофин олиб хурустожи,  
Тожи била ёндуруб сирожии.

Боқған киши кўнглига солиб ўт,  
Деб:— Турма бу гулшан ичра, бот ўт.

Боқ менга, қутул асирлиғдин,  
Қайдим мени бу далерлиғдин,—

Деб кѐшғарий гули кулумсуб,  
Зебо гулума назарни сол хўб.

Бошим узадур кулоҳи ним тарк,  
Хўблуқда атаб отимни садбарг.

Кўнглумни шикофиға назар сол,  
Бағринг бутун ўлса, бот кадар сол.

Сўл ёниға лутф этарсен изҳор,  
Турфа чамани ғариб — толор,

Ер бағриға чок томуридин,  
Ой доғи таноб узотуридин,

Чарх азми учун каманд ташлаб,  
Бўлмоқда Масиҳ бирла ҳамгап.

Исоки мақом қилди тўртунч,  
Элдинму эди худ анга қўрқунч?

Анфосини тангри пок қилди,  
Афлок уза завқнок қилди.

Жон топти ўлук дамидин, алҳақ,  
Йиллар ўтуб ўлганича мутлақ.

Толорга ҳам бу поклиғ бор,  
Май нашъасидин бировки хуммор,

Ул кимса ўлук эмасму охир?  
Махмурни ўлук демасму охир?

Раз қизидин ўлса баҳраварлиғ,  
Ул бодаға коми топса тарлиғ.

Бермасму худ анга руҳи тоза,  
Топмасму ҳам ул футуҳи тоза!

Бас, ток Масиҳ дам эмасму?  
Исонафас они худ демасму?

Ток ёнида неча нозбўлар,  
Шому саҳар ул хужастарўлар

Қизлар киби юзлари қизиллик,  
Ҳар кунда тилаб неча биҳиллик.

Деб:— Боқма юзум қизорғаниға,  
Минг зинат ила очилғаниға-

Ким, бўи вафо гулумда йўқтур,  
Сўлмоқлиғима маҳал ёвуқтур.

Жаъфар гули дебки:— Ҳушманд ўл,  
Гуллар исин исла, баҳраманд ўл.

Қўйма аёгингни беҳаёвор,  
Солғил назаринг, адаб билан бор.

Бизни бу чаманда солма кўздин,  
Инжилма бу заъфароний юздин.

Белларда бўғун солиб ҳинолар,  
Тийғ ўрнида баргдин наволар.

Жаллод киби боқиб ҳаросон,  
Бир нечаларин босиб қизил қон,

Деб кирган улусга — Бохабар бўл,  
Беҳуда гулумга сунмағил қўл.

Гулзорни гарби хонақоҳе,  
Тангрига ниёз учун паноҳе.

Масжид ери икки газ бийикроқ,  
Тишлаб бу маконга чарх бармоқ...

Е раб, бу макони хулд тазйин,  
Фируз маҳаллу жаннат ойин,

Файзу караминг ҳамиша ёр эт,  
Қим айни иноятинг нисор эт.

Аҳлига ҳам, эй карими довар,  
Ҳиятни нақўсин эт муяссар.

Кўнгулларин айла бу макондек,  
Ҳимматларин айла осмондек.

Аҳлига бу ер муҳаббатин сол,  
Илм аҳлига бори шафқатин сол.

Кўнгулларин эт бу ерга побаст,  
Завқи бу макондин айла сармаст.

Ғарби бу маконни обшоре,  
Жаннат суйи йўққи, жўйборе.

Жаннат ичидин оқар ариғдек,  
Йўқ, кавсардин чиқар ариғдек.

Ҳар кимсада бўлса ҳубс зоҳир,  
Ул сув-ўқ этиб ҳам они тоҳир,

Оқиб туну кунда тутмай ором,  
Баҳра топиб онки хосу ҳам ом.

Мавжи етуруб фалакка шавқун,  
Завқи кетуруб малакка шавқун.

Шавқун дема, балки шавқи ортиб,  
Ҳам савтлиғин нафири тортиб.

Чархифалак анда ўла сойир,  
Кўк чархидурурки даҳра дойир.

Уқ жавфида ўйла қутри афлок,  
Ургулмоқ ишида чусту чолок.



Тахта анга қаққашонму бўлғай,  
Ё қоққашон нишонму бўлғай.

Ҳар кўзалари ситора янглиғ,  
Сув сочмоғи абри пора янглиғ.

Ул чархифалакни жўйбори,  
Ердин юқоридур икки қори.

Масжид туби бирла жори бўлғай,  
Толор ила гул нисори бўлғай.

Ҳожат анга сувдин ўлмаган чоғ,  
Айлониб оқарда даврай боғ,

Гуёки зилоли зиндугоний,  
Ҳайвон суйидин бериб нишони.

Боқған кишини сафоси ортиб,  
Кўнгул уйини жилоси ортиб.

Шаҳсуфани тўрт жоннибидин,  
Жониб не деган, бўлур тубидин,

Оқиб бу назокату сафода,  
Ҳайвон суйивор софу сода,

Ул манзили пок ҳавзи сори  
Кавсар ариғи мисол жори,

Гулларга бериб абирсонлиғ,  
Гуллар тубидин этиб равонлиғ.

Юз навъ сафода суйи оқиб,  
Фарҳод таҳайюр илки қоқиб.

Шарбат топибон сув истаганлар,  
Ширин арифи, йўқ эрса кавсар,

Жайҳун киби субҳу шом жори,  
Уммон бўлуб они шармсори.

Қилгач биров ул ариғда юрмоқ —  
Селоб йўлинда бор ўтурмоқ.

Қуш ўтса, ўчуб ҳаёти онинг,  
Мўр ўтса, бориб нажоти онинг,

Гуллар неча юз лабида бутган,  
Кўрган муни ўзгани унутган.

Лаъли лаби дилрабому оё!  
Хатму лаб уза гул анда гўё!

Е навхатларни сайри чоғи,  
Тушмиш кўзи анда бу булоғи.

Қилмишму ўзин аларга монанд,  
Бермишму ўзин аларга пайванд.

Қим қилса ўзин наку шабиҳи,  
Неку била йўл топар қабиҳи.

Ул суфаки жавфи гулшан эрди,  
Доно элига нишиман эрди.

Ғарбида гулу шимоли гулшан,  
Шарқию жануби сарву савсан.

Михробию неча муттаколар,  
Михробида соҳиби дуолар.

Ул суфа шимоли бор гулзор,  
Булбуллар ўқуб худ анда гулёр.

Бир неча муғаннийи навосоз,  
Булбулга қилурга ўзни дамсоз.

Ул суфада рост сози ушшоқ,  
Марғуласи мушкбези офоқ.

Ул гулшани тозанинг шимоли —  
Бир ҳужраи чордархаёле.

Очғанда эшикни, тўрт жониб  
Гул бирла анор қўзғолониб.

Ҳар ён чу назарни сен очарсен,  
Гул кўргайсену гул сочарсен.

Хуш манзил эрур, ҳавоси марғуб,  
Булбулларининг навоси марғуб.

Хуш ҳужраи дилкушо, фараҳбахш,  
Ҳавз ўтрусида жудо фараҳбахш.

Ғарбида зилоли зиндугоний,  
Телмуртуруб ўзига самонн.

Яъни ҳавзи сафода кавсар,  
Бўлмасму биҳишт арода кавсар.

Ул манзили поки жаннат осор,  
Кавсар киби ҳавзини десанг бор.

Ҳар саҳнида суфай ажибе,  
Ашжор ила суфаларда зебе.

Бир саҳнида гўлгули самовор,  
Асрорини айлаб элга изҳор...

Деб:— Кўр мани жўш ила хурушум,  
Қайд ўлма ичиб худ оби жўшум.

Мендин бир-ики агар тотарсан,  
Топсанг нима менга йўқотарсан.

Қўлдин борибон чу ақлу ҳушунг,  
Қўкларга етиб ҳам ул хурушунг.

Аvlo буки, ҳолиё хирадсен,  
Муфт ичмагин, айла мунда радсен.

Шояд кўлайиб жиҳоту молинг,  
Хор этма ўғул била аёлинг.

Вар айламасанг бу сўзни бовар,  
Ичмоқлигин айладинг муқаррар,

Ичган кишиларга кўзни солгин,  
Муфт ичмоқига ўзунг уёлгин.

Чойхўрни ёнига кўп тиқилма,  
Чой ич, дегани билан йиқилма.

Сен хулқи хушунгни зоҳир этгин,  
Турмай ёнида, йироқ кетгин.

Дебким, мани чой қилди мамнун,  
Қўл кўксунг олиб, қадинг қилиб нун.

Яъни ўзунг эт бу ишда инсоф,  
Ичмоқлигин улким айламиш лоф,

Гар бўлса сиёҳи пул ҳавойи,  
Ичмангму ҳавойи пулни жойи!?

Рухсат ани чойидин ичарга,  
Ҳозир неча анда қайнатарга,

Гар яхши вагар ямон кўрар ул,  
Ичмоқ ани чойини, будур йўл!?

Ул кимсаки, қониъи азалдур,  
Телмурмоқ анга қатиғ ажалдур!

Тортинг ани ҳолиға фиғонлар,  
Бир пулга ютуб суроҳий қонлар;

Жон тортибу қон ютуб йилу ой,  
Бору йўқини бериб, ичар чой!

Ул чоеки, сен гирарсая энгак,  
Қайда бошинга урарга калтак!

Аvlo буки, хўй этма они,  
Хўй этгунг, эшит бу сўзни соний:

Яхшисини хўй айла охир,  
Кефак ичиб, ўлма элга фохир.

Бир мирига кўп кефакни олиб,  
Бўз халталар айлаб, они солиб.

Тумшуқ кўтариб худ осмонча,  
Кел, чой ичамиз деб, эй фалонча.

Чойнику пиёлаларни булгаб,  
Сўзда қўлин ҳар сорига тўлгаб.

Ичкач они, чоқ этиб думоғин,  
Қирғич била йўқ, қириб тамоғин,

Фаҳм айламайин қирилганин ҳеч,  
Ич-бағрини худ эзилганин ҳеч.

Яъни будурур сенга иродат,  
Неткунгдур этиб бу ишни одаг!?

Басдур бу насихат ла пандим,  
Аvlo буки, бўлма баҳрамандим.

Сўз аслига яхшидур ружуъи,  
Қолмай дейин аслию фуруъи.

Аmmo не дейин гужум сифотин,  
Не деб қилайин худ они отин.

Бир-бирига барги онча пайваст.  
Йўл топмайин отсалар анга шаст.

Соя самаридин эл тануманд,  
Шаҳр истамай, они деб Самарқанд.

Зоҳид кишилар аммасидек,  
Шаҳр аҳлини зеб жомасидек,

Усмоқда чунон солиб таку пў,  
Утмай бири-биридан сари мў.

Бевосита қибласин олиб ҳавз,  
Сояси аросида қолиб ҳавз.

Остидин ариғ мугар самовий  
Ул чархифалак суйини нови.

Ваҳ-ваҳ, не дедим, не қилдим авсоф,  
Астағфирулиллаҳ, ўлмасун лоф.

Ё раб, караминг нисор айла,  
Лутфунгни ҳамиша ёр айла,

Лофимни ўзунг маоф қилғил,  
Миръоти кўнгулни соф қилғил...

Очилди зори бенавони,  
Нафс илкида мубтало гадони;

Оламни ҳаводисиға қолган,  
Нафси бадидин бўлога қолган:

Эл таъну маломатига ботган,  
Шармандалиғ уйи ичра ётган;

Яъни лақаб ичра Мирий оти,  
Бу шеър ила айламай уёти.

Қўп ёвау ҳарза сўзни тортиб,  
Ул ҳарзада сафҳани қароргиб;

Не рамзу ишорату не тамсил,  
Билмай не далилу қайси таъвил-

Ким, назмни худ шиори айлаб,  
Бу ҳол ила турфа коре айлаб.

Мен қиммену мунча беҳаёлиқ,  
Маъни гуҳарига ошнолиқ.

Найлай, нетайин бу ўлса тақдир.  
Йўқса манга қайда мунча тақрир?

Бу хост чу сендин ўлса бори,  
Бўлғайму бу қулни ихтиёри!

Ё раб, караминг паноҳим этгил.  
Лутфунгни худ узроҳим этгил.

Файзинг бу макон сари фузун қил,  
Лутфунгни танобини узун қил.

Аҳлига ҳам айла шавқин афзун,  
Ақвомини айла завқин афзун.



Утган кишиларки пок эдилар,  
Хўблуқ била завқчок эдилар;

Бўлганларимизни қил алардак,  
Кўнглимизи равшан эт саҳардак.

Утганларимизга нури иймон,  
Бўлганларимизга хайру эҳсон.

Утганларимизни айла масрур,  
Бўлганлара бер сурурдин нур.

Соқий, тўла айла соғари гул,  
Гул юз уза ташла зулфи сунбул.

Гулдек очилиб, пиёла тутғил,  
Кулгу қила, йўқ, уёла тутғил.

Гул мавсуми маст айла бизни,  
Гул ёнида паст айла бизни.

«Гулнома»га истасанг чу тарих,  
Тут ҳушу хирад, эшит бу посих<sup>1</sup>.

Ким, ушбу нигорхонаи Чин  
Гулзору гули биҳишт оин

Бўлғач, бу нидо етушти ногаҳ,  
Тарихига бўйла қилди огаҳ:

Гул чеҳрасию аёғ юздин,  
Яъни учни унут ўтуздин.

---

<sup>1</sup> Посух (жавоб) қофиянинг талабига кўра посих бўлиб келган.

Олдинг гулу юздин ул нишони,  
Тарих: биҳишт гулситони.

Таммат, тамом ёфт ва ба ихтитом анжомид «Гулнома»и  
Очилдии хоксори бемиқдор.

1295

Эшитмоқлинг учун афсонадур бу,  
Деманг Мирийни сиз:— Девонадур бу!

На гул қолғай жаҳонда, не гулистон,  
Ҳаво қилган қушумга донадур бу!

## Ч О Й Н О М А

Аблаҳи нову ошу чой талаб,  
Кона фи кулли боб ман яраб.

Одамийлиғ ишида беидрок,  
Бедилу бегамизу бас бобок.

Аямай андин эзиди доно,  
Барча беҳушлиғ анга пайдо.

Машраби бетакаллуф андоғ кенг,  
Мазҳаби йўқ бағайри «енгу ичинг».

Бўйи хушлин думоғи бас бобарг,  
На тириклик ғами тушуб, не марг.

Уйини кунжини олиб қара мол,  
Бавлу саргин ёнида моло-мол.

Мол тапписидин думоғ очған,  
Мушк исидинму чорбоғ очған.

Мушк иси гар етиб думоғиға,  
Нафаси пур келиб тамоғиға.

Деб:— Не бадбӯи бадмашом эрди,  
Елга завқи фароғатим берди.

То қазонини боши узра тезак,  
Бол тезакдин маишига гезак.

Ўзи деҳқон, одам авлоди,  
Булбашар наслидин, ғам авлоди.

Турфа озода фикри уқбодин,  
Ғами дунелиғ эрди дунёдин.

Чарх аноси топмай ҳамсанги,  
Айламиш отини Шукур ганги.

Ғами дунёда ончунон эди тўқ,  
Фикри уқбоси зарра кўнглида йўқ.

Емак-ичмакка эрди бас машғул,  
Йўқ эди хотирида жуз маъқул.

Даҳрдин соҳиб фароғ эрди,  
Бу фароғатда ҳуш думоғ эрди.

Бегамиз эрди-ю, тамиз талош,  
Бешуъур эрди ю, шуъуршунос,

Табъи ҳайвонда ўзни одам деб,  
Одамий аро мусаллам деб.

Тутубон ўзни соҳиби фитрат,  
Чой ичар эрди ҳар кун уч навбат.

Ичиб уч чойникни субҳ дами,  
Пешину шом ҳам бу эрди гами.

Бедумоғу думоғдор эрди,  
Сухбат ичра аёғдор эрди.

Чойидин бир пиёла ичса бирав,  
Нотавон жисмига етарди алав.

Яна бир чойникни олиб дамлаб,  
Якка ерда махавлара ўхшаб,

Ичибон ялғузин ўлум ҳолат,  
Нафси бадга балон жон роҳат.

Мингбозорни сориға гузарим  
Бир кунн эрди, бўлди ҳамсафарим,

Қўтариб тумшугини бод бурут,  
Ўқумай бир йўли дуои қунут.

Савлати бесалоти савлатлик,  
Давлати беуёти давлатлик.

Иккимиз ҳамсафар бўлуб ҳамроҳ,  
Нашъан чойдин деди ногоҳ.

Деди:— Эй чойдин аёғингда  
Нашъан кайфият думоғингда.

Қулқули чойдин равон ҳушинг,  
Чойжўшунгда завқ ила жўшинг.

Қадр аҳлини аҳли қадр билур,  
Дейин оллингда нукта мен қурғур.

Халтаи чойдин кеча чойим  
Келмади, соф бўлди парвойим.

Эрта бозор эрур дедим, ғам эмас,  
Дам чойим гар ўлмади, дам эмас.

Дами субҳ урмэй офтоб қадам,  
Мен урай илгари қуёшдин дам.

«Ҳай» деганча қачан қўюб фурсат.  
Чой бозориға солай диққат.

Халқ то жамъ бўлганича ичиб-  
Ким, думоғимга завқу ком бериб.

Суду савдога сўнгра айлаб жазм,  
Нима даркор эрур, анинг сари азм,

Етдим ул кеча бу таманнода,  
Хом савдода, фикри яғмода.

Нашъаи чойдин думоғим танг,  
Чойға етдим, нечаки қилди гаранг,

Нашъанинг печтобидин юз ранж,  
Нотавон жисмим ўлди меҳнатсанж.

Бошим оғриб, кетиб кўзумдин нур,  
Эсим оғиб, таним бўлуб ранжур.

Тонгга тегру ишим фиғон этмак,  
Нола бирла замон-замон кетмак.

— Эйки, сен чой учун маошинг бор,  
Чойдин завқу интиошинг бор.

Мени ҳам фикратимға етди вуқуф,  
Чойхўрликда бўлмишам мавсуф.

Чойхўр жоддасида топдим жой,  
Жойи амниятим бўлубтур чой.

Чоран айш чой ўлмиш бас,  
Зарра йўқ нону ош сари ҳавас.

Кечани елга бердим уйқудек,  
Уйқу кўздин йироқ кўзгудек.

Бу сифат кеча тонгга еткурдим,  
Чой шавқи била қадам урдим.

Толпина-тирмана югурдум зор,  
Жони безор бирла Мингбозор.

Заъфи тан сустликда маҳкамроқ,  
Чой барқи танимда йилдамроқ.

Чой махмури, нашъа ранжури  
Нотавон жонима тушуб зўри.

Юмуб очғунча кўзни еткурдум,  
Дама Исога ўзни еткурдум.

Чой дам айладим дами Исо,  
Тани бежоним этти-ўқ ихё.

Бир-ики гўлдуруб қадаҳ ичтим,  
Гўйё шарбати фараҳ ичтим.

Ўлуб эрдим, магарки топтим жон,  
Зулмати танга еткуруб иймон.

Куфри хумморни кесиб бошин,  
Маст майлонида тўкуб ёшин.

Қони душман тўкуб суроҳийдек,  
Ғам бошини узуб мубоҳийдек.

Маст бўлдумки, янги жон топтим,  
Тоза жону завқи комрон топтим,

Билдим эмдики, чойхўр эканим,  
Ичмасам они, носабур эканим.

Чойсиз йўқ магар нажот менга,  
Бу эрур мояи ҳаёт менга.

Дедим:— Эй нўши жонинг ўлсун чой,  
Чойсиздин ўлуб алам фарсой.

Неча йилдурки, чой ўлуб хўйинг,  
Тардумоғ айладинг лаби жўйинг.

Қуруғ оғзинг қўруғ мисол бўлуб,  
Қуруғ оғзингда бу мақол бўлуб.



Бурут оғзингда шўразор киби,  
Очуқ оғзинг бузуғ мазор киби.

Қайси гўр, ўйла юмрулан ғоре,  
Тилинг ул ғор аросида море.

Мор йўқ, мору мўр маъвоси,  
Қайси маъво, улус тамошоси.

Бульжааб, бу оғизга нашъан май.  
Нашъан май топиб лабинг, ҳай-ҳай.

Бу оғиз қанди қилур намақоб,  
Нўшдору лабингдадур зардоб.

Ниши ақраб танинга қилмас асар,  
Ҳайя захриға қайда сенда хабар.

Не аламднн сенга малолатдур,  
Не фароғатда иститоатдур.

Молсен, қайси молсен, қара мол,  
Хўрду хобинг ҳамиша шоли фахол.

Ичмоғунг сув, топилмаса кўлмак,  
Магар ул дам келиб яқин ўлмак.

Чойхўрликни қилма даъвосия,  
Чойхўрни чиқарма расвосия.

Чой уч ҳарфдурки, жиму алиф,  
Охир исмини ё тутуб мунсиф.

Жимидур жомеъи ҳавоси хамс,  
Уч ададдин топиб асоси хамс.

Моддаи жамъи аҳли ҳуш эрур.  
Ҳуш элига дами хуруш эрур.

Алифи хаймаи тарабга сутун,  
Сарв қад қомати киби мавзун.

Улфат асбобини тутуб боши,  
Уқ киби ё қўлида ёнбоши.

Айламакда ғазоли маъни сайд.  
Уқу ё чой ичида бўлмиш қайд.

Ями роҳатни ё эрур ариғи,  
Е эрур баҳри завқнинг балиғи.

Балиғ ар йўқ алиф не деб манзил  
Тутти ул чашма ичра, филҳосил.

Сурати ичра алиф балиғ янглиғ,  
Маю ям қалб аро ариғ янглиғ.

Хоҳ май, хоҳ ям баҳар тақдир,  
Ташна комиға кўп этар таъсир.

Сенки бу кайфиятда бебўсен,  
Бу табиат била қилиб хўсен.

Чой кайфиятин қачан билгунг,  
Кўрсанг афъи, ани расан билгунг.

Топмиш озор агар тани лошинг,  
Нашъан чойдин эмас бошинг.

Балки дарди шақиқадин бу бало,  
Боши бемағзингга бўлуб пайдо.

Ул касалдин танинг бўлуб ранжур,  
Билмай они, ўзунг ясаб махмур.

Мени чой нашъаси деб, этти гаранг.  
Лаку фак сўзлар ила сен калфанг,

Лофи бемаъни бирла айлаб жўш,  
Турфа афсоналарда жўшу хуруш.

Кўзи ўйнаб, очилди оғзи кенг,  
Оғзидин очти ҳикматидек енг.

Деди:— Мен чой ичарга дономен,  
Нашъан чойга тавономен.

Олти ойдурки, одат айлабмен,  
Шурб соат-басоат айлабмен.

Мени ҳам ўзгача думоғим бор,  
Пок равған, қаро чароғим бор.

Мол тапписидин тўла бир уй,  
Еқаман меҳмонлара беўй.

Чойжўш ўтни бир яқосида,  
Лақу луқ нукталар аросида.

Қайнағач чой, қайнаб оғзим ҳам,  
Бақ-бақу савтидин тўлуб олам.

Чойнинг нашъаси бу эрмасму?  
Нашъаи чой ганги билмасму?

Дедим:— Оре, бале тамизингга,  
Офарин бу тамизи тевингга

Нашъан чойдин топибсен завқ,  
Чой маънисидин олибсен завқ.

Аҳли тақлидга қачан таққиқ  
Жилва кўрсатти чеҳран тавфиқ.

Бўлма тақлид эли била ҳамроз,  
Ел куни зоеъ айлама овоз.

Бир шағоле бор эрди пурнайранг,  
Ранги найранг ила фалак фарҳанг.

Макр бобида эрди бемонанд,  
Ҳийла бобида шайтанат фарзанд.

Кундузи сайр этиб биёбонда,  
Кеча бўлса келурди қўрғонда,

Эл кўзи бўлса уйқуга моил,  
Сайр айларди кў-бакў соил.

Қимниким ош ўлуб қазопида,  
Ешурун ухлаган замонида,

Топиб ул ош, нуши жони эди,  
Нуши жон оши, балки нони эди.

Ўткарурди бу навъ мударлар,  
Халқ бўлмиш эди баче музтар.

Эл қилиб ҳийла, қўлга тушмади ҳеч,  
Қимса бирла бирар тўқушмади ҳеч.

Яна бир кеча келди ғоратга,  
Туъма истаб ғизон қувватга.

Қўрди бир кулбаи эшик маҳкам,  
Бир тешик топти, урди уйга қадам.

Қўкчихона эди, қўмулган хум,  
Нилуфар ранги бирла тўлган хум.

Деди:— Бу хум бари таом эрур,  
Бахту толеъ менга ғулом эрур.

Топтим ўхшар таоми бесоҳиб,  
Деди-ю урди туъмага роғиб.

Нили хум бас амиқ эди беҳад,  
Чиқмоқ андин жадал била не ҳад.

Ғўта урмоқ била бўлуб беҳуш,  
Ўзини қилди нилфар манқуш.

Қилди рангини нилфарга бадал,  
Чиқди, ҳосилки, беҳад этти жадал.

Дашт сорига нилфар малбус  
Бўлубон, бўлди хайлига маҳсус.

Ори-ори, гуруҳи даштий аро  
Бўлмаган бўйла жонваре пайдо.

Кўрдилар нилфар либосин ани,  
Қаркаданлар тутуб ҳаросин ани.

Олди хайли шағолларни йиғиб,  
Қилди огоҳ, жумласин чақириб.

Деди: «Ҳақ менга берди султонлиқ,  
Ҳукмронлиқ била сулаймонлиқ.

Фил бўлсун вагарна шери дамон,  
Айлади барчага мени султон.

Лек пинҳон қилинг шағоллиғим,  
Билмасун шер бемажоллиғим.

Азм этинг шер сори босуръат,  
Шакли аъжубада қавий ҳайбат:

— Турфа тунде, ажаб қивий бозу,  
Даъвии шоҳлик қилиб як су.

Олди фармонга таюру вуҳуш,  
Сизни истаб, хурушу айлар жўш:

Еки ҳукмумга бош индурмас!?  
Шер кимдур, ёнимда тўдаи хас!

Раъди савтимдин айлагай парҳиз,  
Ғайратим барқга урар маҳмиз!

Не учун келмагай саломимга,  
Қўл қовуштурмагай каломимга.

Ҳайбатимдин қилинг ҳикоятлар,  
Савлатимдин солинг сиёсатлар.

Келса, келтурмангиз мақомимга,  
Бал йироқроқдин эҳтиромимга.

Бош қўюб хизматимга, бўлсун қул,  
Мени билсун ато, ўзини ўғул,—

Деб юборгач шағолдин пайғом,  
Шер эшитгач, юқувсин этти ҳаром.

Деди:— Ё раб, бу қайси ҳайвондур?  
Ҳукмронлиғда қайси султондур?

Қодиру носир ул эрур, ори,  
Улдур, албатта, холиқал-бори.

Пашшани филзўр қилса, не кам,  
Шерни шўр агар қилур, не ситам...

## КАКИ КУҲЗОД

Навойни руҳидин ўлса мадад,  
Яна қилмаса лутф Фирдавсий рад.

Солай кишвари қиссаға рустахез,  
Қалам найзаси бирла сўзға ситез.

Ҳикоят майидин қилай элни маст,  
Қилай базм элин ўйлаким майпараст.

Карам қилса Фирдавсий «Шаҳнома» син  
Ки, туттурса шафқат билла хомасин.

Чу Фирдавс боғига солсам хуруш-  
Ки, Фирдавсийдин олса комим улуш.

Бу майдонни азмиға айлаб сутуҳ,  
Қалам найзаси бирла Рустам шукуҳ,

Буким назм размин тутуб бедарак,  
Забун айлайн сўзни андоқки Как.

Фалак золи топса ишимдин хабар,  
Дегай:— Офарин!— ўйлаким Золи зар.



Бу тарих учун кимсаким чекти жон-  
Ки, гулзори маънигадур боғбон.

Бу янглигда бўлмиш тараннумсарой-  
Ки, Фирдавсий руҳиға фирдавс жой.

Ватан Золға Зобилистон эди,  
Атодин ато шоҳи дoston эди.

Яқин анга уч кунчилик бўъди роҳ  
Улуғ тоғ эди, бас бийик боргоҳ.

Улуғ дашт ул тоғни ёнида,  
Бисоти фалак вусъати сониди.

Ки афғону лочину хайли булуж,  
Ватан тутмиш эрди қўюб анди қўч.

На бир тоғ эрди фалак иртифоъ,  
Етиб кўкға боши малак истимоъ.

Етиб кунгури чархи мийноғача,  
Каманд ушлатиб сақфи болоғача.

Бийикликда пасти бўлуб осмон,  
Анга йўл ясаб осмон қаҳқашон,

Ҳамул тоғни устида бир ҳасин,  
Туман халқ ўлуб анди маъво гузин.

Қўюб қалъа отини Мирбод лум,  
Тутуб маскан анди ҳама хайли шум.

Ажаб бандаре эрди дарбанди сахт,  
На бир қўрғон, ўйлаким кўҳи лахт.

На душмандин эрди аларға зарар,  
На лашкардин эрди аларға ҳазар.

Анга киргали эрди дарвоза бир,  
Магар маҳкам этмиш тўкуб анга қир.

Қуш ул қалъа азмида қилмай даранг,  
Булут шўриш этмай, қочар бош яланг.

Бўлуб хайли афғонға ул ҳисн жой,  
Бари тийрандозу жанг озмой.

Ҳисоб ичра минг, барчаси роҳзан,  
Урушда бири мингға йиртиб кафан.

Тутуб тоғ бағрин саропардаси,  
Қаки кўҳзод анда саркардаси.

Ўзи кўҳзоду оти (эрди Как,)   
Ажаб бадраг эрди у (боҳайбат саг).

Бўлуб пайкари филу қомат баланд,  
Буким тоғдек жисми хоро писанд.

Уруш чоғи гардунға тортиб хуруш,  
Бало ёлқунидек солиб оғзи жўш.

Солиб наъраси шер жисмиға тоб,  
Шукуҳидин аждарға минг изтироб.

Узуб зўр этарда камар тоғдин,  
Олиб ҳуш девона йўқ соғдин.

Қавий ҳайкалу кўҳ пайкор эди,  
Синаҳдору пурзўру солор эди.

Урушда олурди алам марддин,  
Ки, гурзида албурз этиб гарддин...

Ўтуб умри бунёди бедод этиб,  
Ҳама умри бедод бунёд этиб.

Наримонга андин етиб гўшмол,  
Қутулмай ани размидин Сому Зол.

Тушуб бийми Гаршасп жөнига ҳам.  
Бўлуб хираси Золи зар дам-бадам

Неча Сом размига боғлаб камар,  
Қилиб зўри бозуси зеру забар.

Бўлуб Сому Зол анга пархошжўй,  
На бир размидин бўлдилар комжўй.

Мадоро тилаб, тутти билъахир  
Тарийқи итоат тутуб ногузир.

Берурга анга йилда ўн жирм гов,  
Муқаррар зару сийм учун божи сов.

Олур эрди Қак ҳар йили Золдин,  
Яна ҳадялар Золи кўполдин.

Бу маънидаким, Зобилистонға йўл  
Очилғай фароғатда корвопға йўл

Тижорат элин тор-мор этмағай,  
Сафар аҳлиға йўлни тор этмағай.

Тилаб халқ осойишин Золи зор,  
Зар ул шум учун айламиш ихтиёр.

Бу ғам Золи зарни қилиб нотавон,  
Қаронғу эди кўзга Зобилситон.

Хирадманд улдур балият чоғи  
Дуруст этса иш фарру ҳиммат чоғи.

Чу душман қавий бўлса, тадбири хўб,  
Ки тадбир асар ишни таъсири хўб.

Шарар оздурур, сув била барҳам эт,  
Улуғ бўлса, туфроғ сепиб, ўт кам эт.

Ул эрдик, Золи зари кийнакор  
Забун этти зар бирла ул нобакор.

Чу аъдо қавийдур, мадоро керак,  
Бале, дўсту душман — мувосо керак.

Таҳамтанки Зол анга эрди ато,  
Келиб зўри бозу атодин ато.

Кўруб Зол Рустамға бу китфу ёл,  
Гулистониға истар эрди камол.

Кўз ичра тутуб гўйё мардумак,  
Ҳадис этмай оллиға кўҳзоди Как.

Тушуб бийм Какдин замирида жўш,  
Деди хайлига Зол, тортиб хуруш:

— Бу фарзандким бас эрур аржуманд,  
Жувонмарду ҳушёри дониш писанд.

Шижоатда, қувватда ҳамтоси йўқ,  
Кўдакдур, адуға мадороси йўқ.

Топиб мавсуми умри ўн ики ёш,  
Қилур гард аччиғланиб тутса тош.

Қавий ҳайкал, аммо кичик ёши бор,  
Неча паҳлавонлиғда кенгоши бор.

Ани кўнглида шердин йўқ ситам,  
Қачан пилдин хотири ичра ғам.

Гурури йигитликни ғавғоси кўп,  
Ҳамиятда майли тақозоси кўп.

Мабодоки кўҳзод ишидин хабар,  
Қулоғига ул паҳлавонни етар;

Кичик ёшида қилса разми ирик,  
Ўлуб ул, буким қолмагаймен тирик.

Бало тийриға ўзни айлаб ҳадаф,  
Замони тараб бермасун бартараф.

Карам тангридин бўлса, бир-икки йил  
Утуб, топса қувват, топиб зўри фил.

Умидим будурки, туман кўҳзод  
Ҳаётига андин қилур хайрбод.

Ани қуллиғини тилаб шум Как,  
Мисоли ул итдурки, тишлар кесак.

Буким ҳолиё тифлдур нарра шер,  
Бўлунг воқиф андин сағиру кабир,—

Дебон қилди таъйин ики паҳлавон,  
Жувон ҳушу паҳлў қавий навжувон.

Туну кун рафиқ этти Рустам била,  
Таҳамтан ҳам ул икки ҳамдам била.

Насаб бирла Рустамға эрди яқин,  
Ҳасаб ичра андоқки, соҳиб нигин.

Бирига лақаб эрди Кашводшоҳ,  
Яна бири Милоди заррин кулоҳ.

Хирадманд эди икки дониш пажух,  
Алардин фалак шери топмиш шукуҳ.

Ул иккисига Зол айтиб:— Зинҳор  
Ки Как ишларин айламанг ошкор.

Ани олдиға Какдин айтманг паём,  
Мабодо менга қўймангиз нангу ном.

Деманг Рустам оллиға Какдин ҳадис,  
Дарак қилманг ул бедаракдин ҳадис.

Эшитгач мабодо, солиб кўнгли шўр,  
Йигитлик думоғиға айлаб гурур.

Яна қилмагай азм майдониға,  
Ситамдур менга, зулм ани жониға.

Чақиртиб маҳаллоту бозор ҳам,  
Бу сирдин қилиб элни ҳушёр ҳам.

Буким, қилмасун ҳеч киши Какни ёд,  
Башар ё пари деб Каки кўҳзод.

Сўзидин биров гар қилса ошкор,  
Талов молу жонин қилур тору мор.

Ки чун топти бу навъ фармони Зол,  
Эл оғзида йўқ бўлди андин мақол.

Аёғчи, йигитлик шаробини тут,  
Гурури йигитликда бир дам овут.

Ҳавас жоми хушдур йигитлик чоғи,  
Замони хурушдур йигитлик чоғи.

Рустамнинг бозор сайриға азимат қилганда, икки  
раҳнаварддин Каки кўҳзод ҳикоятин эшитгани ва унинг  
аҳволидин хабар сўргани ва Қашвод илан Милод чора  
топмай, андин сўз қилгани.

Бу тарихға улким, Рустам шукуҳ,  
Ки «Шаҳнома» роқим, таҳамтав пажуҳ,

Бу янглиғ тузар сўзни майдонини-  
Ки, Фирдавс қилсун шабистонини.

Тутуб расми мардоналиғ филтан,  
Қичик ёш — улуғ ҳиммати филфан,

Амуде олиб илкига говсар,  
Камоне тутуб новаки жонгузар.

Қилич белда, фил бошини тенг ёриб,  
Ўқидин фалак фили бош қайтариб.

Ани размидин каркадан нотавон,  
Бўлуб шер майдонидин нимжон,

Қулоқ бошида Сомдин ёдгор,  
Сипаҳ Золи андин бўлуб номдор.

Бу ҳашмат аро Рустами доругир  
Магар чиқти бозор аро ул далир.

Улус кўргач ул нахли зебосини,  
Кичик ёшда бозуи болосини,

Шукуҳи солиб ерни бағриға чок,  
Лаби соғаридин бўлуб маст ток.

Тушуб духтари разға кайфияти,  
Лабин ўпмакиға тилаб нияти.

Қади сарв, бозуси аммо қавий,  
Фалак паҳлавонин қилур мултавий.



Тани тоғ, тоғ узра тоғ бош анга,  
Агар тутса туфроғ, ўлуб тош анга.

Боқиб халқ бир-бирга ҳайрат қарин,  
Дер эрди:— Бу қаддингга минг офарин!

Бу аснода икки пиёда магар,  
Таҳамтан била бўлдилар ҳамсафар.

Хабарсиз магар Зол эълomidин,  
Сўз айтмиш магар Какни пайғомидин.

Қўруб бўйла бозун пайвастини,  
Шукуҳи қавий қомату бастини,

Дуосида тилни санохон этиб,  
Тамошо ҳамул сунъи яздон этиб.

Дебон:— Офарин, қадду бастинг учун,  
Амуди гарону зўр дастинг учун.

Мусаллам йигитлик камолингга ҳам,  
Сафобахш файзи жамолингга ҳам.

Қачан тўрт ано топти сендек ўғул-  
Ки, етти атодур эшикингда қул.

Бу суратда бермас жаҳон золи ёд,  
Десанг, йўқ ажабким, Қаки кўҳзод

Шижоатда, суратдадур анга тенг,  
Йигитликда ортуқ эмас, тенг денг.

Шижоатда тенг гарчи кўҳзодга,  
Эмас тенг (у) бу сарви озодга.

Агарчи тануманду пурзўр эрур,  
У бир шуми бадраг, бу бир ҳур эрур.

Бу янглиғ жаҳон золидин Золи зар  
Фароғатга етмиш олиб баҳру бар.

Чу Рустам алардин топиб бу суруш,  
Думоғи топиб жўшу тортиб хуруш.

Уруб шуълаи ғайрати тунду тез,  
Ул икки пиёдага айлаб ситез:

— На сўздур, бу кимдур Каки кўҳзод?  
Башарму, малакдинму ул девзод?

Начук пил пайкар, тануманд эрур?!  
Не пайванд ила менга монанд эрур?!

Ки ҳамто менга Сому Зол айтмайин,  
Наримон киби қийлу қол айтмайин.

Чу Гаршаспу Утрутга қилмай мисол,  
Недин Как била бердингиз гўшмол?!  
.

Демай ҳамсарим шери нар ё паланг,  
Ва ё аждаре, ё диловар наҳанг?

Ватан анга сувдурму ё тоғдур,  
Билолмонки, қайси қурумсоғдур?!  
.

Уёлмай деюрсиз мени Как киби,  
Қачан гурз эрур элга калтак киби!?

Агар тоғ эрур йўқса туфроғдин,  
Недур асли, барҳам берай боғдин!

Начук зот эрур ул Каки кўҳзод,  
Менинг бирла айларсиз ул телба ёд!

Мени тенгу тўшим эмас ҳар хасис,  
Малак бирла хушдур Масихо, анис!

Ики раҳрав англаб таҳамтан сўзин,  
Жувонмард Рустамға боғлаб кўзин.

Ўчуб ранг рухсоридин, чекти ғам,  
Қуруб оғзию ҳалқидин кетти нам.

Пушаймон бўлуб ул ики раҳнавард,  
Бўлуб музтариб, оғзида оқи сард;

На фикри такаллум, на ҳушу жавоб,  
Тушуб узв-узвига минг изтироб.

Таҳайюрда қолғач, бўлуб гунгу лол,  
Аларни кўруб бу сифат пури Зол,

Қарам илкини усру айлаб аён,  
Аларға зар этти карам ул замон.

Чу Рустам овутғач зару сиймдин,  
Қутулмиш ул икки қатиг биймдин.

Деди паҳлавон:— Рост денг ҳар нима,  
Ери гургдин фориғ ўлсун рама.

Дедиларким:— Эй паҳлавони номвар,  
Равонингга ҳақ лутфи берсун зафар.

Бу аснода бор бир ажаб кўҳна гург,  
Ажаб кўҳна гурге, ишидур сутург.

Ажаб бадраге, бадниҳодедур ул,  
Лақаб Как, магар кўҳзодедур ул.

Наҳангедурур шўри дарё ситез,  
Наҳанг новакидин тополмас гурез.

Нажод анга афгону павкар булуж,  
Сипаҳ ёнида барча лашкар булуж.

Қуруб йўлни устиға хиргоҳлар,  
Ҳарос ичра андин гадо, шоҳлар.

Бўлуб ўғрилиғ фикри ул хайли шум,  
Ҳазар қилгай андин бари марзу бум.



Аз раги жон аст баҳри мистарат ин торҳо,  
Баҳри тарҳи он набини нохуни озорҳо.  
Ман ки тораш сахт кардам, он нишони сидқ буд,  
Сусти набвад эътиқод аз таънаи агёрҳо.  
Мисраи меҳрам зи сатри дўстий берун мабод,  
Гунҷаи ақдам абир орад аз он гулзорҳо.  
Қоғази шавқам зи сатри дўстий гардад баланд,  
Хатти якранги кушояд нофан тоторҳо.  
Дар муҳаббат тинати соф аст, Мирий, роҳбар,  
Қист гардад ошнои рамзи ин асрорҳо?

Мазмуни: <sup>1</sup>

Мистаринг<sup>2</sup> учун боғланган торлар жон томиридандин,<sup>3</sup>  
Бинобарин уни ишлатганингда, тирноғларинг билан қаттиқ босиб,  
жонимга озор бермагин  
Мистар торларини қаттиқ торганим бу сенга бўлган садоқатим  
нишонасидир.

<sup>1</sup> Тожикча-форсча шеърларни М. Маҳмудов таржима қилган.

<sup>2</sup> *Мистар* — котиблар томонидан линейка-чизғич вазифасида ишлатилган асбоб.

<sup>3</sup> Мирий дўсти Мулла Сайид Муроднинг илтимоси билан мистар ясаб юборган ва шу муносабат билан унга атаб, ушбу шеърни ҳам ёзган.

Эътиқодимиз эса бегоналарнинг таънасидан ҳеч сусаймасин.

Меҳрим мисраи дўстлик сатридан холи бўлмасин,

Аҳду паймоним ғунчаси у гулзорлардан хушбўй ҳидлар келтирсин.

Шавқим қоғози дўстлик сатрларидан тобора баланд кўтарилсин,

Ҳамжиҳатлик хатлари тоза ва энг хушбўй ҳидлар тарқатувчи

нофаларни очсин.

Муҳаббатда, Мирий, пок табиат раҳбардир,

Қим бу сирларнинг рамзи билан ошно бўлар экан?



Тарабпарвардаи завқ аст гулзори Миёнколам,  
Ҳамон чун накҳати гул сар кашад хори Миёнколам.  
Гулистонаш сафоомода, гулзораш сафоин,  
Қалам резад намак аз қанди гуфтори Миёнколам.  
Чи гӯям баҳри тавсифаш, ду дарё чун дили содиқ,  
Расонда мавж бар чарх аст абҳори Миёнколам.  
Бухоро аз зилоли оби он мамнуну мустағни,  
Фароғатпарвари файз аст осори Миёнколам.  
Миёнкол аст, аммо кони неъмат, накҳати завқ аст,  
Ҳамон чун Чоржӯи шаҳри саршори Миёнколам.  
Зи Хўқанду Хўжанд оғаҳ наям, лек ин қадар донам,  
Самарқанди назокат шохи асмори Миёнколам.  
Зилоли оби наҳраш пай барад бар шўриши жайҳун,  
Аз он рӯ Наҳрипай хонанд анҳори Миёнколам.  
На дар хоҳад, на девор орзӯ Мисри иқоматро,  
Азизи динпарастихост девори Миёнколам.  
Мани Мирӣи ҳавопарварди мулки Қаттақўрғонам,  
Дуои дўст дорам ҳирзи тўмори Миёнколам.

Мазмуни:

Миёнколимининг гулзори завқу шавқни уйғотувчи ва тарбияловчидир,  
Унинг тиканлари эса гулнинг хушбўй ҳидидек анқиб туради.

Гулистони фараҳбахшу гулзори порлоқ нурга ўхшайди,  
Миёнколнинг ширин тили билан ёзганда, қаламдан бол томади.  
Уни қандай тавсифлай, икки дарёси вафодор диллардай,  
Миёнколимнинг дарёлари ўз мавжини кўкка етказди.  
Бухоро унинг зилол сувидан мэмнуну сероб,  
Миёнколимнинг осори файзни парвариш қилувчидир.  
Миёнкол бўлса ҳам неъматнинг конию завқ келтирувчидир,  
Чоржўйдек сувга сероб шаҳар ҳам Миёнколимнинг ўзидир.  
Қўқон билан Хўжанддан беҳабарман, лекин шунчалик биламанки,  
Назокатли Самарқанд Миёнкол мевали дарахтларининг бир шохи  
кабидир.

Дарёснинг зилол суви тўлқинланишда Амуга эргашади,  
Шунинг учун Миёнколим анҳорини Наҳрипай деб атайдилар.  
На Мисрда яшаш, на унинг эшик, деворларини кўриш орзуси бор,  
Миёнколимнинг деворлари эса ҳақиқатан муқаддас, азиздир.  
Мен, Мирий, Каттақўрғон шаҳрининг ҳавоси билан вояга етганман,  
Дўстнинг дуосию Миёнколнинг тумори таянчимдур,





Манам ки базла таманно, ба назм номиям,  
Ғуломи Саъдияму бандаи Низомиям.  
Қунад қабул ба даргоҳи хеш Хусрави назм,  
Сағам бигўяду хонад ба хеш Жомиям.  
Муини ҳоли манат бод Ҳофизии Шероз,  
Қ-аз ўст ин ҳама оҳанги хушқаломиям.  
Амири шеър ба иқлими турк кишваргир,  
Навойи Мири Алишери шўҳра номиям.  
Хужаста хома ки фикраш зи мў барорад сар,  
Ба назм Бедилу дил як жаҳон тамомиям.  
Мадад кунод ба ҳолам ҳама хафию жалӣй,  
Умеди ман ҳам аз онҳост эҳтимомиям.  
Ҳисоби шеър зи Мирий худой афв кунод,  
Тиҳи зи ҳосилам, азбаски марди омиям.

Мазмуни:

Мен латиф ва гўзал сўзлар ошиқи бўлганим учун назмда  
машҳурман,

Лекин Саъдийниг қулию Низомий бандасиман.  
Назм Хусрави ўз даргоҳига мени қабул этсин,  
Жомий итим десину ўз олдига чақирсин.  
Ҳофизии Шероз менинг ҳолимга мададкор бўлсин,

Чунки бу барча ёқимли сўзларимнинг хуш оҳанги ундандир.  
Турк иқлимини ўзига қаратган шеър амири,  
Номи машҳур Мир Алишер Навоийдир.  
Бедилнинг муборак қалами қилни қирққа ёради,  
Назмда Бедилу аммо дили бир жаҳон мазмунга эга.  
Ҳама ўтгану ҳозирлар ҳолимга мадад берсин,  
Менинг умедим ҳам шуларнинг ғамхўрликларидандир.  
Мирийдан шеър ҳисобини олганда, худо уни афв этсин,  
Чунки жоҳил киши бўлгани учун қуп-қуруқ — беҳосилдир.

\* \* \*

Азбас гирифт печу хамн норасои қарз,  
Дар ҳар қадам зи хору хас омад садои қарз.  
Тангии ишратам чи бало мубтало ки сохт,  
Меңушам аз пиёлаи андӯҳ чои қарз.  
Чун зоҳиди риёи мусаллои сад фусун  
Афкандаам ба дӯши хиҷолат ридои қарз.  
Бонги хурӯси субҳи ман овози қарзхоҳ,  
Рӯи фурӯғи меҳри ман андар самои қарз.  
Фарзи худову қарзи ҳалонқ ба гарданам,  
Ё раб, ҳавои фарз кунам ё адои қарз?  
Пои мурод гашт ба занжири қарз банд,  
Ё раб муроджӯ нашавад мубталои қарз.  
Савдогарам ки қофиласолори насиям,  
Роҳам хиҷолат асту ба кӯсам дирои қарз.  
Аз орзӯи дил шави, Мирий, ба сад тааб  
Чун мурғи болбастан ажибсарои қарз.

Мазмуни:

Ҳамма ёқни норасо, қинғир-қийшиқ олинадиган қарз босиб  
кетганидан,  
Ҳар қадамда еру кўкдан қарз овози келди.  
Маишати мининг ёмонлиги мени қандай балога мубтало қилдикн,

Ғам пиёласидан қарз чойини ичаман.  
Риёкор зоҳид макру ҳийла жойнамосини кенг ёзганидек,  
Қарз ридосини хижолатли елкамга ташлаганман.  
Тонгим хўрозининг қичқирғидан қарз берган кишининг овози  
келади,

Қуёшим порлоқ шуълаларини қарз осмонига сочади.  
Худонинг фарзю халойиқнинг қарзи бўйнимда,  
Ё раб, фарзни адо қилайми ё қарзни тўлайми?  
Мурод оёғи қарз занжирига боғланди,  
Ё раб, мурод изловчи қарзга мубтало бўлмасин.  
Мен шундай савдогарманки, насия муомала қилишга устаман,  
Йўлим хижолатдиру ноғорамдан қарз қўнғироғининг товуши  
эшитилади.

Мирий, кўнгул орзулари туфайли юз хил машаққатда  
Қарзнинг қанотлари боғланган ажиб кўйчи қушидек бўлиб қоласан.

## РУБОЙ

Саги Жомий манам; радду қабулаш кори ман набвад,  
Вале аз даври жомаш хушлаб кас нест махмураш.  
Навой аз наволи шафқати ў тарзабон бошад,  
Ба коми бенавоён чун надорад шарбат ангураш!

Мазмуни:

Жомийнинг итман; у қабул қиладими, қилмайдими, бу менинг  
ишим эмас,  
Бироқ унинг даврада айланувчи қадаҳидан баҳраманд бўлмаган  
бирорта мухлиси йўқ.  
Модомики унинг меҳру шафқатидан Навойга насиб бўлган экан,  
Бас, биз бенаво-бечораларнинг у пиширган узум шарбатидан  
татимаслиги мумкинми!

**ШАБИ БИСТИ ЯКУМИ МОҲИ МУҲАРРАМ  
ВОҚЕАИ ХОБ ДИДАН**

Шабе дар хоб хуш дидам гурӯҳе,  
Чу лафзи соҳиби маъни шукӯҳе.

Шукӯҳи маъни аз лафзаш мусаввар,  
Даҳон чун ҳуққай гавҳар ба гавҳар.

Фурӯғи рӯяшон чун жилваи ҳур,  
Булуғи фикрашон чун сураи нур.

Фурӯғи чеҳра ҳар якро чу гулшан,  
Чу як тан жонашон, аммо чиҳл тан.

Чиҳл тан дошт, аммо як жаҳон ҳуш,  
Жаҳони ҳушро гашта ҳамоғуш.

Жавон буданд, аммо син зи си беш,  
Чу си<sup>1</sup> ҳафтод як кам дигарон пеш.

Ба фазлу нукта ҳар як фарди комил,  
Ба файзи Мисри дил чун об дар Нил.

---

<sup>1</sup> *Си* — абжад ҳисоби билан етмиш.

Ба фанни мўшикофиҳо мудаққиқ,  
Дили таҳқиқашон нури муҳаққиқ...

Лаби изҳорашон мавжи маоний,  
Дили бедорашон шарҳи ниҳоний.

Забон дар комашон азбул-баён буд,  
Чи гўям, кони маъни, мағзи кон буд.

Ҳама якрангу яксў, якжиҳат буд,  
Дар он мажмаъ жамоле жилва бинмуд.

Назар кардам ба меҳмонхона филҳол,  
Зи сақфаш жўш мезад нури иқбол.

Сарире сарзада дар пешгоҳаш,  
Биҳишти файз фарсо дастгоҳаш.

Дар он курси яке болобаланде,  
Гули бахташ фурўғи аржуманде;

Ба саҳбон лабаш ашъори рангин,  
Зи минои дилаш мерехт таҳсин.

Намак мерехт ҳар дам бар дили реш,  
Зи бешармий гирифтам хешро пеш.

Касе з - он жамъ сўи ман намедид,  
Ба жое баҳри ман жое нажунбид.

Ба ҳайрат зад арақро гўта жисмам,  
Ба ҳайроний тапиш мезад тилисмам.

Азизи хилватам лаб дар табассум,  
Дар он мажмуаи Мисри танаъум

Ба халқ (аш) меҳрибониҳо чу Юсуф,  
Чунин мекард посух бетакаллуф.

Мухотаб карду гуфто:— Дил бидоред,  
Зулайҳои талабро дар каф оред.

Яке з-он жамъ сӯи ман хиромон,  
Балогат аз лабаш жӯшу хурӯшон,

Зи дасти раъшагинам зуд бигрифт,  
Кафам нақди ду олам суд бигрифт.

Бадӯ гуфтам ки: Эй пири ҳидоят,  
Нахустам деҳ ба завқи ман дируют.

Ки инҳо кист, бар ман гӯ, ки он кист,  
Ба меҳмонхонаи тан меҳмон кист?

Агар жон аст, тан созам фидояш,  
Ва — гар тан ўст, жон бахшам ба пояш.

Мани ғафлат сиришти кӯр дида  
Чунин нур аз жабини кас надида.

Нахуст аз хештан огоҳнам деҳ,  
Далелам шав, чунин ҳамроҳнам деҳ.

Чунин аз изтиробам гашт огоҳ,  
Пан таълимам аз жон шуд ҳавохоҳ:



Манам Мири Алишери Навоий,  
Амирам бо ту, худ мири навоий.

Паи дастгирният умрест дастам,  
Қалам бар каф кунӣ, ман сафҳабастам.

Ба қасри иззат он кӯ мўҳтарам шуд,  
Муқими пешгоҳи ин ҳарам шуд.

Ба илму фазл номаш гашт номий,  
Ба дарсу шеър устод ўст Жомий.

Дигар ин жумла шогирду муриданд,  
Чи ҳар як дар замони худ фариданд.

Биё, бикшо қадам, бардор доман,  
Кунун шобош аз ин гулзори хирман.

Зи сар по сохтаму сўяш давидам,  
Чу бисмил зери пой ў тапидам.

Фигони беҳудий бардоштам чанд,  
Таноби нола бар гардун задам банд:

Ки эй жонам фидои хоки поят,  
Ба хоки пой ту жонам фидоят.

Чи лутф аст ин, чи бахт аст ин, чи гўям,  
Чи меҳр аст ин, чи шафқат, чун бигўям.

Ба лутфам гуфт сўям,— бош хомўш,  
Қадаҳ ёби, макун фарёд, хуш нўш.

Гули рухсат ба рухсори ту шуд во,  
Бичин аз ҳар гулистон даста гулҳо.

Сарам аз хок бармедошт, ногаҳ  
Шудам бедору аз худ гаштам огаҳ.

Биё. Мирӣй, умедатро макун пир,  
Чу диди ин карам аз пири дастгир...

Ба шеърӣ хештан з-ин сон макун ноз,  
Ба Фирдавсий, Низомий чашм кун боз...

Ба жисми шеър жон доданд онҳо.  
Зи жисми хештан жон рафт, ҳошо...

Ва лекин аз суҳан шон зинда ҳастанд,  
Ба ҳар мажлис аз ин май мепарастанд...

Равони жумла бар қасри барин бод,  
Ҳама бар раҳмати жонофарин бод...

#### МАЗМУНИ:

##### **МУҲАРРАМ ОПИНИНГ ЯИГИРМА БИРИНЧИ КЕЧАСИДАГИ ТУШ КУРИШ ВОҚЕАСИ**

Бир кеча тушимда бир гуруҳ шод кишиларни кўрдим,  
Уларда бамаъни сўзловчи кишиларнинг гапларидек бир  
шукуҳ бор эди.

Маъни улуғворлиги ҳар сўзларида намоён бўлиб,  
Оғизлари гавҳар солинган дур қутичасига ўхшар эди.

Юзларининг жилоси ҳур жилвасидек,  
Фикрларининг етуклиги нур сурасидек эди.

Юзларининг нури гулшандек товланарди,  
Ўзлари қирқ тан бўлсалар ҳам жонлари бир тандек эди.

Қирқ тан бўлсалар ҳам бир жаҳон ақлга эга эдилар,  
Ақл дунёси билан бир жону бир тан бўлиб яшар эдилар.

Ёш эдилар, аммо ёшлари ўттиздан ошган эди,  
Бир нечалари эса қирқларда эдилар.

Фазлу нуктада ҳар бирлари комил киши эдилар,  
Кўнгул Мисрига файз беришда Нилнинг сувидек эдилар.

Ҳар нарсанинг сирини очиш фанида зўр тадқиқотчи эдилар,  
Аниқ текширувчи диллари ҳақиқат изловчилик, мунаққидлик  
нури билан тўла эди.

Кашф этувчи лабларида маънилар мавжи,  
Уйғоқ дилларида яширин сирлар шарҳи.

Тил оғизларида шакаррез эди,  
Қандай таърифлайн, маъни кони, коннинг мағзи эди.

Ҳамма якдилу ҳамфикру ҳамжиҳат эди,  
(Аммо) у мажлисда бировнинг жамоли жуда ҳам ярқираб  
жилва кўрсатди.

Шу он меҳмонхонага назар ташладим,  
Уй тепасида иқбол нури порлаб турарди.

Уйнинг тўрида бир тахт қад кўтарган,  
Бу тахтнинг шукуҳи жаннатда ҳам йўқ эди.

У курсида бир баланд қомат одам,  
Бахт гули яшнаб турган бир азиз ўтирарди.

Қизил майдек лабидан рангин шеърлар айтиб,  
Дил шишасидан таҳсинлар ёғдирар эди.

Жароҳатли дилларни ҳама вақт мафтуну мамнун қилиш  
билан машғул эди,  
(Шу пайт) мен беибо унинг томонига отилдим.

Йиғиндагиларнинг ҳеч бириси мен турган томонни кўрмас  
эди,  
Менга жой бераман деб, бирортаси ҳам ўрнидан  
қимирламади.

Аъзон баданим ҳайратдан терга ботди,  
Юрагим ҳайронлик изтиробда қаттиқ тепарди.

Хилватда ўтирган Азизим табассум қилиб,  
Ўша ҳаловат Мисрининг йиғилишида,

Юсуф халқига меҳрибонликлар қилгани каби,  
Бу ҳам бетакаллуф хуш муомала қиларди.

Менга хитоб қилиб айтди: Дилни бардам тутинг,  
Ва талаб Зулайхосини қўлга киритинг.

Шу вақт ўтирганлардан бири мен томон юрди,  
Унинг лабидан камолат шарбати қайнаб-тошарди.

У қалтироқ қўлимни тез ушлаб олди,  
Ва (гўё) қўлимга икки дунё бойлиги кирди.

Унга айтдимки: Эй тўғри йўл кўрсатувчи пир,  
Аввал менинг завқимга фаҳм-идрок бергин.

Менга айтгинки, булар киму ана у одам ким,  
Тан меҳмонхонасидаги бу меҳмон ким?

Агар у жон бўлса, тан фидоси бўлсин,  
Ва агар тан бўлса, оёғи остида жон нисор бўлсин.

Мен — кўзи кўр ғафлатда қолган  
Бундай нурни ҳеч кимнинг пешонасида кўрмаган эдим.

Менга аввал сен ўзингни танитгин,  
Етақчилик қилгину йўлдошим бўлгин.

У изтиробимдан хабардор бўлгач,  
Менга бажону дил таълим беришга киришди:

— Мен — Мир Алишер Навоийман,  
Сенга амир бўлсам-да, ўзим бир куйчи мирман.

Сени қўллаш учун бир умр қўлимни чўзганман,  
Сен қаламни қўлга олсанг, мен саҳифа қўювчи бўламан.

Иззат қасрида эса у доно санъаткор муҳтарам бўлди,  
Бу ҳарам тўрида у доим турғун бўлди.

Илму фазлда оти машҳур бўлган,  
Дарсу шеърда устод ҳисобланган зот ўша Жомийдир.

Қолган бу барча одамлар унинг шогирду муридларидир,  
Уларнинг ҳар бири ўз замонасида дунёга келгандир.

Кел, қадам қўйгин, этагингни оч,  
Энди бу гулзор хирмонидан гуллар териб, шод бўлгин.

Бу сўзларни эшитгач, бошни оёқ қилиб, унга қараб югурдим,  
Сўйилган (қуш)дек оёғи остида типирладим.

Беҳушлик фиғонини чунон баланд кўтардимки,  
Ноламнинг таноби кўкка чирмашти.

Эй жоним оёғинг тупроғига фидо бўлсин,  
Оёғинг хокига жон қурбон бўлсин.

Бу қандай лутф, бу қандай бахт, яна не десам,  
Бу қандай меҳр ва қандай шафқат, буни қандай изҳор этсам,

Шунда у лутф билан менга қараб, тинчлангин, деди,  
Қадаҳ топсанг, фарёд қилмай, шод ичгин, деди.

Рухсат гули сенинг юзингга очилди,  
Энди ҳар гулистондан гулдасталар тергин.

Бошимни ердан кўтарар экан, ногоҳ  
Уйғондиму ўз ҳолимдан огоҳ бўлдим.

Мирий, ҳимоя қилувчи пирдан сен шундай карам кўргач,  
Кел энди, умидинг гулини сўлдирма...<sup>1</sup>

Ўз шеърингга бу тарз маҳлиё бўлма,  
Кўз очиб, Фирдавсий билан Низомийга боқ...

Шеър жисмига улар ўз жонларини бердилар,  
Аммо ўз жисмларидан жон кетди, албатта...  
Бироқ улар сўзлари билан ҳамиша тирикдилар,  
Биобарин одамлар ҳар ўтиришда бу майни жону дилдан  
севиб ардоқлайдилар...

Барчаларининг жони олий қасрдан ўрин олсин,  
Ҳаммалари яратувчининг раҳматига сазовор бўлсин...

---

<sup>1</sup> Қўйилган кўп нуқталар бир байтдан шеър туширилганини билдиради. (саҳифанинг чети ишқаланиб, хатлар ўқиб бўлмас л ражага етган).

## МУНДАРИЖА

Очилди Мирий <i>Муҳаммаджон Маҳмудов</i> . . . . .	3
Ғазаллар . . . . .	13
Мухаммаслар . . . . .	182
Таржеъбандлар . . . . .	225
Соқийнома . . . . .	237
Рубойлар ва қитъалар . . . . .	240
Воқеабандлар . . . . .	245
Достонлардан намуналар . . . . .	248
Тожикча-форсча шеърларидан . . . . .	293

*На узбекском языке*

МИРИЙ

ИЗБРАННЫЕ

*Издательство художественной литературы „Тошкент“ — 1965*

Редактор *Ҳ. Пулатов*  
Расҳом *М. Балақшиев*  
Расҳом редактор *Г. Бедарев*  
Техн. редактор *Л. Парпихўжаев*  
Корректор *Т. Алимов*

Босмахонага берилди 21/-65 Босишга рухсат этилди 9/III-65 Формати 70 × 108<sup>1/32</sup>.  
Босма л 9,75. Шартли босма л 13,35. Нашр л 8,4+2 вил (0,1 л) Тиражи 15000  
Индекс *б/а* „Тошкент“ балий алабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30  
Шартнома № 177 — 64

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг Ихтисос-  
лаштирилган ҳарф терув фабрикасида терилиб, матрицадан Ўзбекистон ССР  
Статуправление нашриётининг 10-босмахонасида босилди. Тошкент, Ўзғариш  
кўчаси, 18. Заказ 01043. Баҳоси 61 т.